

Э.Р.Мусурманов

**РАҲИМБОБО МАШРАБ
ФАОЛИЯТИ ВА РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ**

М о н о г р а ф и я

*СамДУ илмий кенгашининг
2015 йил 10 июндаги 9-сонли мажлис
қарори билан нашрга тавсия этилган*

Самарқанд – 2015

УДК 891.709

ББК 83.3Уз

М 91

Э.Р.Мусурманов. Раҳимбобо Машраб фаолияти ва руҳияти талқини. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2015. –160 б.

Эл ардоқлаган шоир Раҳимбобо Машраб Хитой, шунингдек, Озарбайжон, Афғонистон, Ҳиндистон, Рум ва араб ўлкаларида ҳам фаолият олиб бориб, Осиё халқлари адабий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган. Шоирнинг афсонага айланган, саргузаштларга бой ҳаёти ва серқирра ижоди хорижда ҳам диққат билан ўрганилмоқда. Китобда машрабшунослик тарихи ва муаммолари, шоир туғилган йили, жойи, шахсияти ва руҳияти тўғрисида Ўзбекистонда ва чет элларда қўлга киритилган янги манбалар асосида сўз юритилган.

Ушбу монография Раҳимбобо Машрабнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишланган умумий ишнинг биринчи қисми бўлиб, унинг мантиқий давоми “Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар” деб номланувчи монографияда келтирилади.

Китоб илмий ходимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи ва студентлари ҳамда Машраб ижоди билан қизиқадиган китобсеварларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

филология фанлари доктори,
профессор **И. Ҳаққулов**

Такризчилар:

филология фанлари номзоди,
доцент **С. Тохиров,**
ХХР Синцзян университети
доценти **Ма Суй Линг**

ISBN 978-9943-976-51-1

© Эркин Мусурманов, 2015

СЎЗ БОШИ

Мазкур монографиянинг аҳамиятини белгиловчи муҳим омил аввало, қадриятларга муносабатда ҳалол илмий мезон асосида қурилганлиги, мустақил республикамизнинг миллий мафкураси руҳи тадқиқотнинг бошидан то сўнгигача ҳукмронлигидадир. Эркин Мусурманов бевосита эски кўлёмаларни ўқиб матнлар нусхаларига оид фикр билдириши, дастлабки манбалардан ўрни билан фойдалана олиши ва натижада муҳим ва янги маълумотларни жамоатчиликка эълон қилиши тадқиқотнинг илмий салоҳиятини белгилайди.

Монографиянинг деярли ҳар бир бўлими муҳим илмий аҳамиятга эга. Жумладан, Марказий Осиё ва Хитой халқлари адабий алоқалари тарихи, Машрабнинг Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Афғонистон каби чет эллардаги фаолияти, туғилган йили ва манзили, шоирнинг руҳий дунёсини таҳлил қилиш жараёнида тасаввуф таълимоти, маломатия, қаландария тариқатлари ва уларнинг улуғ вакилларига оид ўрни билан келтирилган маълумотлар шулар жумласидандир.

Монографиядаги “Машрабнинг умрини қисқартирган саналар” қисми машрабшуносликда шоирнинг таваллуд йили билан боғлиқ чалкаш фикрларга катъий далиллар асосида барҳам берди десак, муболаға бўлмайди. Мазкур қисмдаги илмий мулоҳазалар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 2011 йил 14 январь сониди (№3) “Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ” номли мақолада кенг жамоатчиликка эълон қилинди. Ундаги фикрлар турли адабиётшунослар томонидан эътироф этилди. Жумладан, адабиётшунос олим Абдулла Жабборнинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 2011 йил 27 май сониди “Бир баҳоре топ ҳазони бўлмасун” сарлавҳали мақоласидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Матншунос А. Жуманазарнинг галдаги мақоласи “Матн ва ... бутун саволга яримта жавоб” (2010 й. 22 окт. сони), машрабшунос олим Эркин Мусурмановнинг “Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат

йўқ” мақолалари мухлисларни бефарқ қолдирмади, деб ўйлайман. Улар, жумладан, Машраб таржимаи ҳолига оид маълумотларни истифода этишда тадқиқотчиларни боши берк кўчага киритиб қўйган эски муаммолар ҳақида фикр юритишган. Натижада машрабшунос Муҳсин Зокиров “кашф” этган тазкирачи Исҳоқ Боғистонийнинг Шоҳ Машраб ҳақидаги хотиралари ва унинг “Тазкираи қаландарон” асарини илмий истеъмолга яроқсизлиги исботлаб берилди.

Машрабшунослар назарида энг чалкаш ҳисобланган шоир таваллуди (1640 йил)дан то Офок Хожа ҳузурига жўнашигача бўлган даврни йилма – йил босқичларга ажратиб кўрсатиб берган Э. Мусурманов мақоласи, назаримда, бу мавзудаги мунозараларга энди чек қўйди... Ҳозирча бу нуқтаи назарни ишончли тарзда рад этувчи бошқа далилга эга эмасмиз”.

Монография муаллифининг яна бир диққатга сазовор хизмати шундаки, у Машраб ҳаёти ва адабий фаолиятини бекаму кўст ўрганиш мақсадида бир неча марта Хитой Халқ Республикаси, Синцзян Уйғур автоном туманида, Машрабнинг қарийб ўн беш йил умри ўтган Қашқар ва унинг атрофидаги ҳудудларда илмий фаолият олиб бориб, шоир ва унинг замондошлари ҳақида ўзбек адабиётшунослиги учун қимматли маълумотлар тўплади. Россия ва Ўзбекистон кутубхоналари фондидаги манбалар устида ишлади, Санкт–Петербург университети ва шаҳар оммавий кутубхонасида рус шарқшуносларининг Машраб фаолияти, замони ва макони билан боғлиқ монументал адабиётларини жиддий ўрганди. Уларнинг айримлари ҳақида монографияда сўз юритилганки, бу маълумотлар ҳам ўз моҳияти билан тадқиқотнинг аҳамиятга молик жихатларидандир.

*Филология фанлари доктори,
профессор Шухрат СИРОЖИДДИНОВ.*

**Устозим академик Ботирхон
ВАЛИХЎЖАЕВнинг порлоқ
хотирасига бағишлайман**

КИРИШ

Жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, ўтмиш маданиятининг барча соҳаларини янгича мазмунда талқин этиш, мумтоз адабиётимизга, унинг вакиллари фаолияти ва асарларига бўлган муносабатни ҳаққоний қайта кўриб чиқишни давр тақозосига айлантирмоқда. Чалкаш, илмий фикрлардан узоқ, ноўрин такрорланувчи муаммоларга асл манба ва маълумотлар асосида ойдинлик киритиш, уларга холисона илмий баҳо бериш бугунги адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидланидек: “Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”.¹ Давр талаби нуқтаи назаридан келиб чиқилгани ҳолда элимизнинг севимли фарзанди, оташқалб шоир Валибобо ўғли Раҳимбобо² Машраб

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1997. – 137- бет.

² Асосан шўролар давридан бошлаб Машрабни Бобораҳим деб аташ одат тусига кирди, бундай номланишда 1926 йилда нашр бўлган Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” асари муҳим ўрин тутди. Асар муаллифи Машрабнинг тожик тилидаги асарларини келтиради ва шоирни “Машраб Намангоний – исмаш Бобораҳим аст.” деб атайди. Бироқ шоир ҳақида маълумот берувчи асосий асар «Девонаи Машраб»нинг барча маълум нусхаларида унга Раҳимбобо исмини беришгани айтилган: “...бу гўдакни етти кунлик бўлганда бешикка солдилар. Отларини **Раҳимбобо** қўйдилар.” Малехо Самарқандийнинг “Музакир-ул асҳоб” тазкирасида ҳам шоир номи Раҳимбобо деб келтирилади. Қолаверса, шоир “Чину Намангон ичида юрди Раҳимбобо сўраб” каби шеърларида ҳам ўз исмини аниқ келтириб ўтганки, биз Машрабни шу ном билан аташни лозим топдик.

ҳаёти ва ижоди ҳақидаги икки қисмлик тадқиқот иши майдонга келиб, унинг биринчи бўлими мазкур монография кўринишида тақдим этилмоқда.

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва фаолияти ўзига хос, мураккаб бир ҳолатда кечган. У болалигидан ёши улуғ кишиларни шошириб қўювчи зукколиги, ўткир ақли ва истеъдоди билан тенгдошларидан кескин ажралиб турган. Маънавий покликни ўзига шиор қилиб олган Машраб нафсоний истаклардан тўла воз кечган, оила ва мол–дунё қилмаган. Ноҳақликка мурасасиз бўлганлиги, золим амир–амалдорлар ва риёкор зоҳидларни танқид қилганлиги учун қатл этилган.

Шўролар давридаги ҳукмрон мафкура таъсирида шоир шахсиятига, дунёқараши ва ижодий фаолиятига бир томонлама ёндашилди, уни исёнкор, даҳрий шоир сифатида кўрсатишга, ҳаёти ва фаолиятидан сунъий равишда атеистик мазмун-моҳият қидиришга ҳаракат қилинди. Фақатгина мустақиллик шарофати туфайлигина бу каби ғайриилмий муносабатларга чек қўйилди. Оқсоқол алломалар Воҳид Абдуллаев, Абдурашид Абдуғафуров, Абдуқодир Ҳайитметов, шунингдек, Иброҳим Ҳаққулов, Жалолиддин Юсупов, Сайфиддин Рафъиддин, Исомиддин Салоҳиддинов, Исматилла Абдуллаев каби таниқли адабиётшунослар Машраб адабий фаолиятига оид муҳим, диққатга молик тадқиқотларни амалга оширдилар-ки, мазкур изланишларни бугунги кун машрабшунослигининг энг муҳим ишлари сифатида қайд қилиш мумкин. Матншунос Абдусаттор Жуманазарнинг, адабиётшунос олим Абдулла Жабборнинг кейинги йилларда Машраб ҳаёти ва фаолиятининг турли қирраларини ёритувчи муҳим изланишлари машрабшунослик илмига ўзгача муносабат, янгича руҳ олиб кирганини зўр мамнуният билан қайд қиламиз. Тарих, мусиқа, фалсафа, педагогика соҳалари вакиллари ҳам Машраб яшаган давр, унинг мақом жанри тараққиётида тутган ўрни, ижтимоий ва педагогик қарашларига оид маълум тадқиқотлар яратишмоқда.

Чет элларда Машраб ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб бормокда. Хитой Халқ Республикасидаги Синцзян университети профессор-ўқитувчилари, таниқли шоир Буғда Абдулла билан бўлган суҳбат асносида Таклимакон деган жойда Машрабнинг яшаган жойи, овқат тайёрлаган ўчоғи ҳали ҳам борлиги, ўша ерда шоирнинг кўплаб мухлисларининг мавжудлиги ва энг қизиқ томони — Машрабнинг Темурбек исмли ўғли бўлганлиги, у ўз вақтида моҳир саркарда сифатида танилганлиги, ҳақ йўлида кўплаб жангу жадаллар олиб борганлиги, унинг авлодлари ҳозирга қадар ўша жойда яшаётганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлдик. Бироқ кейинги фикрни тасдиқловчи аниқ манба бўлмаганлиги сабабли уни бир ривоят деб қабул қилдик. Умуман олганда, Синцзяндаги эллар орасида шоирга бўлган қизиқиш катта экан. Раҳимбобо Машрабнинг шеърлари билан айтиладиган мақом¹лар ўша ердаги маҳаллий халқ орасида шуҳрат қозонган бўлиб, ўзбекча шеърлар уйғурча оҳангда хиргойи қилинади. Машҳур “Уйғур ўн икки муқоми” (*ئۈيغۇر ئون ئىككى مۇقامى*) да ҳам шу шоиримизнинг ғазаллари асосида яратилган кўшиқ (нахша)лар бор. Жумладан, Машрабнинг:

Сеторим торига жон риштасидан тор эшиб чолсам,
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.
Мақом олиб мақом узра мақомин дилға жо қилсам,
Муҳаббат созиға созлаб ман онинг олдида чолсам.
Мақомларнинг атосини “Хусайний”у “Ажам” дерлар,
Булардин ҳам юқори пардайида “Чоргоҳ” чолсам.
“Баёд”и дилбаримни ёдида чолсам паё-пайким,
Ки, кўнгул бенаво бўлғонидин айлаб “Наво” чолсам...²

ғазали “Уйғур ўн икки муқоми” таркибига кирган “Роқ муқоми” матни мисолида Раҳимбобо Машрабнинг уйғур мусикасига кўрсатган таъсирини билиб олиш мумкин:

¹ Уйғурлар муқом дейишади.

² Девон. (Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Юсупов).— Т.: Янги аср авлоди, 2006. — 131-б.

Сатарим тариға жан риштисидин тар ешип салсам,
Аниңким налисидин бенәваниң көңлини алсам.
Муқом ичрә муқом чалсам, муқомни дилға жа қилсам,
Ки ул мәһбуб нәзәр қилса аниң алдида мән чалсам.
Муқомларниң атасини “Һүсәйн”у һәм “Әжәм” дәрләр,
Улардин юқари пәрдәки - “Баят”ини мән чалсам.
Баяти ашнаниң язида ейитсам баятиңни,
Көңүлүм, бенәва болғанда билсәм мән “Нава” чалсам... ¹

Машраб адабий фаолиятига бўлган қизиқиш нафақат Марказий Осиё ёки Хитой, балки Россия ва Европа халқлари орасида ҳам мавжуд бўлган. Мажор шарқшуноси Ҳерман Вамбери² (1832 – 1913) ва Германиялик арабшунос “Welt des Islams” (1912 – 1918) журналининг асосчиларидан бири Мартин Хартманн (1851 – 1918) томонидан Машрабнинг бир қанча шеърлари немис тилига таржима қилинган. Олимнинг Ёркент хонлигидаги ижтимоий ҳаётга оид изланишлари ҳам диққатга молик.³ 2008 йили Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш Ассоциациясининг 20 йиллик тантаналарида актёр Дижон Франсуа Шатто Алишер Навоий, Нодирабегим ва Раҳимбобо Машраб шеърларини ҳам аслиятда, ҳам француз тилларидаги таржималарда ўқиган.

Мазкур монографияда Машраб ва у яшаган Ёркент хонлигидаги адабий муҳит, машрабшунослик тарихи, Раҳимбобо Машрабнинг туғилган йили ва жойи, ўтмиш қиссаларидаги бадий талқини билан боғлиқ муаммолар, қаландария тариқати ва ўтмиш ижодкорларнинг шоир камолотига кўрсатган таъсири хусусида сўз боради.

¹ *Муҳаммад Имин Абдушукур*. Шинжаңнинг Таң дэвридики нахша-уссул сәнъити. Урумчи, 1980. 43 - б.

² Ҳерман Вамбери (венг. Armin Vambery) –венгриялик машхур шарқшунос, саёҳатчи. Братислава, Вена, Будапештда ўқиган. 1863 й. дарвеш кийимида Хива хонлигига, сўнгра Бухоро амирлигига келган. Туркистон тарихига оид кўплаб илмий-тарихий асарлар муаллифидир.

³ *Martin Hartmann*. Ein Heiligenstaat im Islam. Das Ende der Caghataiden und die Herrschaft der Chogas in Kasgarien. Der Islamische Orient, VI-X. Berlin, 1905.s. 275. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://www.iranicaonline.org/articles/central-asia-v>. Кириш санаси ва вақти: 01. 01.2013. 10:13



Устозим, академик Ботирхон Валихўжаев ўгити: “Мабдаи нур” асарининг матнини синчиклаб ўргансангиз, муаллифининг ўзи “лаббай”, деб чиқиб келади” (Самарқанд, СамДУ 1999 й.).

Биринчи боб

РАҲИМБОБО МАШРАБ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА МУАММОЛАРИ

Раҳимбобо Машраб фаолияти ва адабий меросини ўрганиш манбаларини мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. XVII – XIX асрларда яратилган асарлар;
2. Илмий рисола ва мақолалар.

Манба сифатидаги тазкиралар

Раҳимбобо Машраб ҳақидаги илк маълумотлар шоирга замондош бўлган адиблар асарларида ўз аксини топган. XVII – XIX асрларда яратилган айрим тазкираларда Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва фаолияти ҳақида катта-кичик маълумотлар келтирилади. Дастлабки хабарлар Муҳаммад Бадеъ Малехонинг 1689 – 1692 йилларда ёзилган “Музаккир-ул асҳоб” номли тазкирасида учрайди.¹ (Борлиги номаълум бўлган Зиёвуддин Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асарини бу рўйхатга киритмадик.)

Абдул Муталлибхўжа Фаҳмийнинг 1763 йилда яратилган “Тазкираи Фаҳмий”, Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё”, Абдушукур Зиёнинг “Мусаввадаи Абдушукур Зиё” тазкираларида, 1842 йилда қўқонлик Муҳаммад Ҳакимхон Тўра томонидан ёзилган “Мунтахаб ут-таворих”², Қўқон хони Худоёрхоннинг муншиси бўлган Мирза Олим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин”³, каби тарихий

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 166-б.

² Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих – Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти (кейинги манбалар – Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ) инв. № 1560.

³ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин - Қўлёзма, ЎР ФА ШИ, инв. № 1314. Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. (Нашрга тайёр. А. Матғозиев, М. Усмонова.) – Т., 1995. 128 б.

асарларида ҳамда Мир Халаддин Котиб Ёркендийнинг 1730-1731 йилларда яратилган “Ҳидоятнома”¹ ва “Маноқиб хўжаи Пошшо” сингари ҳолот ва маноқибларда Машраб ва унинг замондошлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Академик Воҳид Абдуллаев Машраб тўғрисида маълумот берган яна бир гуруҳ шоирларнинг номларини келтириб ўтади: Балх шоири Сурат, Ҳинд шоири Беҳуд, Нозим Хиравий, Шавкат Бухорий, Рафи Шоҳид, афғон шоири Зухур².

Фикримизча, яқин келажакда Машраб фаолияти ва адабий меросини ўрганиш учун куйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

I. Машраб ижоди ва фаолияти ҳақидаги муҳим асарларни нашр қилдириш


Республикамиз кутубхоналарида ва кишилар қўлида мавжуд “Девонаи Машраб” китобининг, шунингдек, “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларининг энг қадимги, салмоқли нусхаларини аниқлаш, улар асосида шоир ижоди ва фаолиятига аниқлик киритиш навбатдаги вазифалар ҳисобланади. “Девонаи Машраб” китоби нусхалари юртимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшовчи аҳоли қўлида ҳали ҳам учраб туради. Турли олийгоҳлар кутубхона ва музейларида “Девонаи Машраб”нинг бир қанча нусхалари сақланмоқда. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети кутубхонаси шарқ қўлёзмалари ва нодир китоблар бўлимида ҳам “Девонаи Машраб” китобининг 9 қўлёзма, 5 тошбосма ва “Мабдаи нур” асарининг 4 қўлёзма, 4 тошбосма нусхалари мавжуд (фойдаланилган адабиётлар бўлимида уларнинг рўйхати кетирилган).

¹ *Мир Халаддин Котиб Ёркендий. Ҳидоятнома.* Рос. ФА ШИ. инв. № 2565 Саҳ сони: 560. Саҳ: 12а, 42б, 70б, 76б, 98б, 109а, 110а.

² *Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб.* – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 141-б.



Машраб изидан
(Хитой Халқ Республикаси (乌鲁木齐)
Синцзян Уйгур автоном райони, 2009 й.)



**Фидойи машрабшунос Жалолиддин ака Юсупов
хонадонида Машраб асарлари қўлёзмалари устидаги суҳбат
(Хатирчи, 2010 й. Кўз фасли)**

II. Хитой Халқ Республикаси Синцзян Уйғур автоном райони (СУАР) ҳудудида Машраб ва у яшаган адабий муҳит ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш

Хитой Халқ Республикаси Синцзян Уйғур автоном райони (ўтмишда Шарқий Туркистон деб ҳам аталган) адабий муҳитига Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб каби ўзбек аллома адибларининг таъсири катта бўлган.

Машраб ҳаётининг маълум бир даври Қашқар, Ёркентда ҳам ўтган. Шоир ҳақида нафақат бизнинг ҳудудда, балки у ердаги адабий-илмий манбаларда келтирилган маълумотларни қиёсий ўрганиш муҳимдир.

Ўтмишда бу ҳудудда яшаган қатор адиблар бўлганки, улар Туркистон адабий муҳитидан тўлиқ хабардор ҳолда Қўқон, Бухоро, Ҳирот, Хоразм адабий мактаблари таъсирида камол топганлар. Улардан кўплари тўғридан-тўғри Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб адабий анъаналарини давом эттирганлар.

Ёркент адабий муҳити

Синцзян тарихидаги муҳим жараёнларни бошидан кечирган Ёркент хонлигида адабий муҳит юксак даражада ривожланган. Машрабнинг Хитой ҳудудидаги фаолияти ҳам шу хонликнинг сўнгги давлари билан боғлиқ ҳолда кечган. Қашқарда 2007 – 2009 йиллар давомида олиб борган илмий изланишларимиз натижасида халқлараро адабий ва маданий алоқаларга, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб ва унинг замондошларига оид айрим манба ва маълумотларга эга бўлдик. Улар асосида Машрабнинг Ёркент хонлиги ҳудудида яшаган даврида номлари халқ орасида кенг тарқалган ижодкорлар ҳақида маълум хулосаларга келиш, бадиий асарларнинг қиёсий таҳлиллари асосида қўшни халқларнинг адабий қарашлари ва алоқаларига доир тадқиқот ишларини майдонга келтириш мумкин. Мазкур макон ва замонга оид зарур маълумотлар қуйидаги манбаларда мавжуд:

Муҳаммад Содиқ Қашқарийнинг 1182/ 1768 йилларда

ёзилган “Тазкираи хўжагон”¹ тазкирасида, Мир Халаддин Котиб Ёркендийнинг 1143/1730 йилларда яратилган Ҳидоятнома”², муаллифи номаълум бўлган ва тахминан 1696 йилдан кейин ёзилган “Тарихи Қашқар”, Зайниддин Муҳаммад Эмин Садр Қашқарийнинг “Асар ул-Футух”³, 1842 йилда Муҳаммад Ҳакимхон Тўра томонидан ёзилган “Мунтахаб ут-таворих”⁴, Мирза Олим Мушрифийнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин”⁵, Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий»⁶, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (1499 – 1533)нинг 1541 – 46 йилларда яратилган “Тарихи Рашидий”⁷, Шох Маҳмуд мирзо Фозил Чўраснинг 1107/1696 йилларда ёзилган «Анис ат-толибин» ва “Тарихи Рашидий – Зайил”, Мулла Муса Сайракий (1836 – 1917)нинг “Тарихи аминия”⁸ ва “Тарихи Ҳамидий” каби асарларда.

Қуйида Машраб шеърятига ўз таъсирини ўтказган ижодкорлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтамыз:

1. Аязбек-қўшчи⁹. Ёркент хонлигининг дастлабки йилларида саркардалиқ қилган. У ғазал ижод қилишдан ташқари «Маҳмуднома», «Жаҳоннома» дostonларининг

¹ *Муҳаммад Содик Қашқарий. Тазкираи Хўжагон (Тазкираи Азизон) Қўлёзма, туркий. ЎЗР ФА ШИ. инв. № 701.*

² *Мир Халаддин Котиб Ёркендий. Ҳидоятнома. Рос. ФА ШИ. инв. № 2565 Саҳ сони: 560.*

³ *Зайниддин Қашқарий. Асарул Футух. –Қўлёзма, ЎЗР ФА ШИ, инв. № 753.*

⁴ *Муҳаммад Ҳакимхон тура. Мунтахаб ут таворих–Қўлёзма, ЎЗРФА ШИ, инв. № 594.*

⁵ *Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин - Қўлёзма, ЎЗР ФА ШИ, инв. № 1314.*

⁶ *Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Қўлёзма, ЎЗР ФА ШИ, инв. № 11108.*

⁷ *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 719 б.*

⁸ *Муса Сайракий. Тарихи аминия. – ХХР, Урумчи: Мил. нашр., 1989. – 434 б.*

⁹ Зокиржон Машрабов ва Ваҳоб Раҳмонов Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарига ёзилган «Муҳаммад Ҳайдар Мирзони йўқлаб ...» сўнгсўзида бу шахсни Муҳаммад Ҳайдар деб билишган. Муаллифларнинг келтиришларича, Муҳаммад Ҳайдар «Жаҳоннома» дostonини Аёзий тахаллуси билан ёзган. – Т: Шарқ, 2010. – 692 б.

муаллифи ҳисобланади. Унинг қуйидаги шеъри Аязбекнинг шоирлик салоҳиятидан далолатдир:

Соқий майи фараҳбахш тутким баҳор келди,
Ишрат замони етди ул гулғузор келди...
Даврон айру-ишрат беш кун эрур ғанимат,
Чун чархи бемурувват напайдарпай келди.
Ийду баҳор айёмидур, соқий лаббо-лаб жом тут,
Айшу тараб давронидур жоми майи гулгун тут...
Гоҳи Аёзий сориға бокқил сориғ рухсориға,
Яхши-ёмоннинг бориға лутфу карамни ҳам тут.

2. Султон Саидхон (1487 – 09.07.1533 й.й.). Ёркент хонлигининг асосчиси (1514 й.) ва хони (1514 – 1533 й.й.). Иқтидорли шоир, адабий таҳаллуси Саидийдир.

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо кўрагон ибни Муҳаммад Ҳусайн кўрагон Дўғлот (1499/1500 – 1533 й.й.) нинг 1541 – 1546 йилларда ёзилган «Тарихий Рашидий»¹ асарида туғлуқтемурийлар ва темурийлар авлодидан етишиб чиққан ва хонлик ижтимоий ҳаётида фаол қатнашган ижодкорлар хусусида сўз юритади.

«Тарихий Рашидий»да Саидхоннинг бадиий салоҳияти ҳақида шундай дейилади: «Настаълиқ хатида чиройли ёзарди. Имлоси форсийда ҳам, туркийда ҳам, арабийда ҳам тўғри ва бекаму кўст эди. У туркийда чиройли қилиб иншо тузишда беназир эди. Бунақаси кўплаб билимдонларнинг кўлидан келмасди. У ўйлаб ўтирмасдан шеър тузарди. Йиғинлар ва суҳбатлар пайтида олдида қандай девонни очишмасин, ўша шеърларнинг исталган вазни ва қофиясига мослаб, бадиҳа шеър тўқиб ташларди...

¹ *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.* (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова). – Т.: Шарқ, 2010. – 688 б., яна: Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (Дўғлот). Тарихи Рашидий. ЎзР ФА ШИ, инв. № 1430., яна: Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (Дўғлот). Тарихи Рашидий. Рос. ФА Шарқшунослик институти Саҳ сони: 395., яна: Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Шинжонг халқ нашриёти, Урумчи, 2007., яна: The Tarikh-i-Rashidi of Mirza Muhammad Haidar, Duglat. A History of the Moghuls of Central Asia. An English Version. Edited by N. Elias. The Translation by D. Ross, London, 1895, p. 446.

Хон йиғинлар пайтида тўқиган бадихалардан айримларини мен эслаб қолганман...

Қайси гулшаннинг юзингдек бир гули раъноси бор?
Қайси гулнинг бир манингдек булбули шайдоси бор?..

(Машраб бу шеърга назира тарзида:

Қайси парининг сан каби дилбари гулъузори бор?
Қайси чаманнинг гулларин тийри мижангча хори бор?¹

байти билан бошланувчи ғазал ёзган. – Э. М.)

Бир куни мен хондан форсийда бадиха айтишини илтимос қилдим. Қаттиқ сўраганимдан кейин хон Хожа Ҳасаннинг шу ерда турган девонини очишни буюрди. Очган эдим, бир ғазал чиқди. Матлаидаги биринчи мисра будир:

Эй зи сар то ба қадам жони каси,
(Эй сен, бошдан-оёқ бировга жонсан).

Йиғинда ҳозир бўлган одамлар ҳам бадихагўйлик қила бошлашди. Хон шундай байт тўқиди:

Чанда гўйики: Бигў жони каси?
Рост гўямки, туи хони касе.
(Неча дерсен: «Айт, кимнинг жонисан?»
Рост сўзлай: «Ўзинг биров хонисан».)

Мана шу синов байтидан ҳам у нечоғлик иқтидор эгаси бўлганлиги кўриниб турибди».²

Мазкур шеър ҳам Султон Саидхонга нисбат берилган:

Шукриллоҳ, ҳолатим зоҳир бўлубтур ёрға,
Энди ёр оллида ўзни кўрсатай ағёрға.
Сайр учун кирса гулистон ичра ул сарви равон,
Банда бўлсун сарви озод ул ҳаду рафторға.
Ҳар сабоҳ қон йиғласам айб айламанг ман зорни,
Бас кела олмам нетай бу дийдаи хунборға.³

Шоҳ Маҳмуд мирзо Фозил Чўрас (1626 – 1696 й.й.)
“Тарихи Рашидий-Зайил” (Чўраснинг бу асари “Тарихи

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 258 - б.

² *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.* – Т., 2010. – 42 - б.

³ Ўша асар. 206 - б.

Рашидий” нинг мантикий давоми ҳисобланади. Муаллиф асарини Муҳаммад Ҳайдар Мирзога тақлидан шундай атаган) асарида унинг ушбу байтини келтиради:

Эй Саидий, ол ёрдин тантинг муродингни тамом,
Барчаси бўлди муяссар шукр қил биру борга.

3. Абдурашидхон (1510 – 1569 й.й.). Султон Саидхоннинг ўғли, шоҳ (1533 – 1569 й.й.) ва шоир, адабий таҳаллуси Рашидий. Шоир ғазалидан парча:

Ҳақ йўлида жон чекиб бир жустужўйи қилмадим,
Тавба суйидин танимни шустушуйи қилмадим.
Ваҳ, нечук макбули бўлғай, ваҳ, намозимким менинг,
Чунки хуноби жигар бирла вазуйи қилмадим.

Абдурашидхон она тилидан ташқари, форс тилида ҳам ажойиб шеърлар яратган:

Гар қадатра сарви гуям, сарвара рафтор нест,
Гар лабатра ғунча хонам, ғунчара гуфтор нест.¹

«Тарихи Қашқар» асарида келтирилишича, Абдурашидхон ниҳоятда саводхон бўлиб, она тилида ва форс тилларида ажойиб шеърлар ижод қилган. У ҳар қандай зеру забарсиз матнни ёд олгандек ўқир эди.

4. Аманнисахон (1534 – 1567 й.й.). Нафисий таҳаллуси билан ижод қилган. Абдурашидхоннинг қуйи табақадан чиққан иккинчи хотини, шоира, ҳаттот ва истеъдодли санъаткор. Асарлари: «Девони Нафисий», «Қалблар шарҳи», «Ахлоқи Жамила» рисоласи.

5. Мулла Юсуф Қодирхон Ёркендий (? – 1571 й.й.). Аманнисахоннинг устози, Абдурашидхоннинг Бош вазири, машҳур мусиқашунос, шоир. «Девони Қодирхон» номи билан девон тартиб берган.

Уйғур олимлари ижодкорлар сифатида қайд қилишган,

¹Шоирларнинг шеърларидан намуналар Шоҳ Маҳмуд мирзо Фозил Чўраснинг 1107/1696 йиллар ижод қилинган «Анис ат-толибин » ва “Тарихи Рашидий-Зайил” асарларидан олинди.

бирок бизга уларнинг асарлари номаълум бўлган Ҳанифий, Ҳўпикий, Охун Мулла Шаххўжа, Мулла Ҳабиб, Мулла Атип, Баба хўжа Охун Хўтандий, Муҳаммад Эмин Зехний, Мирза Шах хўжа, Мулла Жуний хўжанинг ижодий меросидан намуналарни қўлга киритиш мақсадга мувофиқ.

Машрабга замондош бўлган Обид Қумулий, Мулла Позил, Муҳаммад Хароботий, Хирқатий, Муҳаммад Сиддиқ Залилий, Навбатий, Бобохўжа Охун Хўтандий, Иброҳим Машхурий, шунингдек, Сиддиқ Қашқарий, хожа Насирохун, Мавлоно Ҳулқий, Мирзо Мирак Чалиший каби шоир ва санъаткорлар ҳам ижод қилганларки, уларнинг асарлари билан Машраб шеърларини қиёсий-танқидий ўрганиш, шу асосда ўтмиш ўзбек адабиётининг тарқалиш жуғрофиясини ва таъсир доирасини аниқлаш адабиётшунослар олдида турган вазифалардан бўлиб, бунга ойдинлик киритиш Марказий Осиё халқлари адабий алоқаларининг маълум даврини ёритишга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда яратилган айрим тадқиқотларда Арший деган шоир Машрабга замондош сифатида келтирилади. Гоҳида Арший деган шоир бўлгану бирок унинг қачон ва қаерда яшагани номаълумлиги ҳақидаги фикрлар ҳам учрайди. Бунга қўшимча тарзда Гумном ва Хирқатийни алоҳида ижодкорлар сирасида билиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Жаҳон хўжа Ёқуб (Арший таҳаллуси билан девон тартиб берган). Тахминан 1724 – 1730 йиллар оралиғида Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларида ўқиган. Арший таҳаллуси билан туркий, форс ва араб тилларида шеърлар ижод қилган. Ёркент ҳокими (1735 – 1759) бўлган. Арший ҳар пайшанба куни «Олтин» мадрасада талабаларга дарс берган. Улар орасида Қўқон хонлигидан бўлган талабалар ҳам таҳсил олишган. Маълумотларга қараганда, Жаҳон хўжа афсонага айланган уйғур қизи, Маҳдуми Аъзам авлоди Ипархон (15.09.1734. Ёркент – 19.04.1788. Пекин) нинг хожаси бўлган.

1707 йил Қашқарда туғилган тазкиранавис Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Тазкират ул-авлиёи туркий” асарида унга кўплаб яхшиликлар қилган Мавлавий Арший ҳақида сўз юритади:

Шоҳи жаҳон Мавлавий Арший эди,
Насаби аслида Қурайший эди.
Лойиқ эди руҳи равоним десам,
Арзир эди жисмаро жоним десам.
Сурма эди кўзима босқон ери,
Шаккар эди комима ширин сўзи.
Тегди самум офати йўлдошима,
Тегди фироқ ўти мени бошима.
Қилди бу ўт ичра самандар мени,
Айлади оламда қаландар мени.¹

Муаллиф Мавлавий Арший аждодларининг насаби асли Қурайший бўлганлигини айтмоқда. Бундан Аршийнинг хўжалар авлодидан эканлигини англаш мумкин. Бироқ Рушдийга азиз бўлган бу инсон очундан эрта кўз юмганлиги сабабли мисралар муаллифи кўп азият чекканлиги кўриниб турибди. Давр ва макон нуқтаи назаридан қаралса Рушдий мадҳ қилаётган киши айнан Жаҳон хўжа бўлиши ҳақиқатга яқин.

Раҳимбобо Машраб шахсияти ва унинг ижодига хос хусусиятларни аниқ белгилаш учун унга замондош бўлган айрим шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар фикр юритамиз:

1. **Обид Қумулий.** Асосан ғазал ва рубоий жанрларида ижод қилган. Қумул шаҳри ҳокими Убайдулла Ғозибек ҳомийлигида фаолият олиб борган. ХХР СУАР (Урумчи)даги адабиёт музейида сақланадиган «Баёз»да шоирнинг 34 ғазали ва 69 рубоийси келтирилган.

2. **Мулла Позил.** Адабий таҳаллуси «Кичик». 1653 йилда туғилган. Шоирнинг Алишер Навоий асари таъсирида 1705 йили ёзиб тугатилган «Лайли ва Мажнун» достони бизгача етиб келган. Асарнинг Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонидан асосий фарқи, тилининг соддалиги, эл оғзаки ижодидаги тушунчаларнинг акс этишида кўринади. Қўлёзма 254 саҳифадан, 5592 мисрадан таркиб топган.

¹ *Остонақулов И.* Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари (Монография). – Т., 2007. – 167- б. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://yandex.ru/yandsearch>. Кириш санаси ва вақти: 02.01.2013. 11:55

3. **Муҳаммад Хароботий** (тах. 1638 – 1730 й.й.). Муҳаммад бинни Абдулла Хароботий 1638 йили Чоктал шаҳри Оқсув туманида туғилган. Қашқар ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Асосан диний фаолият билан шуғулланган. Абдулла Хароботий маҳаллий ҳукмдор ва диний арбоблар билан ҳар доим чиқишолмаганлиги ҳақида ўзининг “Маснавийи Хароботий” асарида бир неча марта шаъма қилади ва маснавийнинг ҳар боби сўнгини қуйидаги мурожаат билан тугаллайди:

**“Ман нечук айлай кўнгулни шодлар,
Қайси бир ғамдин қилай фарёдлар?”**

Айрим хитойлик туркий адабиётшунослар фикрича, шоир бир қанча лирик ва эпик асарлар ёзган, бироқ бизга унинг фақат, «Куллиёти маснавийи Хароботий» асари маълум. Мазкур асар XVII аср биринчи чорагида яратилган уйғур дидактик адабиётининг йирик намунаси ҳисобланади.

4. **Муҳаммад Эмин Хўжамқули Хирқатий (Гумном)** (1634 – 1724 й.й.). Хирқатий 1634 йили Янги Қашқарнинг Тазгун туманидаги Боғча кўрғонида дунёга келди. У ўн олти йил мобайнида Қашқар мадрасаларида таълим олиб туркий, араб ва форс тилларини мукаммал даражада эгаллаган. Қашқарда, Офок хўжа даргоҳида Раҳимбобо Машрабга сабоқдош бўлган.

Хирқатий ижодининг чўққиси унинг 1670 йилда ёзилган “Муҳаббатнома ва Меҳнаткам” номли мунозара жанридаги достони ҳисобланади. Хирқатий бу маснавийи билан туркий тилдаги дostonчилик мавзусини бойитиб, анъанавий ишқий кечинмалар акс этган муҳаббат мавзусини меҳнат мавзуси билан омукталаштиришга эришади. Достоннинг асосий ғояси булбул ва атиргул ўртасидаги мунозарада очиб борилади. Асарда яна бир ижобий образ – Сабодан ташқари, ёвуз кучлар тимсоли – Гулиқаҳқаҳ сиймоси мавжуд.

Шоирнинг тўқсон йил умр кўрганлиги ва камида эллик йил бадий ижод билан шуғулланганига эътиборга берсак, унинг асарлари ҳажми анча катта бўлиши керак, бироқ бизга фақат Хирқатийнинг эпик адабий меросидан «Муҳаббатнома

ва Мехнаткам» достони маълум. Хирқатийнинг иккинчи тахаллуси Гумном. Унинг «Девони Гумном» шеърӣ тўплами 109 саҳифадан иборат бўлиб, 85 ғазал (1550 мисра), 14 мухаммас, 25 рубоӣ, бир таржиббанд ва бир маснавийдан таркиб топган. Гумном Машрабнинг:

Чиксам кўчага шохсуворим келаду
Гул ғунчасидек лола узорим келаду.
Ҳар ёнға боқиб, кифрик ўқин халқға отибон,
Ўтларни ёқиб жонимға нигорим келаду.
Гулгун лабидин ишқ майин элга сунибон,
Ўз мастигидин кўзи хуморим келаду... -

ғазалига назира боғлаган:

Чиксам кўчага шахсуварим келаду,
Гул ғунчасидек лола узорим келаду.
Ҳар ёнға бақиб, кирпич ўқин элига отиб,
Жонимға ёқиб ўтни нигорим келаду.
Майгун лабидин ишқ майин елга сунуб,
Ўз мастлигидин кўзи хуморим келаду...

Шунингдек, Машрабнинг

Қофу нун – кўзу лабинг, мадд алифу мадд – қошинг,
Рўйи асторинг бошингдин оёгинг Қуръон қиз.-

каби байтларга монанд мисралар Гумномнинг шеърларида ҳам учрайди:

Қофу нун кўзи лабинг, мадд алиф қадди қошинг,
Рўйу асроринг бошингдин оёгинг қиран қиз .¹

Хирқатий Гумном тахаллусини фақат шеърларда қўллаган. Муҳаббатнинг файласуфона талқини акс этган ушбу шеърда ҳам шоирнинг иккинчи тахаллуси қўлланган:

Ишқнинг кавну макон ичра макони йўқтурур,

¹ Гумном ғазаллари 1981 йили Урумчида нашр бўлган ойлик «Булоқ» журналининг 3-сонидан олинган. (Гумнам ғазаллири // Булақ (уйғур классик ва оғзеки адабияти тўплами). Урумчи, 1981.№3.

Лек боқсанг жон кўзида ишқсиз йўқтур макон.
Бул ҳаваслар бинихайатдур қачон топқан хабар,
Ишқ отин тутқан била то бўлмағунча бағри қон.
Ишқ оти машҳур эрур ким кўрди шаклу суратин,
Жону дил кўймакдин ўзга ким они кўрди аён.
Англагил Гумном боқсанг ҳар тараф йўқ ғайри ишқ,
Фоний билган кўз кўрар ҳеч тил ани қилмас баён.

5. **Муҳаммад Сиддиқ Залилий** (1676 – 1755 й.й.). Ёркент хонлигидаги Саидия шахрида туғилган. Ёркентда, машҳур “Хонлиқ мадраса”сида таҳсил кўрган. Таълимни тугатгач, 40 ёшида укаси Далил ва шоир дўсти мулла Ғазал билан Туркистон бўйлаб узоқ сафарга отланади. Қашқар, Атуш, Турфан, Хўтан, Қучар, Қумул, Қарғалиқ каби шаҳарларда бўлиб, маҳаллий халқларнинг турмуши билан яқиндан танишади, азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилади. Бу сафарнинг таассуротлари заминида Залилий “Сафарнома” (1718), “Тазкираи Чилтан” (1734), “Тазкираи хожа Муҳаммад Шариф” (1744) асарларини яратади. Бундан ташқари, унинг 196 туркий, 56 форсий ғазаллари, 27 рубоий, шунингдек, мустазод, қасида, соқийномалари бизгача етиб келган. 50 ёшга кирганда Ёркентдан Хўтан шахрига кўчиб ўтади ва 1755 йили вафот этади. Қабри Хўтан шахридаги “Алғун мазор” номли қабристонда жойлашган.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, тадқиқотчи Турсун Қурбон 2008 йили “Залилий ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи мавзуида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертация ишини майдонга келтирди.

Турсун Қурбон илк марта Залилий ҳаёти ва ижодини монографик йўсинда тадқиқ қилди. Унда шоир асарлари, жумладан, “Сафарнома”, “Тазкираи чилтан”, “Тазкираи Хожа Муҳаммад Шариф Бузруквор” дostonларининг матнлари қиёсий ўрганилиб, умумлашма илмий–назарий хулосага келинди. Бу каби изланишлари билан Турсун Қурбон ўзбек ва уйғур адабиётлари тарихига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша

олди.¹

Турсун Қурбон Машраб ва Залилий шеърларидаги ўхшашлик ҳақида шундай дейди: “Муҳаммад Сиддиқ Залилий ижоди манбалари ҳақида сўз юритганда, Раҳимбобо Машраб девонидаги ва “Залилий девони”даги айрим ғазалларда ўхшашликлар учрашини алоҳида таъкидлаш керак”².

6. Навбатий Хўтандий (1691 – 1760 й.й.). Уйғур адабиётида иқтидорли лирик шоир сифатида ном қолдирган. Навбатий Хўтанда туғилган. Унинг асарлари Қашқар мадрасаларида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарлари билан бир қаторда ўқитилган. Навбатий шеърлари тўплами 1954 йилда Кучар шаҳрида топилган. Мажмуага тахминан 1740 йилда тартиб берилган. Қўлёзма 107 ғазал ва 31 рубойни ўз ичига олади. Китобга Хувайдонинг 69 шеъри ҳам киритилган.

Қўқон хони Эрдонабий (1720 – 1764 й.й.) ҳузурига 1760 йили келган Ёркентнинг таниқли адиби Муҳаммад Сиддиқ Рушдий (тах.1708 – 1788 й.й.) 1780 йилда Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» си заминида “Тазкират ул-авлиёи туркий” асарини яратди. Бу тазкира Алишер Навоийнинг мутасаввуф ижодкорлар ҳақидаги «Насойимул муҳаббат» асаридан кейин туркий тилда яратилган шу мазмундаги биринчи асар ҳисобланади. Унда тўқсон беш мутасаввуф ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Ўзбек мумтоз адабиёти Синцзян адабиёти тараққиётига кучли таъсир кўрсатган. Агар ўзбек лирик шеърляти Ёркент хонлиги даврида янги сифат билан маҳаллий адабиётга таъсир қилган бўлса, ҳудуд эпик шеърляти XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўп жиҳати билан ўзбек дostonлари анъаналарида яратилди. Биргина Абдурахим Низорийнинг (1770 – вафот йили номаълум) Алишер Навоий ижодидан

¹ Турсун Қурбоннинг бизда мавжуд бўлган 1986 йилда Қашқарда чоп этилган «Қутадғу билик» ҳақида баён” илмий мақолалар тўпламида «Қутадғу билик”га бағишланган мақоласи эълон қилинган (212 – 237 бетлар).

² Турсун Қурбон. Залилий ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний таҳлили. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. 8 – 9-б.

илҳомланиб яратган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларининг ўзи фикримизни асослайди. Бу эпик анъанани Норузохун Зияйи ва Турди Ғарибий ҳам давом эттиришган.

Ўзбек лирикасининг мумтоз анъаналари шоир Охун шеъриятида, XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган Садир Полвон, Саид Муҳаммад Коший, Мулла Шокир кабиларнинг асарларида давом этди.

Маҳаллий адабиётда ғазал жанри XIX асрда яшаган етук шоир Билол Нозим (1824 – 1899 й.й.) ижодида юксак даражага етди. Адибнинг “Ғазалиёт” девонидаги муҳаббат, ижтимоий ҳаётга муносабат, дидактик ғоялар акс этган шеърлари содда тилда ва эл оҳангида ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Айнан шу даврда қўқонлик айрим ижодкорлар турли сабаблар билан Синцзянга боришиб, у ернинг адабий - маданий ҳаётида фаол қатнашишган. Бундай ижодкорлар сирасига Акмал Тошкандий, Ғиёсиддин Умар Марғилоний, Имом Али Қундузий, Писандий, табиб Ҳасан хўжа кабиларни киритиш мумкин. XX аср бошларида таниқли ўзбек шоири, олими ва публицисти Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858 – 1909 й.й.) Қашқар ва Ёркентда умрининг сўнггига қадар яшаб ижод қилди.

Тарих соҳасида айниқса, Шоҳ Маҳмуд мирза Фозил Чўраснинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу аллома Ёркент мадрасаларидан бирида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, умрининг сўнгги йилларида «Анис ат-толибин» ва “Тарихи Рашидий-Зайил” деб номланувчи тарихий асарларни яратди. Мазкур икки асар Туркистон халқлари тарихини ўрганишда ханузгача муҳим манбалар бўлиб қолмоқда.

Ёркент хонлиги ва ундан кейинги даврда ҳозирги ХХР СУАР ҳудудида яратилган бадиий, илмий, тарихий – мемуар асарлар маҳаллий эл маънавий дунёқарашининг, бадиий – илмий тафаккури доирасининг, тарихий ҳодисаларга ва ижтимоий ҳаётга бўлган муносабатининг кўзгуси сифатида аҳамиятлидир. Бу хил асарларнинг яратилишида ўзбек адабиётининг таъсири катта бўлган.

Илмий рисола ва мақолалар

XIX аср охири ва XX аср бошларида европаликларнинг Марказий Осиё ҳудудида яшовчи эллар ҳаёти, тарихи, адабиётига бўлган қизиқиш кучайди. Рус шарқшунос олимлари Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур қатори Раҳимбобо Машраб фаолияти ва адабий меросини, айниқса, катта қизиқиш билан ўргандилар. XIX асрнинг 90 йилларидан бошлаб маҳаллий ва рус кундалик матбуотида Машрабнинг таржимаи ҳоли ва ижодига оид маълумотлар эълон қилинди, асарлари рус тилига таржима қилинди. Шоир шеърларидан илк намуналар 1889 йил “Туркистон вилоятининг газети”да (26, 28, 34, 39 – сонлар) берилди. “Девонаи Машраб” қиссаси асосида ёзилган “Наманганлик Машраб девонанинг аҳволи баёни” деб аталувчи мақолада Машрабнинг “Ўргандим”, “Келур”, “Кўргил” шеърлари босилиб чиқди. XIX асрнинг охири, XX аср бошларида “Девонаи Машраб” ва “Мабдаи нур” китоблари Тошкент ва Когон босмахоналарида литографик усулда чоп этилди.

Аста-секин чор ҳукумати матбуотида бидъат ва зулмат кушандаси бўлган оташнафас шоир ва унинг ижоди билан Русия фуқароларини кенгроқ таништириш лозимлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўла бошлайди. Жумладан, профессор Николай Иванович Веселовский¹ (1848 – 1918 й.й.) ўзининг 1895 йилда нашр этилган “Восточные заметки” (Шарққа оид қайдлар) номли китобида: “Ҳажвгуй ва ҳозиржавоб девона Машраб Ўрта Осиёда жуда машҳурдир,

¹Николай Иванович Веселовский – Марказий Осиё археологиясини, маданияти ва адабиёти тарихини тадқиқ қилган машҳур рус археологи ва шарқшуноси. 1885 йили археологик қазилма ишларини олиб бориш учун Туркистон ўлкасига юборилган. Веселовский Самарқанд яқинидаги қадимги шаҳар-Афросиёбда қазилма ишларига раҳбарлик қилган. Унинг бошчилигида Самарқанднинг буюк тарихий-меъморий ёдгорликларининг дастлабки илмий рўйхатга олинishi (фиксация) ишлари бажарилган, Биби-Хоним мачити ва Гўри-Амир мақбараси чизмалари яратилган ва ёдгорликларнинг суратлари олинган. Н. И. Веселовский Хива хонлигининг ўтмишидан XIX асргача бўлган тарихига, Самарқанд меъморий обидалари, Қашқарда пискентлик Ёқуббек Бадавлат ҳукмронлиги даври, Жунғор хонлиги тарихига оид тадқиқотлар эълон қилган.

фикримизча турли диний қарашларда эркин фикрлиликни намоён қилган Машраб чуқур диққат билан ўрганишга сазовор шахс... Девона доимо рухонийлар билан мунозара қилган ва улардан устун чиққан”, дейди.¹ Шарқшунос Нил Сергеевич Ликошин² (“Девонаи Машраб” таржимасининг кириш қисмида Н.И.Веселовский фикрини тасдиқлаб “...У (Машраб – Э.М.) шунчалар машҳурки..., матбуотда бир неча марта бу ўрта осиелик беназир мутафаккир билан яқиндан танишиш истаклари пайдо бўлди”, дейди³).

Н.С.Ликошин “Девонаи Машраб” қиссасини рус тилига таржима қилди, унга сўз боши ёзиб, Машраб фаолияти, устозлари - Бозор Охун⁴ ва Офок хўжа ҳақида муҳим маълумотларни эълон қилди. Олим Машраб фалсафаси ва шеърляти ҳақида умумий тушунчалар бериб, тасаввуфга оид изохталаб сўз ва ибораларни шарҳлади. Н. С. Ликошин ихтиёрида «Девонаи Машраб» қиссасининг Тошкент

¹ *Веселовский Н.* Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. — Восточные заметки. Сборник статей и исследований профессоров и преподавателей Императорского Санкт-Петербургского университета. СПб, 1895. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://public-mylibrary.spb.ru/index.php?c=book&id=916> . Кириш санаси ва вақти: 02. 03.2011. 15:00

² Нил Ликошин - Туркистонда фаолият олиб борган рус шарқшунослари ичида маҳаллий халқнинг маънавияти, тарихи, адабиётига нисбатан ҳолис ёндашган вакиллари билан бири. Гарчи Тошкент, Чимкент, Самарқандда турли ҳарбий лавозимларда фаолият олиб борган бўлса-да, бироқ кўп масалаларда Туркистон ген.-губернатори А. Куропаткин билан зиддиятга бориб, 1917 йили истеъфога чиқишга мажбур бўлган. Туркистон археологияси ва этнографияси тўғараги асосчилари билан бири. Туркистон археологияси, Марказий Осиё тарихи ва адабиёти ҳақидаги 800га яқин мақолалар ва рус тилига қилинган таржималар муаллифи. Ўзбекистон кутубхоналари архивида Нил Ликошиннинг шахсий фонди мавжудлиги ҳақида маълумот бор.

³ *Лыкошин Н. С.* Дивана-и-Машраб. Жизнеописание популярного представителя мистицизма в Туркестанском крае //Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Т.: Тип. Туркистан. т-во печати. дела. 1910. -№1. с.- 72.

⁴ Ўзбек тилининг изохли луғатидаги қайдларнинг бирида «Халқ ичида уйғурларга, қашқарликларга қўйилган лақаб» деб таъриф берилади. Балки, бу термин асли “оқ хун” шаклида бўлиб, кейин ўзгаришга юз тутган. Бозор Охун номи ҳам устознинг асли келиб чиқиши Синцзяндан эканлигига, унинг Қашқар диндорлари билан яқин таниш бўлганлиги бежиз эмаслигига бир ишорадир.

босмахонасида 1896 ва 1899 йилларда чоп этилган икки нусхаси ва Николай Петрович Остроумов (1846 – 1930 й.й.) томонидан тақдим этилган бир қўлёзма нусхаси мавжуд эди. Буларни жиддий ўрганиб чиққан Ликошин изланишларини янада давом эттирди. «Бундан ташқари, – дейди олим, – мен В. П. Наливкин маслаҳатига кўра, Машраб қаламига мансуб бўлган «Мабдаи нур» асари билан танишиб чиқдим. Девона Машраб таржимаи ҳолига доир маълумотлар тўплаб беришни илтимос қилиб, танишим Наманган уезди Чуст шаҳри қозиси домулло Масъуд Муҳаммад Мурод қозикалонга мурожаат қилдим. У ўғли шайхулислом Нодим билан мени қизиқтирган Машраб таржимаи ҳолига оид маълумотларни юбориб турди».¹ Н. С. Ликошин Машраб ҳақида бир талай маълумотларга эга бўлгач, шоирнинг устозлари Бозор Охун ва Офоқ хўжа ҳақида маълумот тўплашга киришади. Жумладан, у кейинги арбоб ҳақида маълумот йиғар экан, Қашқарнинг бош консули, шарқшунос Никита Олегович Петровскийдан Марғилон вилоятида Офоқ хўжанинг авлоди яшаётганлигидан хабар топади, у одам билан, яъни Саид Муҳаммад Ҳакимтўра Каттатўра билан алоқа ўрнатиб, ундан Офоқ хўжа ҳақидаги маълумотларни олишга муваффақ бўлади. Ниҳоят, Ликошин керакли манба ва маълумотларни қўлга киритгач, «Дивана-и-Машраб» асарини ёзади. Бироқ Н. С. Ликошин асарни нашр эттиришда тўсиқларга дуч келади. Жумладан, зарур маблағнинг бўлмаганлиги сабабли, асар ўз вақтида нашр этилмай қолиб кетади. Ниҳоят, орадан ўн йил вақт ўтгач, 1910 йилда “Дивана-и-Машраб” “Средняя Азия” (Ўрта Осиё) журналида², 1915 йилда Самарқанд вилоят статистика комитетида рус тилида босилиб чиқади. Орадан 81 йил ўтгач, бу ажойиб асар Муҳсин Зокиров саъй-ҳаракатлари билан “Звезда Востока” ойномасида қайта нашр этилди.

1899 – 1913 йилларда Пётр Петрович Семенов–Тянь-Шанский муҳаррирлигида нашр бўлган “Русия. Ватанимиз-

¹ Лыкошин Н. С. Дивана-и-Машраб. Жизнеописание популярного представителя мистицизма в Туркестанском крае //Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. – Т., 1910. -№1. с.- 72.

² Лыкошин Н. С. Дивана-и-Машраб. – Т., 1910. - №1-12; 1911.-№3–8.

нинг тўлиқ жуғрофий тафсифи” номли 11 томли асарнинг 1913 йили нашр бўлган “Туркистон ўлкаси: Сирдарё вилояти, Амударё бўлими, Зарафшон ва Помир билан Фарғона вилояти” деб номланувчи 11- томида Машраб ҳақида муҳим маълумот берилади. Унда (таржима бизники – Э. М.) “1640 йилда Наманганда таваллуд топган Девонаи Машраб Туркистоннинг энг машҳур мутасаввуф муаллифларидан бири саналади. Унинг асарлари кўпчилик маҳаллий кишиларга таниш, исми эса қатъий барчага маълум. Унинг шеърлари (ғазаллари) ровий ва кўшиқчилар томонидан ижро этилади”¹ деган маълумот келтирилади.

Шўролар даврида Машраб ҳақида илк мақолани 1923 йили археолог-шарқшунос Василий Лаврентьевич Вяткин² (1869 – 1932 й.й.) “Туркистон Шарқшунослик институти тўплами”³да эълон қилади. Унда Машраб халқ ичида, хотин-қизлар орасида анча машҳур бўлганлиги қайд қилинади, айрим шеърлари ва уларнинг маънолари ёритилади. В. Л. Вяткиннинг мулоҳазасига кўра, “Мабдаи нур”асарининг муаллифи ўзининг асл исмини Шох Машраб тахаллуси билан ўзгартирган.

¹ Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Настольная и дорожная книга для русских людей. Под ред. В. П. Семенова - Тянь-Шанского и под общим руководством П. П. Семенова и В. И. Ламанского. 1899-1915. 11 томов; Т.-11 Туркестанский край: Сыр-Дарьинская обл., Аму-Дарьинский отдел, Заравшанская и Ферганская обл. с Памиром. 1913.Электронный фонд Российской национальной библиотеки. //Режим доступа: <http://leb.nlr.ru/edoc/323824/Россия> . Дата и время доступа: 11.01.2010 12:45

² Василий Лаврентьевич Вяткин — улуғ рус, ўзбек археологи ва тарихчи-шарқшуноси. 1869 йили 18 августда Туркестон ген.-губ.га қарашли Ёттисув вилоятида таваллуд топган. В. Л. Вяткин Улуғбек обсерваториясининг жойини аниқлаш ва уни қазिश ишлари (1908 – 1909 ва 1914 йиллар) билан машғул бўлган. Олимга обсерваториянинг аниқ жойини белгилашда XVII асрда ёзилган, каландарларга вақф қилиб берилган ерлар ҳақидаги бир ҳужжат сабаб бўлган, шу манба олимнинг Машраб ҳақидаги мақоласини ёзишга ҳам турки берган. В. Л. Вяткин ташаббуси билан 1896 йили Самарқандда археология музейи ташкил қилинди, олим кўп йиллар унинг директори бўлиб ишлади. Афросиёб қазилма ишларида иштирок этди. 1932 йили Самарқандда вафот этган В. Л. Вяткиннинг қабри ўзи аниқлаган Улуғбек обсерваторияси яқинида жойлашган.

³ Вяткин В., Ферганский мистик Дивана-и-Машраб, в кн.: Сборник Туркестанского Восточного института. – Ташкент, 1923. – с. 24–34

Абдурауф Фитратнинг фикрича,¹ В. Л. Вяткин ушбу мақоласида хатога йўл қўяди, яъни Раҳимбобо Машрабга тааллуқли бўлган “Мабдаи нур” асарини бошқа бир Машрабга нисбат беради. 1926 йилда Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тожик” асарида Машрабнинг тожик тилидаги ижодидан намуналар келтирилади². С.Айний Абдулмуталлиб хўжа Фаҳмийнинг “Тазкираи Фаҳмий” тазкирасига суянган ҳолда Машраб фаолиятига қуйидагича тавсиф беради (таржима матн): “Машраби Намангоний – исми Бобораҳимдир. Ҳижрий 1123 йили уламолар фатвоси ва Маҳмудбий Қатағон ҳукми билан шахидлик топган... Машрабнинг туркий девони мавжуд. Уламо ва зоҳидларни қаттиқ танқид қилган. Қатлининг сабаби ҳам шудир.”³

Абдурауф Фитратнинг 1930 йилда “Илмий фикр” ойномасида эълон қилинган “Машраб” номли мақоласи⁴ ўзбек адабиётшунослигида шоир ҳаёти ва меросини ўрганиш тарихига дебоча ясади. А. Фитратнинг мақоласи маълум маънода В. Л. Вяткиннинг “Ферганский мистик Дивана-и-Машраб” номли мақоласига жавоб тарзида ёзилгани сабабли муаллиф Машраб ҳаёти ва ижоди акс этган манбаларни санаб ўтишда рус шарқшунослари асарларини ҳам қайд қилиб ўтади. У шунингдек, Муҳаммад Бадеъ Малехонинг “Музаккир-ул асҳоб”, Абдулмуталлиб хўжа Фаҳмийнинг “Тазкираи Фаҳмий”, Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Мирзо Олимнинг “Ансоб ус-салотин”, Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё” асарлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Олим Раҳимбобо Машраб ҳақида, асосан, шу манбаларга таяниб фикр юритган.

1937 йил 17 мартда “Қизил Ўзбекистон” газетасида И. Султон ва И.Аҳмедовнинг “Асл Машраб” номли мақоласида 1939 йили Олим Шарафитдинов “15 йил ичида ўзбек совет адабиёти” тўпламида босилган мақоласида Машраб ҳақида ўз

¹ *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1. 47-б. Қайта нашр.:// Туркистон. 1991. 29 июнь.

² *Айний С.* Намунаи адабиёти тожик. – М., 1926. – с.- 169

³ Ўша асар. с.-181

⁴ *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр. – 1930.-№1, 40-57-б.

мулоҳазаларини билдирган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда машраб-шуносликка оид қатор сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”да (Тошкент, 1945 й.), “Ўзбек адабиёти” номи билан аталувчи кўп томлик хрестоматиянинг учинчи томида (Тошкент, 1959 й.), турли антологияларда Машраб шеърларидан намуналар берилди. 1958 йили Абдуқодир Ҳайитметов Порсо Шамсиев билан ҳамкорликда Машрабнинг “Танланган асарлар”ини сўз боши билан нашрдан чиқаришди.¹ Бу тўплам Машраб шеърларининг алоҳида нашрини тайёрлашдаги илк тажриба бўлди. Китоб 1960 йили қайта нашр қилинди.²

1959 йили Ғафур Ғуломнинг машҳур “Икки Машраб” мақоласи эълон қилинди.³ Унда давр руҳи акс этгани ҳолда Раҳимбобо Машраб ва Машраби Соний асарлари қиёсий таҳлил қилинди, шоирларнинг ғоявий дунёқарашлари ҳақида қизиқарли мулоҳазалар келтирилди. 1963 йилда Абдурашид Абдуғафуров томонидан шоирнинг танланган шеърлари тўплами эълон қилинди. А. Абдуғафуров тайёрлаган Машраб шеърлари тўпамининг ушбу нашри, А. Ҳайитметов ва П. Шамсиевларнинг 1958 йилги нашрига қараганда шоир шеърларини қарийб икки марта кўп қамраб олган. 1979 йили нашр бўлган учинчи тўплам учта янги ғазал ва битта янги мухаммас билан тўлдирилган.⁴ Олдинги нашрлардаги матний хатолар тузатилган. Муаллифнинг сўзбошиси ва Машрабнинг 106 ғазал, 11 мустазод, 2 мураббаъ, 12 мухаммас, 1 мусаддас ва 1 мусаббаъсидан ташкил топган бу тўплам 1971 ва 1979 йиллари янги шеърлар билан тўлдирилган ҳолда қайта нашрдан чиқарилди.

Тадқиқотчи Муҳсин Зокирий (Зокиров) Машраб ҳаёти ва

¹ *Машраб*. Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов). – Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1958. - 93 б.

² *Машраб*. Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов). – Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1960. - 85 б.

³ *Ғафур Ғулом*. Икки Машраб. Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль. Қайта нашри: Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. – Т.: Фан, 1989.- 496 б.

⁴ Машраб шеърятидан (Тузув.: А. Абдуғафуров) – Т.: Ўзбекистон, 1979.-127 б.

ижодини илмий тадқиқ қилиб, номзодлик диссертациясини ёклади. У 1966 йили эълон қилган “Машраб” номли адабий – танқидий очеркида шоир ҳаёти ва меросини ўрганиш тарихига кенгроқ тўхталиб ўтди.¹ Тадқиқотчи Фитрат санаб ўтган тазкиралар қаторида яна иккита “Ҳидоятнома” ва “Маноқиб хўжаи пошшо” асарларини қўшимча манба сифатида келтиради. У ўша давр адабиётшунослик илмига номаълум бўлган Зиёвуддин Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асарининг илмий қиммати ҳам алоҳида тўхталади.

1971 йили Зайнал Ризаевнинг “Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI – XVII вв”. (XVI аср охири XVII аср форс шеърлятида ҳинд услуби) номли китоби чоп этилди.² Асар муаллифи ҳинд услубида шеър битган шоирлар жумласига Раҳимбобо Машрабни ҳам киритиб, уни ва ижодини Машраб таҳаллусли бошқа шоирлар ижоди билан таққослаб ўрганади, шоир фалсафаси ва дунёқарашини очиқ беришга ҳаракат қилади.

Машраб фаолияти ва адабий меросини ўрганиш тарихини тадқиқ қилишда адабиётшунос олимлар А. Абдуғафуров ҳамда А. Ҳайитметовнинг хизматлари катта. Профессор А. Абдуғафуровнинг икки иши алоҳида эътиборга молик. Уларнинг бири -1978 йилда нашр қилинган “Ўзбек адабиёти тарихи” беш томлигининг учинчи тоmidан³, иккинчиси аса 1979 йил эълон қилинган “Эрк ва эзгулик куйчилари” илмий-танқидий мақолалар тўпламидан⁴ ўрин олган.

“Ўзбек адабиёти тарихи”нинг учинчи томига А. Абдуғафуров томонидан ёзилган “Бобораҳим Машраб” номли бўлим киритилган. Ушбу мақолада Машраб ҳақида анча кенг ва батафсил маълумот берилган. Олим аввал Раҳимбобо Машрабнинг адабиёт тарихида тутган ўрни ҳақида сўз юритиб сўнгра Машраб ҳақида манбалар, ҳаёти, фаолияти ва ижоди,

¹ Зокирий М. Машраб. – Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1966.- 120 б.

² Ризаев З. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI - XVII вв. – Т.: Фан, 1971.-220 с.

³ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, III том. – Т.: Фан, 1978. 234-262-б.

⁴ Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. Илмий танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр. 1979. – 101-148 б.

уни ўрганиш тарихи ҳақида атрофлича фикр билдиради.

1979 йилда нашр қилинган “Эрк ва эзгулик куйчилари” рисоласи машрабшунослик илмида яна бир силжиш бўлганлигидан далолатдир. Ушбу китобнинг Машрабга ажратилган бўлимида А. Абдуғафуров академик тадқиқотда келтирган фикрларига яна янги маълумотлар қўшди. Машраб туғилган йили ва жойи, шоирнинг вафот этган санаси тўғрисида илмий манбаларни қиёсий ўрганиш асосида анча дадил фикрларни ўртага ташлади.

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижоди ўрганилиши тарихи ҳақида А. Ҳайитметовнинг 1985 йили нашр қилинган “Мерос ва ихлос” китобига кирган “Шоир туғёни”¹ номли мақоласида ҳам фикрлар билдирилган. Бунда мунаққид Машраб ҳақида маълумот берувчи тазкираларга тўхталмай, тўғридан–тўғри ўзбек адабиётшунослари Абдурауф Фитрат, Иззат Султон, Ғафур Ғулом, Воҳид Абдуллаев шунингдек, рус олимлари Н. Веселовский, Н. Ликошин, В. Вяткин каби олимлар ҳақида тўхталиб, машрабшуносликдаги хизматлари тўғрисида фикр юритади. Китобда машрабшунос олим З. Ризаевнинг 1971 йилда нашр қилинган “XVI аср охири XVII аср форс шеъриясида ҳинд услуби”² номли тадқиқоти танқид остига олинади.

1980 йили академик В. Абдуллаевнинг олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган “Ўзбек адабиёти тарихи” номли дарслиги³ қайта нашр этилди. Унда муаллиф Машраб фаолияти ва адабий меросини ўрганиш тарихига алоҳида кичик бўлим ажратиб, фанга номаълум бўлган шоир замондошлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Китобда олдинги нашрда айтилгандек, Машраб 1657 йили Андижонда эмас, балки 1640 йилда Наманганда туғилганлиги, 1711 йилда Маҳмуд Қатағон томонидан осиб ўлдирилганлиги қайд қилинади.

¹ Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос (Адабий танқидий мақолалар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1985. 46 – 61- б.

² Ризаев З. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI - XVII вв. – Т., 1971.-220 с.

³ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи – Т., 1980. - 344 б.

Юқоридаги тадқиқотларга, илмий рисола ва мақолаларга асосланиб айтиш мумкинки, ўтган асрнинг 80 йиллари бошларига келиб машрабшунослик илмида муайян силжишлар рўй берганига, шоир ижоди бир неча марта янги сўзбошилар билан нашр қилинганига қарамай, Машраб ижодиётининг анчагина қисми ҳали китобхонлар қўлига етиб бормаган эди.

1980 йили Ваҳоб Раҳмонов билан Комилжон Исроиловлар Машраб шеърларини «Девон» шаклида эълон қилишди. Ушбу “Девон”¹га қадар Машраб шеърлари бу каби тўлиқ ҳолда нашр этилмаган эди. Китобда мавжуд бўлган матний нуқсонлар, имкон қадар тузатилиб, мажмуага шоирнинг нафақат янги ўзбекча асарлари, балки форс-тожик тилидаги шеърлари ҳам киритилиб, уларнинг ўзбекча шарҳи берилган.

Ушбу “Девон”га айрим эътирозлар ҳам йўқ эмас. Биринчидан, тўплам девон талабларига жавоб бермайди. Машраб шеърлари девони ҳозирга қадар топилмаганлиги сабабли, тўпламни “Девон” деб аташ жоиз эмас. Иккинчидан, ноширлар “Машраб асарларини саралаб ўрганишда нусхаларнинг қадимийлиги ва тил хусусиятларига эътибор берилди” деган муҳим гапни айтишади-ю, лекин бу манбалар қаерда мавжудлиги ҳақида маълумот беришмайди. Учинчидан, Машраб туғилган жой масаласини “узил-кесил” ҳал қилишдан олдин ҳақиқатан ҳам Наманганда Андигон деган қишлоқ бор – йўқлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

1984 йили эълон қилинган Муҳсин Зокировнинг «Эрк ва маърифат куйчилари» рисоласи²да мавжудлиги номаълум бўлган Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» асари ҳақида маълумот берилган.

Яна бир тадқиқотчи Баҳодир Содиковнинг 1989 йили ёзилган «Бир девон баҳсида» номли мақоласида, асосан, Машраб асарлари, уларнинг кейинги 25 йил ичида бўлган олти наشري, бунда ноширлар А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, В.

¹ *Машраб*. Девон (Нашрга тайёрловчилар: В.Раҳмонов, К.Исроилов).– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1980. -352 б.

² *Зокиров М.* Эрк ва маърифат куйчилари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1984. - 140 б.

Раҳмонов ва К. Исроиловларнинг самарали меҳнатлари қайд этилган.

1990 йил Раҳимбобо Машраб таваллудининг 350 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Абдурашид Абдуғафуров, Муҳсин Зокиров, Нажмиддин Комилов, Жамол Камол, Эргашали Шодиев, Исматулла Абдуллаев каби олимлар матбуот саҳифалари, телевидение ва радио орқали бир қанча чиқишлар қилишди. Машраб юбилеи билан боғлиқ тадбирлар, асосан, Тошкент ва Наманган шаҳарларида тантанали тарзда нишонланди.

М. Зокировнинг 1990 йил “Туркистон” газетасида босилган “Машраб олдидаги гуноҳим” номли мақоласи¹ ўша давр машрабшунослигида янги сифат касб этган бир чиқиш бўлди. Олим бу мақолада шундай дейди:”. Машраб шеърларига кўпинча нотўғри талқин берилиб, уни ашаддий даҳрий даражасига кўтаришгача бориб етдик. Шу жумладан, ўзим ҳам 1966 ва 1984 йилларда чоп этилган Машраб ҳақидаги китобларимда билиб-билмас шундай кўпол хатога йўл қўйдим. Яна менинг иккинчи бир кечириб бўлмас гуноҳим, Машрабдек улуғ бузруквор ижодига нисбатан қилган туҳматим шу бўлдики, ўша китобларимни тайёрлаш палласида замонасозлик қилиб Машрабнинг “Мабдаи нур” ва “Кимё”дек ноёб фалсафий-таълимий дostonларига қора ранг чаплаб, бу асарлар “Машраб адабий мероси учун иснод” дейиш даражасига етдим. Билмадим, бундай гуноҳи азим учун у улуғ зоти шарифнинг руҳи мени кечирадими-йўқми?”. М.Зокировнинг ушбу очик иқрорномаси нафақат унинг ўзига, балки маълум маънода Машраб ҳаёти ва ижодини ўша давр мафкураси таъсирида тадқиқ қилган давр адабиётшунослари фаолиятига ҳам тегишлидир.

М.Зокировнинг 1990 йил эълон қилинган “Мен ҳам инсон наслидан” номли мақоласида² Раҳимбобо Машрабнинг туғилган жойи Андижон, деб кўрсатилади-ю, лекин фикрни дурустроқ тасдиқлайдиган бирон далил келтирилмайди. Ўша йили “Шарқ юлдузи” ойномасида М. Зокиров нашрга

¹ Зокиров М. Машраб олдидаги гуноҳим //Туркистон. 1990. 24 январь.

²Зокиров М. Мен ҳам инсон наслидан //Тошкент оқшоми. 1990. 12 февраль.

тайёрлаган ва кўплаб тушунмовчиликларни юзага келтирган¹ “Тазкираи қаландарон” номли асар қисқартирилган ҳолда нашр этилди.²

Шўролар даврида Машраб фаолияти ҳақидаги тадқиқотларга умумий баҳо бермоқчи бўлсак, қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Айрим тадқиқотларда Машраб фаолияти ҳақида маълумот берувчи тазкиралар тўғрисида гапирилганда кўпинча, уларнинг фақат номлари келтирилиб ўтилди.

2. Рус шарқшунослари номлари қайта-қайта тилга олинаверди, уларнинг асарларидан олинган кўчирмалар эса бир асардан иккинчисига деярли ўзгармаган шаклда ўтди.

3. Раҳимбобо Машрабнинг чет эллардаги фаолияти ҳақида сўз юритилмади.

4. Ўтган асрнинг 60 йилларида қилинган тадқиқотлар ичида Ғафур Ғуломнинг “Икки Машраб” номли мақоласига алоҳида урғу берилгани ҳолда, С. Айний ва А. Фитратнинг машрабшуносликдаги хизматлари деярли тилга олинмади. Шуларга қарамай, Машраб ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш буйича жиддий ишлар амалга оширилган ва имкониятлар даражасида илмий қарашлар шаклланган, деган хулосага келиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, бу давр адабиётшунослигида Машраб ҳаётини ўрганишга нисбатан унинг лирик меросини тадқиқ қилишга асосий диққат қаратилди. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Раҳимбобо Машрабники эмас, деб топилиб, илмий ўрганишдан четда қолди.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида машрабшунослик соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида фикр юритганда Жалолиддин Юсупов, Иброҳим Ҳаққул ва Исматулла Абдуллаевларнинг изланишларини алоҳида қайд этиш лозим.

¹ Қаранг: Дили дардли халқнинг шоири (Олимлар ва адибларнинг давра суҳбати) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991.05.17. №20; яна: Жамолов С, Халилбеков А. Зид маълумотлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 01.11. № 2.

² Богистоний, Исҳоқ. Тазкираи қаландарон (Нашрга тайёрловчи: М. Зокиров) //Шарқ юлдузи. – 1990. - № 8. 152-158 б.

Иброҳим Ҳаққул Раҳимбобо Машраб адабий мероси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шоир ижодига тасаввуф таълимоти таъсирига оид илмий изланишлар олиб борган бўлса, Жалолиддин Юсупов шоир шеърларининг нашри билан, Исматулла Абдуллаев «Мабдаи нур» асари нашри ва тадқиқи билан шуғулланиб, бир қатор муҳим ишларни амалга оширдилар.

Ж.Юсупов тайёрлаган ва 1990 йилда «Меҳрибоним қайдасан» номи билан нашр қилган Машраб шеърларининг тўплами ўша даврга қадар яратилган тўпламларнинг энг сараси бўлди. Китоб Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловлар ёзган сўз бошидан, Машрабнинг ўзбек тилидаги ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби шеърларидан ва бир мусаббаъсидан, муаллифнинг сўнгсўзи ва луғатдан ташкил топган¹.

Ноширнинг хизмати қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Машраб шеърларининг аниқлаштирилган матнда нашрга тайёрлашда “Девонаи Машраб” китобининг саккиз қўлёзма ва тошбосма нусхалари, бир баёз ва икки мажмуа, шунингдек, В. Раҳмонов ва К. Исроиловлар нашр қилган тўплам қиёсий ва танқидий ўрганилган. Нашрга жалб қилинган бу хил кўплаб қўлёзма ва тошбосма асарлардаги шеърлар ҳисобига китоб ҳажми 416 бетдан иборат бўлган.

2. Котиб ва ноширлар томонидан йўл қўйилган хатоларнинг асосий қисми тузатилган. Шунга қарамай, Кибриё Қаҳҳорова ўзининг “Матн азоблари” мақоласида² Ж. Юсупов тузган Машраб шеърлари тўпламини муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаб, шеър жумлалар яна матнида мавжуд бўлган хатоларни кўрсатиб, маъқул вариантини яратишга ҳаракат қилади. Лекин, бизнингча, матнда ўзгартирилиши лозим бўлган сўз ва иборалар бор, жумладан, Машрабнинг бир мухаммаси қуйидагича бошланади:

¹ *Бобораҳим Машраб*. Меҳрибоним қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар... (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи: Ж. Юсупов), – Т.: Адабиёт ва санъат нашр, 1990. – 416 б.

² *Қаҳҳорова К.* Матн азоблари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 12 апрель №15.

Ваъда қилди бир келай деб кўзга уйқу келмади,
Термулиб йўлида турдим, шўхи бадхў келмади .¹

Ушбу мисраларни ўқиган ўқувчи шеър Алишер Навоийнинг машҳур “Келмади” радифли ғазалига назира тарзида ёзилганини қийналмай билиб олади. Машрабнинг юқоридаги байти шоир тўпламларининг барчасида шу тартибда берилган. Бизнингча, байтни ўзгартириб, қуйидаги ҳолатда келтириш мақсадга мувофиқдир:

Ваъда қилди бир келай деб шўхи бадхў келмади,
Термулиб йўлида турдим, кўзга уйқу келмади.

Чунки мантиқ нуқтаи назаридан, сабаб ва оқибат категориялари талабларидан келиб чиқилса, «Ваъда қилди бир келай деб» жумласи «ким ваъда қилди?» деган ҳақли саволни юзага келтиради. Бу саволга «шўхи бадхў»нинг ваъда бериши ва ваъдани бажармаслиги тўла муносиб келади. Иккинчи мисрада эса, ёрининг йўлида термулиб туриши натижасида ошиқнинг кўзига уйқу келмаганлиги изчиллик талабларига мос тушади. Шунингдек, шеър назира тарзида ёзилган экан, унга манба бўлган Навоий ғазали байти тузилиши талаблари ҳам фикримизни маъқуллайди. Машраб байтининг бу хил варианты шахсий кутубхонамизда сақланувчи, “Девонаи Машраб” китобида ҳам бор.²

“Меҳрибоним қайдасан” китоби сўнгида келтирилган луғат ва изоҳлар бўлимида баъзи сўзлар талқини ўзгартирилишга муҳтож. Масалан, “Алиф” ҳарфи “Араб алфавитидаги тик тўғри чизик шаклидаги ҳарф” деб кўрсатилган. Бизнингча, изоҳ қуйидагича бўлиши лозим:

¹ *Бобораҳим Машраб*. Меҳрибоним қайдасан:– Т., 1990. – 298-б.; Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 400 - б.

² Қўлёзма новвотранг ва шилдиروق қоғозга сиёҳда шикаста унсурлари аралашган чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳикояларнинг кириш қисми қирмизи рангда ёзилган. хошияларида айрим форсча ёзувлар бор. Пойгир изчил берилган. китоб деярли безак ва жадвалсиз. Қўлёманинг дастлабки муқоваси йўқотилган. Варақлар сони - 234 та. Палеографик белгиларига кўра китоб XVIII асрда ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин. Қўлёманда Машрабнинг илмий оммага маълум бўлмаган кўплаб шеърлари ва шоир фаолиятига оид айрим ҳикоялар, тафсилотлар келтирилган.


Алиф

1. Араб алифбосидаги тик тўғри чизик шаклидаги ҳарф. Мумтоз адабиётда ёрнинг гўзал қоматини алиф ҳарфига қиёслашади.

2. Алиф ҳарфи абжадда “Бир” маъносини билдирганлиги сабабли, Яратувчини ҳам назарда тутиши мумкин.

Шунингдек, “Аналҳақ – мен – ҳақман” деган изоҳ кенгайтири-лишга муҳтож. Фикримизча изоҳ ушбу тартибда берилса, маъқул бўлади: Аналҳақ – Мен ҳақман, яъни худонинг заррасиман. Бунда инсоннинг махлуқотлар ичида энг буюк мавжудот эканлигига урғу берилади. Шунингдек, “Бол – Баланд, юқори”, остида эса “Боло – қанот” тарзида изоҳланган. Аслида “Бол - қанот”, “Боло – Баланд, юқори” деб ёзилса тўғри бўлади. “Махмур: 1-Хумори. 2. Мастлиги тамоман тарқалган” изоҳи тескари келтирилган. Изоҳ: “Махмур 1. Май хумориси. 2. Маст ҳолдаги киши” мазмунида келтирилиши мақсадга мувофиқ. Шукурки, Ж. Юсупов Машрабнинг 2006 йил нашр қилган “Девон”ида бу каби ноқис изоҳлар асосан ўзгартирилиб, ўз маъноларида келтирилди.¹

Улкан меҳнат ва заҳмат эвазига яратилган бу мажмуада Ж. Юсупов кам эмас, кўп эмас нақд 23 қўлёзма ва тошбосма, нашр бўлган 4 манбани ўрганиб, матнларни солиштириб чиқди. Уларнинг кўп қисмини “Девонаи Машраб” ва “Мабдаи нур” асарлари қўлёзмалари ташкил қилади. Китобнинг бошида келтирилган Ғайбулла ас-Саломнинг “Тилларда дoston шоирим”, Ж.Юсуповнинг “Уни Девонаи Машраб дерлар”, “Машраб лирикасида “Ҳуруфи Ҳижо”, Ҳуруфи далолат”, “Алиф-лом санъати”, Машрабнинг бадий мерослари”, “Ҳаққингга бир дуо айлай” мақолалари Машраб адабий мероси ва асарлари матнини ўрганишда муҳим аҳамият



¹ Қаранг: Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 608 б.

касб этади.

Тўпламда бошқа шоирларнинг бир – иккита шеърлари ҳам келтирилади. Жумладан:

“Май бихўр, мусхаф бисузу оташ андар Каъба зан,
Сокини бутхона бошу, мардум озори макун...¹ -

шеъри янглиш тарзда “Девон”дан ўрин олган.

“Девонаи Машраб” асарида Раҳимбобо қалмоқ қизи Абоқнинг барча шартларига кўнганлигини айтиб, юқоридаги форсча мисралар акс этган шеърни ўқийди, унинг муаллифи Саъдий Шерозий.

Машрабшунос И. Абдуллаев 1991 йил эълон қилган “Машраб” ва “Мабдаи нур” мақоласида “Мабдаи нур” асари² тадқиқи тарихига алоҳида тўхталиб ўтади. Бунда асосий эътибор рус шарқшунослари хизматларига ва Ғ. Ғуломнинг 1959 йилда эълон қилинган “Икки Машраб” мақоласига³ қаратилади. И. Абдуллаев “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари шунча вақт нисбат бериб келинган Ҳофиз Рўзибойга тегишли эмаслигини, балки уларнинг муаллифи Раҳимбобо Машраб эканлигини манбалар асосида исботлашга ҳаракат қилади. Мақоланинг сўнгида муаллиф қуйидагича хулосага келади: “Шундай қилиб, “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарларини тўла ишонч билан Машрабга қайтариб бердик, десак бўлади. Эндиги вазифа бу асарлар танқидий матнини тайёрлаш, ҳозирги ўзбек имлосида чоп этиш ва бу муҳим ахлоқий-тарбиявий асарлардан халқимизни баҳраманд қилишдир”.⁴ Ушбу истакни кўп ўтмай тадқиқотчининг ўзи амалга оширди. “Мабдаи нур” асари И. Абдуллаев томонидан нашрга тайёрланиб, дастлаб қисқарган ҳолда 1992 йил “Шарқ юлдузи” ойномасида (125 – 130 б.) эълон қилинди. Ношир асардан уч

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. -548 б.

² Абдуллаев И. Машраб ва "Мабдаи нур" //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991.12 апрель № 15.

³ Ғафур Ғулом. Икки Машраб. Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль. Қайта нашри: Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том.– Т.: Фан, 1989.- 496 б.

⁴ Абдуллаев И. Машраб ва "Мабдаи нур" //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 12.04.1991.№ 15.

ҳикоя ва уч ғазал келтиради, “Мабдаи нур” ҳақида умумий маълумот беради. 1994 йилда И. Абдуллаев асарни китоб¹ ҳолида нашр қилдики, бу иш сўзсиз машрабшуносликда катта воқеа бўлди. Гарчи, асар матнида хатолар, айрим ҳикоятларнинг ўрни алмашган, тушиб қолган, сўзларнинг асл маъноси бузиб талқин қилинган бўлса-да, ўқувчи “Мабдаи нур” ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлади.

И.Абдуллаев «Мабдаи нур» асари матнини келтиришдан аввал Машраб ва «Мабдаи нур» билан боғлиқ қатор масалалар устида сўз юритади. Мазкур кичик тадқиқот бир қанча қисмларга бўлиниб уларда Машраб ва унинг “Мабдаи нур” асари, тасаввуф ҳақида маълумот, “Мабдаи нур”нинг кўлёзма ва тошбосма нусхалари, асарнинг тил хусусиятларига оид анча қизиқарли мулоҳазалар келтирилади.

И.Абдуллаев “Мабдаи нур”нинг муаллифи Раҳимбобо Машраб эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Олимнинг нуқтаи назари П. Равшанов, О. Равшанов, М. Ҳусеновларнинг 1997 йилда нашр бўлган «Ҳофиз Рўзибой Машраб» номли рисолаларида² таҳлил қилинди, «Мабдаи нур» муаллифи ҳақидаги баҳс яна давом этди. Тадқиқотчилар XIX асрнинг иккинчи ярмида Қашқа воҳасидан, Қамаш қишлоғидан етишган сўз санъаткори Ҳофиз Рўзибой Машраб (Машраби соний), унинг ҳаёти, ватани, авлод-аждоди ва адабий мероси ҳақида сўз юритишди. Ҳофиз Рўзибой Машрабнинг фидойи авлодлари кўмаклари билан яқин келажакда адабиётшунос олимлар шоир ҳаёти ва мероси ҳақида янада аниқ ва кенгрок маълумотларга эга бўлишади, деган умиддамиз.

“Девонаи Машраб” қиссасининг икки нусхаси нашр этилди. Биринчиси - Маҳмуд Ҳасаний томонидан нашрга тайёрланиб, “Шоҳ Машраб қиссаси” номи билан 1991 йили эълон қилинди.³ Асар 1886 йил 15 ноябрда Тошкентда чоп

¹ Қаранг: Мабдаи нур. (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ). – Т.: Фан, 1994. - 314 б.

² Равшанов П. ва бошқ. Ҳофиз Рўзибой Машраб. - Т.: Шарқ, 1997. - 144 б.

³ Шоҳ Машраб қиссаси (Нашрга тайёрловчи: М.Ҳасаний).– Т.: Шарқ, 1991. -56 б.

этилган нусха асосида тайёрланган. Китоб М. Ҳасаний томонидан ёзилган кичик муқаддима, қисса ва Маҳкам Маҳмудов тузган луғатдан иборат. Иккинчи китобни Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон “Қиссаи Машраб” номи билан 1992 йилда нашр эттирдилар.¹

Китоб сўзбоши ва луғатдан ташкил топган. Сўзбоши ва луғат муаллифлари - М. Жўраев ва С. Рафъиддин. Китоб ҳажми, ҳикоялар ва шеърларнинг кўплиги сабаб нусханинг қадимийлигидан далолат беради. Китобда М. Ҳасаний нашридан фарқли ўлароқ Машрабга доир ҳикоялар қисқартирилмасдан берилган. Шоир ғазаллари матлаъ ва мактаълари билан тўлиқ келтирилади.

1995 йил мазкур монография муаллифи «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқладим. 2004 йилда Дилором Ҳамроева Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикасига бағишланган номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бундай тадқиқотлар нафақат филология, балки бошқа ижтимоий соҳаларда ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, жиззахлик Мўмин Ҳошимхонов “Бобораҳим Машрабнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари” мавзусида тадқиқот олиб бориб, 1995 йили фалсафа фанлари номзодлик диссертациясини ёқлади.

Машраб ҳаёти ва ижодини ёритиш ва ўрганишни қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1. XVII – XIX асрларда яратилган тазкира ва манбаларда Машраб тўғрисидаги маълумотлар;

2. XIX аср охири XX аср бошларида Машраб ҳақидаги илк тадқиқотлар;

3. Шўролар даврида Машраб фаолиятининг ўрганилиши;

4. Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида яратилаётган янги тадқиқотлар.

¹ Қиссаи Машраб (Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли). – Т.: Ёзувчи, 1992. -176 б.

Ҳозирги давр адабиётида шоир тимсоли

Шўролар даврида Раҳимбобо Машраб ҳақида илмий мақола, рисоалар билан биргаликда бадиий асарлар ҳам яратилди. Ушбу асарлар ичида ҳажман салмоқли бўлган Ҳамид Ғуломнинг “Машраб” асари устида қисқача тўхталсак. Роман 1981 йилда “Шарқ юлдузи” ойномасининг уч сониди эълон қилинди. Афтидан, асарнинг дастлабки нусхаси ҳажми анча катта бўлган, шу сабабли роман муаллиф таъкидлагандек, ойнома учун махсус қисқартирилган вариантда эълон қилинган. Романнинг охириги “Йигирма беш йил ҳикояси” деб аталувчи бўлими анъанавий баён услубида эмас, балки хронологик тартибда берилган. Бу ҳолат муаллиф томонидан мажбурий қисқартириши оқибатида содир бўлган бўлиши ҳам мумкин. Романни кўздан кечириш мобайнида шу нарса аён бўлди-ки, Ҳамид Ғулом асарни ёзишдан олдин жиддий тайёргарлик кўрган, Машраб ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи мавжуд илмий адабиётларни ўрганиб чиққан. “Девонаи Машраб” қиссаси ва Машраб ҳақида маълумот берувчи тазкиралар билан танишган. Лекин бу илмий мақола ва рисоалар, шунингдек тазкиралардаги маълумотлар асосида романдек катта ҳажмли асар яратиш анча мушкул. Шу сабабли романга “Девонаи Машраб” қиссаси асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Ҳамид Ғуломнинг “Машраб” романи тарихий мавзудаги асардир. Унда акс этган Машраб ҳаёт йўли, фаолияти, асардаги асосий қаҳрамонлар асосан тарихийлик мезонидан келиб чиқиб талқин этилади. Лекин романнинг бадиий қуввати ва эстетик таъсирини ошириш, шунингдек Машраб сиймосини ёрқин ифодалаш учун тарихий омилларнинг ўзи камлик қилади. Шу сабабли муаллиф романга айрим тўқима қаҳрамонлар сиймосини, воқеа-ҳодисаларни киритиб, ўз ўрнида фойдаланди. Асарнинг композицион тузилиши кўпгина жиҳатлари билан қиссани эслатади. Роман гарчи қиссадагидек, Машрабнинг мурғаклик давридан бошланмаса ҳам, лекин Раҳимбобонинг Намангандаги ҳаёти, Бозор Охун,

сўнгра Қашқарда Офок хўжа маконида таълим олиши, у ердан чиқиб шарқ мамлакатларини қаландарона кезиши ва умри сўнгида Балх шаҳрида дорга осиб ўлдирилиши қисса баёни сингари амалга ошади. Романдаги Машраб сиймоси, унинг ташқи қиёфаси ва руҳий дунёси масаласига келсак, бунда қиссадаги Машраб сиймоси ва унинг тарихий қисмлари ўртасида маълум фарқлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Қиссадаги ва романдаги Машрабларнинг зоҳирий кўриниши, ташқи қиёфаси деярли бир хил. Асарнинг аввалида ўспирин Машраб қиёфаси қуйидагича таърифланади: “Бўйи баланд, қад-қомати келишган, умрови кенг, кўллари узун, елкасини қоплаган сочи патила-патила” ёки “(Машрабнинг – Э.М.) озғинлигидан бўлса керак, сал чўзинчакроқ юз суяклари бўртиб чиққан, кўз косалари ич-ичига кирган, йирик қора кўзларида ички бир шўъла, ботиний бир олов порлаб туради”. Демак, айрим ибораларнинг ўрни алмашиб келганлигини ҳисобга олмасак, умуман таъриф қиссадагидек, фарқи шуки, қиссаларда Машраб деярли ўзгармасдан “Шахло чашм, пайваста абрў, сочлари патила-патила гирди камарига тушғон” ҳолатида намоён бўлса, Ҳ. Ғулом Машрабнинг ёшига қараб унинг қиёфасини ўзгартириб боради. Қиссаларда сипо кийимлардан ўзини нари олиб юрган Машраб романнинг айрим жойларида амалдорлардан заррин чопон ва совғалар олишдан истиҳола қилмайди.

Романдаги Машраб ботиний дунёси қиссадагидан жиддий фарқ қилади. Олдин айтиб ўтганимиздек қиссаларда Машраб сиймоси бутун моддий истак ва ноз-неъматлардан воз кечган, фақатгина яратувчи ёди ва ишқи билан яшовчи валий сифатида талқин этилади. Лекин роман қаҳрамони Машраб валий ёки сўфий сифатида эмас, балки фоний дунё лаззатларини (қиз билан ношаърий учрашуви, гоҳида май ичишни) канда қилмайдиган киши сифатида тасвирланади-ки, бу ҳодиса қиссадаги Машраб ва романдаги Машраб сиймоси ўртасидаги асосий фарқни, зиддиятни белгилайди. Фикримизча, муаллиф Раҳимбобо Машрабни ҳам руҳан, ҳам жисмонан бақувват, ўз ёрига вафодор, турли диний арбоблар ва амир - амалдорларга қарши курашувчи ва охир-оқибат ўз

мақсади йўлида қурбон бўлувчи қаҳрамон сифатида талқин этмоқчи бўлган. Бироқ Машраб сиймосининг яралишига замин бўладиган бу хил инсоний ғоялар ҳар вақт ҳам кутилган натижани бермаган. Машраб Бозор Охун даргоҳида таҳсил олган чоғида устози танбеҳларидан тегишли хулоса чиқариш ўрнига у билан зиддиятга боради, дуоибад бўлиб муршид остонасидан ҳайдалгач, Бозор Охун даргоҳини тарк этади ҳамда ўзига янги устоз изламай қўяди.

Умуман олганда Машрабнинг ўз олдига қўйган тайинли бир мақсади йўқдек. Севгилиси Тўтихон Офоқ хўжага назр қилиниб, Қашқарга жўнатилгач, Машраб дўстлари билан уни излаб йўлга отланади. Улар Офоқ хўжа даргоҳига етгач Машраб шайхнинг хизматига киради ва етти йил шу ерда қолиб кетади. Ёрини излаб борган ошиқ унга ёрдам бериш ўрнига дўстлари билан пирнинг турли хизматларини бажариб юради. Фақатгина Офоқ хўжанинг катта хотини Малика хоним пошша ёрдами билан Машраб Тўтихон васлига эришади. Икки ёшнинг учрашуви ношаърий тарзда амалга ошади. Қизиқ бир ҳол, Машраб Тўтихон билан учрашганда, уларнинг қочиб кетишига ҳеч нарса монеълик қилмайди. Ошиқ-маъшуқлар қочиб кетиш ўрнига, бирлашишга интиладилар. Бу ҳол Машрабнинг мақсади ёри билан бирга бахтли оила куриб яшаш эмас, балки шунчаки учрашиб юриш бўлгандек таассурот қолдиради. Машраб пир даргоҳидан иккинчи марта қувилгач, дўстлари билан турли шаҳарларни бемақсад кезади. Бизнингча, Машрабнинг ёрини излаб Қашқарга бориши ва у ердан ҳайдалиб ҳаётини тайинсиз ўтказиши зўрма-зўракилик асосида пайдо бўлган ҳолатдир. Чунки, шўролар сиёсати даври адабиётида Машрабни чин эътиқодли инсон сифатида талқин этиш, унинг мақсад ва интилишларини аниқ очиб бериш мумкин эмас эди. Машраб асарнинг ижобий қаҳрамони экан, у фақат моддий дунё мавжудлиги сабабли унинг манфаатлардан ва нафсий истаклардан тўла-тўқис воз кечиши мумкин эмас. Шунинг учун асардаги бу хил ҳолатлар шартли равишда замонасозлик нуқтаи назаридан пайдо бўлган, деган хулосага келамиз.

Машраб ҳақида яратилган иккинчи йирик асар Миркарим

Осимнинг “Синган сетор” қиссасидир. Қиссада Машраб, шогирди Шодавлат Пирмаст, ити Қитмир билан боғлиқ воқеалар енгил юмористик ҳолатда тасвирланади.

Кейинги авлод адибу мунаққидлари ҳам Раҳимбобо Машраб сиймосига қайта-қайта мурожаат қилишди. Ушбу маънода Иброҳим Ғофуровнинг “Гала”¹ ва “Алиф”² номли ҳикояларини келтириш мумкин. Аввалги ҳикояда Машраб ва шогирди Пирмаст билан Офок хўжанинг даргоҳидан кетганидан кейинги кунлари, Машрабни ядачи³ деб ёқмоқчи бўлган дайди оломон ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчисида “Алиф” ҳарфи илоҳий маъноси ва унинг ижтимоий ҳаётидаги зухуроти ҳақида сўз боради.

Шоир ҳақида Азиз Турсуннинг “Машраб” номли лирик драмаси⁴ мавжуд. Бунда Машрабнинг Наманган, Қашқардаги ҳаёти ва Балхдаги фожеъ қисмати бадиий воситалар билан ёритилади. Адиб асар бадиий таъсирини ошириш учун тарихий қаҳрамонлар қатори тўқима сиймолардан (Гулруҳ–Машрабнинг севгилиси, Мамат–Охун – Офок хўжанинг муриди, Дарвешали – Машрабнинг дўсти) унумли фойдаланади.

Умуман олганда, ўзбек адабиёти насрида Раҳимбобо Машраб сиймосининг янги мазмундаги қиёфасини яратишга уринишлар бўлмоқда. Бироқ бундай ҳаракатлар фақатгина ҳаёлий уйдирмалар заминида эмас, балки тарихий асосларда бўлиши ва ижодкорнинг Машраб асарларидан, унинг дунёқараши, фалсафаси, тарихий шароити хусусиятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек шеъриятида Машраб сиймосининг ҳаққоний тасвирини яратишда Жамол Камол, Муҳаммад Али каби аллома шоирларнинг хизматлари катта. Улар бошлаб берган

¹ Ғофуров, Иброҳим. Гала // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990. 23 ноябрь.

² Ғофуров, Иброҳим. Алиф // Халқ сўзи, 1990. 16 июль.

³ Ёки жадачи, қадимги туркий эллар орасида “сеҳрли” деб билинган “жада” тоши ёрдамида турли кароматлар қилувчи кишини шундай аташган.

⁴ Бобораҳим Машраб. (Наманганлик адиблар ва илмий жамоатчиликнинг Машраб тўғрисида яратган асарлар тўплами) – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 41-88 б.

анъана ёшлар томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда. Эргаш Ёндошнинг “Бобораҳим Машрабнинг туғилган жойи”¹, Ё.Аҳмеджоновнинг “Бобораҳим Машраб тафаккур изтироби”², Санобар Ҳасанованинг “Ёр дардида”³, “Шоирнинг ҳамюртлари қошига пешвоз чиқиши”⁴, “Шоир орзуси”⁵, шунингдек, Илҳом Каримовнинг “Машраб” ва Маҳмуд Тоировнинг “Машраб” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил 19 июнь) номли шеърлари поэтик оҳангдорлиги билан китобхонни ўзига жалб қилади.

Ҳозирги эркинлик даврида Машраб сиймосининг ҳақиқий, миллий вакилини яратмоқ адибу олимлар, тадқиқотчилар олдида турган вазифалардан биридир.

Биз ишимизнинг бу қисмида Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган тадқиқотлар, рисола ва мақолалар, шоир тимсоли акс этган замонавий асарларнинг сифати ва хусусиятлари тўғрисида мухтасар сўз юритдик. Аслини олганда шоир сиймоси яратилган бадий асарлар сони кун сайин ортиб бормоқдаки, уларнинг барчаси ҳақида бир китоб доирасида сўз юритиш мумкин эмас. Айримлари балки алоҳида тадқиқот ишлари бўлишини талаб қилар.

Машрабшунослик тарихида ўзига хос муаммолар бўлган. Машраб фаолияти ва адабий мероси ҳақида маълумот берувчи дастлабки адабий манбаларда акс этган айрим чалкашлиklar (жумладан, Машраб туғилган йили ва жойи хусусида), машрабшунослик илмига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Биз қуйида Машраб таҳаллусли шоирлар, шоир туғилган йили, жойи, «Девонаи Машраб» қиссаси билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

¹ *Бобораҳим Машраб*. – Т., 1991. – 23-б.

² Ўша асар. 26-б.

³ Ўша асар. 27-б.

⁴ Ўша асар. 28-б.

⁵ Ўша асар. 29-б.

Машраб тахаллусли шоирлар

Машраб тахаллуси билан шеър ёзган бир қанча ижодкорлар бўлган.

«Маълумки, Бобораҳим Машраб, асосан ўзбек (турк) тилида, қисман форс ва араб тилларида ҳам ижод қилган. Аммо, шундай адабий-тарихий омиллар ҳам аёнки, Ўрта ва Яқин Шарқда, шунингдек, Ўрта Осиёда «Машраб» тахаллуси билан ижод этган ўнлаб шоирлар бўлиб, уларнинг баъзилари Бобораҳим Машрабдан аввал, ёки у билан замондош, ёки ундан кейин яшаб ижод этганлар».¹ -деб ёзади М. Зокирий. Дарҳақиқат, XV асрда яшаб Машраб тахаллуси билан ижод этган шоир ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун нафоис» асарида маълумот берилади. Унда «Мавлоно Машраб Машҳадликдур. Хуштаб йигитдур» дейилиб, шоирнинг форсча байти келтирилади. М. Зокирий ўзининг «Машраб» номли рисоласида ана шундай тахаллус билан ижод қилган олти нафар шоирни санаб ўтади: «Алишер Навоийнинг замондоши Машраб Машҳадий, шунингдек, Абдураззоқ Машраб (эронлик, XVII аср), Мирхусайн Машраб (XVII аср охирлари - Табризда вафот этган), Мир Иноятулла Машраб (деҳлилик бўлиб, XVI аср ўрталарида туғилган), Мирзо Ашраф Машраб (1717 йилда Шерозда вафот этган), Машраб (шоирнинг исми ва насаби маълум эмас) XVII аср охирларида Ҳиндистонда яшаб ўтган».²

Академик В.Абдуллаев етти ижодкор Машраб тахаллуси билан ўтганлигини кўрсатади.³ Биринчиси – исфаҳонлик шоир Ҳаким Абдураззоқ, иккинчиси – табризлик шоир Мирхусайн, учинчиси – Мир Иноятулло, тўртинчиси – Шерозда вафот этган Мирзо Ашраф, бешинчиси – ҳиндистонлик Машраб, олтинчиси – Ҳофиз Рўзибой, еттинчиси – наманганлик Раҳимбобо Машрабдир. Буларнинг деярли барчаси XVII –

¹ Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1984. – 22-б.

² Ўша асар. – Т., 1984. – 22-23 б.

³ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1967. – 384-б.

XVIII асрларда яшаб ижод қилишган.

З.Ризаев мазкур даврда Раҳимбобо Машрабдан ташқари Машраб таҳаллуси билан етти шоир яшаб ўтганлигини қайд қилади.¹ Машраб таҳаллусли шоирларнинг юқоридаги рўйхатига Насрабодийнинг тазкирасида (Техрон, 1939 й., 384 б.) маълумотлар келтирилган, Шерозда туғилиб ижод этган шоир шоҳ Маъсум номини ҳам киритади, В.Абдуллаев қайд қилган бешинчи – ҳиндистонлик Машраб шахсиятига айрим аниқликлар киритиб, уни Бахурий Ситга номи билан боғлайди. Ҳамда Астрабодда яшаганлиги, форс тилида насрий ва назмий асарлар яратганлиги, Мирзо Ҳайдарбекхон ҳукмронлиги даврида вазир Шужоъу-Давла саройида ижод қилиб эътибор топганлиги ва XVIII аср охирида вафот этганлиги ҳақида маълумот беради. И. Абдуллаев ва Ж. Юсупов ҳам Машраб таҳаллуси билан ижод қилган шоирларга ўз муносабатларини билдиришган. Жумладан, И. Абдуллаев ўзининг «Машраб ва «Мабдаи нур» номли мақоласида академик В. Абдуллаев келтирган Машрабларни санаб, кенгрок маълумотлар беришга ҳаракат қилади. Тадқиқотчи рўйхатдан Ҳофиз Рўзибой номини тушириб қолдириб, Мир Иноятуллоҳни « XVI аср охирларида вафот этган» деб таъкидлайди.

Ж.Юсупов ҳам Машрабларни асосан В.Абдуллаев ва И. Абдуллаев фикрлари каби келтиради, аммо Мирзо Ашраф ва Ҳофиз Рўзибой номини рўйхатдан тушириб қолдириб, ўрнига З.Ризаев кўрсатиб ўтган шоҳ Маъсум Машраб номини киритади.²

Умуман олганда адабиётшунос олимлар ушбу Машраб таҳаллусли шоирлар ҳақида асосан турк олими Шамсиддин Сомий қаламига мансуб бўлган «Қомус аълом» луғатининг олтинчи жилдига (Истамбул, 1116 ҳижрий йили, 4288-4289 бетлар) асосланиб ҳолда фикр юритишган. Шоҳ Маъсум Машраб ҳақидаги маълумот эса Саид Али Ҳасанхоннинг

¹ Ризаев З. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI - XVII вв. – Т., 1971. – с. 15-17

² Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Т., 1990. – 5-б.

«Субҳи-гулшан» (тошбосма асари, Бомбей, 1878 инв. № 3120. 414-бет) номли китобидан олинган. Шундай қилиб юқоридаги фикрларни умумлаштириш асосида Машраб тахаллусли шоирларни ушбу тартибда келтириш мумкин:

1. *Машраб Машҳадий* – XV асрда Машҳадда яшаган. Бу шоир ҳақида Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун нафоис» асарида маълумот бериб, унинг бир байт форсча шеърини келтиради.

2. *Мир Хусайн ўғли Машраб Кошоний*–Эрон шоҳи Аббоснинг (1642 – 1666 й.й.) мулозимларидан бўлиб, XVII асрнинг иккинчи ярмида Табризда вафот этган.

3. *Ҳаким Абдураззоқ Машраб Исфаконий* – кўпқиррали ижодкор бўлиб, шеър ёзиш билан бирга табобат билан ҳам шуғулланган. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида (1659 – 1707) Абдураззоқ Ҳиндистонда яшайди ва 1715 йили ўша ерда вафот этади.

4. *Бахурий Ситга Машраб* – асли Ражпут номли ҳинд қавмидан. XVII аср иккинчи ярмида яшаган Муҳаммад Муқим Кашмирийнинг шогирди бўлган. Вазир Шужоъ уд-давла саройида назмий ва насрий асарлар ёзиб танилган. XVIII аср охирида вафот этган.

5. *Мирзо Ашраф Машраб* – асли араб қавмидан бўлиб, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг буйруғи билан кўзига мил тортиб кўр қилинган. XVIII аср охирида Шерозда вафот этган.

6. *Мир Иноятulloҳ Машраб* – назмий ва насрий асарлар муаллифи. Деҳлида яшаб, ижод қилган. Туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас.

7. *Шоҳ Маъсум Машраб*. Шерозда туғилган. Вафот этган йили аниқ эмас.

8. *Раҳимбобо Машраб* – 1640 йилда Наманганда туғилиб, 1711 йилда Балх шаҳрида қатл этилган халқимизнинг севимли шоири.

9. *Мулло Рўзибой Охун Машраби Соний* – XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод қилган қашқадарёлик сўфий шоир.

Машраб Машҳадий ва Мулло Рўзибой Охун Машраби Сонийдан бошқа шоирлар асосан Раҳимбобо Машрабга замондош ҳисобланиб, форс тилида ижод қилишган.

Машрабнинг умрини қискартиришга ҳожат йўк¹

Кейинги йилларда Раҳимбобо Машрабнинг туғилган йилига оид турлича саналар (асосан 1653, 1657 й.й.) кўрсатилмоқда. Жумладан, Машраб шеърлари тадқиқотчиси Жалолиддин Юсупов 2006 йил нашрга тайёрлаган Машраб «Девони»га кирган “Уни девонаи Машраб дерлар” номли мақоласида шундай фикр билдирди: *“Малехо Самарқандий “Музаккир ул-асҳоб” номли тазкирасида Раҳимбобо Машраб билан Самарқандда икки дафъа учрашганлигини, биринчи марта шоирни ўспиринлик, яъни соқол мўйлаби энди чиқа бошлаганида ва иккинчиси Самарқандга қаландар либосида, сочу соқоли барқ уриб ўсган бир даврда кириб келганини сўзлайдилар. Унинг “маро” радифли форсийда ёзилган шеъри намуна қилиб келтирилади. “Музаккир ул-асҳоб”нинг 1688 – 1692 йиллар орасида ёзилганлигини назарда тутсак, Малехонинг Машраб билан илк учрашувлари 1672 йилда, иккинчи топқир учрашувлари эса 1690 йилда содир бўлган. Яна бир далил шуки, Исҳоқ Богистоний ўзининг “Тазкираи қаландарон” асарида: “Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёминда умрларидин 58 сана кечуб эрди”, дейдилар. Филология фанлари номзоди Муҳсин Зокиров далил келтирган ушбу тазкирани кўрган эмасман. Ҳолибо бу фикр тўғри кўринади...Бундан чиқадики, шоҳ Машрабнинг ҳаёт йўллари шундай: 1653 – 1711”*²

“Тазкираи қаландарон” асарининг асл нусхасини афтидан, уни илмий муомалага киритган Муҳсин Зокиров ҳам кўрмаган чиқар. Бу асар ҳақида М.Зокиров дастлаб 1966 йили эълон қилган “Машраб” номли адабий-танқидий очеркида³ сўз

¹ Келтирилаётган бўлим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 2011 йил 14 январ кунги сониди (№3) кичик қискартиришлар билан эълон қилинган.

² Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 8 - б.

³ Зокирий М. Машраб. – Т., 1966. – 4 -7 б.

юритади. Асар тазкира деб номланса ҳам, лекин тузилиши жиҳатидан тазкирачилик андозаларга жавоб бермайди. Асарнинг ўн бир боби Машрабнинг ҳаёти ва ижодига бағишланганлиги ҳақида маълумот берилади-ю, лекин жамоатчилика фақат беш лавҳаси ҳавола қилинади, қолган қисмлари ҳақида бирор сабаб билдирилмайди. Шунингдек, ношир кўлёзма эгаси Одилхон Зобир ўғли ушбу кўлёмани сотмагани, уни ўз ҳузурида кўриб чиқишга рухсат берганлигини айтади, лекин М.Зокиров асарни ё кўчириб, ё фотонусхасини олган-олмаганлиги ҳақида ҳам аниқ фикр билдирмайди. Раҳматли устозим профессор Абдурашид Абдуғафуров бу масалага узил-кесил нукта қўйиш ва китобнинг асл нусхасини кўриш учун Муҳсин Зокировнинг хонадонига ташриф буюрганлиги, бироқ бу китобнинг ҳеч қандай нусхасини кўра олмаганлигини айтган эдилар.

Мавжудлиги номаълум бўлган “Тазкираи қаландарон” асаридаги маълумотлар (хусусан шоир туғилган йили санасида ҳам) тўғри бўлса, нима учундир Муҳсин Зокиров ўзининг “кашфиёти”га ўзи ишонмай Машраб таваллуди санасини бир неча марта ғалат, бир-бирига зид тарзда келтиради. Жумладан, у 1966 йил эълон қилган “Машраб” адабий-танқидий очеркида¹ “Шу тариқа шоирни 1657 – 58 йилларда туғилган деб аниқ айтиш мумкин”,-дейди. Бироқ, бу маълумот тўрт саҳифа ўтгач, қуйидагича ўзгаради: “У (Машраб – Э. М.) тахминан 24-25 ёшларида, яъни 1670 – 1671 йилларда Қашқарга боради”деб ўзининг маълумотига қарши чиқади. Чунки оддий арифметика бўйича (1670 – 24=1646) бу сана 1646 йилга тўғри келади. М. Зокировнинг 1990 йили эълон қилинган “Мен ҳам инсон наслидан” мақоласида², бу сана яна бир карра ўзгаради, унда “Машраб шаҳид бўлганда 70 ёшлардан ошган эди. Хулоса, 1640 – 41 йиллар унинг таваллуд йилига тўғри келади”, деган учинчи хил, аммо ҳаққоний санани келтиради. Муҳсин Зокировнинг ўзи ишонмаган “Тазкираи қаландарон” асарига ва ундаги маълумотларга Ж.

¹Зокирий М. Машраб. – Т.,1966. – 10 - б.

² Зокиров М. Мен ҳам инсон наслидан //Тошкент оқшоми. 1990. 12 февраль.

Юсупов ҳам асосланишга ботинолмай, ўринли равишда “ушбу тазкирани кўрган эмасман” деб бу маълумотларнинг ҳаққонийлигига шубҳа қилади. Дарҳақиқат, шубҳали, бор - йўқлиги номаълум, “кашфиёт”чиси тонган асардаги саналарга ишониш тўғри эмас, албатта.

Ж.Юсупов асосланаётган Малехо Самарқандий “Музаккир ул-асҳоб” тазкирасида келтирилгандек, Раҳимбобо Машраб Самарқандга икки марта келган, биринчи марта келганида унинг соқол-мўйлаби сабза ураётган бўлган. Ж. Юсуповнинг келтиришича, Машраб билан Малехо шу вақтда, яъни тадқиқотчи белгиланган 1672 йили учрашган экан. Энди А. Фитратнинг мазкур маълумотида аҳамият беринг: *“Малехо ўзининг асл тазкирасини ҳижрий 1101 (мил. 1689) – нчи йилда битирган. Асл тазкирада Машраб ҳақида ҳеч нарса ёзмайдилар. Икки йил сўнгра, 1103/ 1691 да, тазкирага бир илова ёзгон, тазкира биткандан кейин кўришканларидан шул иловада маълумот берадир”*.¹ Англашиладики, Малехо 1689 йилгача Машраб ҳақида ҳеч қандай хабар бермаган! Машраб ҳақидаги маълумот кейинчалик пайдо бўлгандан сўнг у илова тарзида 1691 йилда тазкирага киритилмоқда. Фитрат Машрабнинг навбатдаги марта Самарқандга келиш санасини белгилашда ҳам эҳтиёт бўлади: *“Малехонинг ривоятига кўра, Машраб Наманганга 7 – 8 йил тургондан кейин (баъд аз соҳиби маҳосин шудан) Самарқандга келгон. Онда бир муддат қолгон. Сўнгра Наманганга қайтиб, ондин Қашқар, Бадахшон Балх шаҳарларига боргон ва шу сафардан унга “пишиқликлар” ҳосил бўлгон, яъни шеър ва тасаввуф кишиси бўлиб, қаландар қиёфасида яна Самарқандга қайтгон. Малехо бу Самарқандга қайтишининг қайси йилда эканини очиқ кўрсатмайдир. Шундай бўлса ҳам, баъзи 1689 – 91 йиллар орасида бўлгонин гумон қилиш мумкин”*.²

Энди табиий савол туғилади: Қайси манбага асосланиб домла Ж.Юсупов “Малехонинг Машраб билан илк учрашувлари 1672 йилда ... содир бўлган” деган маълумотни

¹ Фитрат А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.

² Ўша асар.-№1.

келтирмоқда? Асоссиз келтирилади ушбу биргина санага ишониб Машрабнинг туғилган йили санасини 1640 йилдан 1653 йилга ўзгартиришга ҳеч ҳожат йўқ.

Академик В.Абдуллаев¹, Н.Ликошин², А.Абдуғафуров³, Ш. Зуннунлар⁴ Машраб 1640 йилда туғилган, деган фикрни илгари суришади. Зайнал Ризаев ҳам Муҳсин Зокирий каби бу йилларни аниқлашда бир неча санани кўрсатади. З. Ризаев 1962 йилда ёзган “Қўлёмаларни варақлаганда” номли мақоласида шоир туғилган йилни аниқламай, вафотини 1700 йилгача бўлган даврда деб белгилайди. 1963 йил эълон қилган “Машраб ҳақида янги маълумотлар” мақоласида⁵ эса шоир яшаган давр 1670 – 1711 йиллар деб, 1966 йил нашр этган “Машраб ва унинг издошлари” мақоласида⁶ бу сана 1636 – 1664 йиллар деб ўзгартирилади. Тадқиқотчининг сўнгги маълумоти буйича Машраб 28 йил умр кўрган бўлиб чиқади. Хўш, бу маълумотларнинг қайси бирига ишониш мумкин? Бизнингча, шоир таваллудининг 1640 йил белгилангани ҳар жиҳатдан тўғри ва асосли. Фикримизни қуйидагича изоҳлаймиз:

1. Таъкидлаганимиздек, ўтмишда яратилган тазкираларда Машраб туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин “Тазкираи Фаҳмий” китобида унинг қатл этилган йили ҳижрий 1123 (1711) деб кўрсатилган.⁷

Зайнал Ризаевнинг сўнгги маълумотича Машраб 1664 йили вафот этган. Машраб Бозор Охун вафотига бағишлаб “Булбул бирафт аз боғи илм” мисраси билан таърих ёзган. Бу таърих абжад ҳисобида қуйидагича бўлади:

¹ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1980. – 140-б.

² Лыкошин Н. Дивана-и-Машраб. Т., 1910. -№1.

³ Машраб шеърятидан (Тузувчи: А.Абдуғафуров). – Т., 1979. 3 - б.

⁴ Зуннун Ш. Машраб ҳақидаги янги афсоналар. //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1969. -№5.

⁵ Ризаев З. Машраб ҳақида янги маълумотлар //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1963. -№1.

⁶ Ризаев З. О Машрабе и его последователях//Общественные науки в Узбекистане.-1966.- №12.

⁷ Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Муҳаққиқи бузурги ду адабиёт. –Д.: Ирфон,1978. - с. 60

$$\begin{array}{l} \text{бе алиф зайн айн лом мим} = \text{боғи илм} \\ 2 + 1 + 1000 + 70 + 30 + 40 \qquad 1143 \end{array}$$

“Булбул” (64) нинг илм боғини тарк этганлиги сабабли 1143 дан 64 ни айирамиз ва Бозор Охун вафот этган санага эга бўламиз: 1079 хижрий = 1668 милодий. Демак, З. Ризаевнинг кўрсатган санаси илмий асосга эга эмас. Чунки Машраб 1664 йил вафот этган бўлса, у 1668 йил устози вафотига бағишлаб таърих шеър ёзолмаган бўларди.

Таъкидлаганимиздек, Жалолиддин Юсупов Раҳимбобо Машрабнинг туғилган йилини 1653 деб белгилаяпти. Машраб юқоридаги таърих шеърни ёзганлигида Ж. Юсуповнинг ҳисоби бўйича у 15 ёшарли ўспирин бўлиб чиқаётир. Машрабни 1657 йилда туғилган деб ўйловчи тадқиқотчилар ҳисобига кўра Раҳимбобо 11 ёшга кирган бола бўлади. Бу ёшда Раҳимбобонинг форс тилида, яна абжад ҳисоб – китоблари асосида таърих шеър ёзишига ишониш қийин. Яна бир қизиқ ҳол. Тадқиқотчи *“Шариат аҳкомларини мукаммал эгаллаган Раҳимбобо энди пирлари мулло Бозор Охундан тариқат йўлларини ўрганишига киришадилар. Ўзларида зоҳир бўла бошлаган кашф-каромат ҳолларини шеърга солиб баён эта бошлайдилар. 1668 йил илм истаб Самарқандга келадилар. Замонасининг етук олимлари даргоҳида хизматда бўладилар. Ўша йил охирларида пирлари Бозор Охун вафот этадилар”*¹ деган маълумотни келтиради. Бу маълумот тадқиқотчи Машраб туғилган санасини 1653 йил деб белгилагач, 1668 йилда Бозор Охун вафоти йилига қадар ёш Раҳимбобони етук шоир даражасига етказишга уриниш қилаётгандек тасаввур уйғотади. Агар Фитратнинг *“Манқабаса кўра Машраб Наманганда тугилгон. Оиласи жуда қашшоқ бўлгон, онаси ип йиғириб сотиб оила овқатини топар экан, ота-онаси уни 15 яшарлигида Охун мулла Бозор исми бир шайхнинг тарбиясига берадирлар”*² ёки *“Малеҳонинг кўрсатишига кўра, Машрабнинг ёшлиқта*

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 10 - б.

² Фитрат А. Машраб //Илмий фикр. – 1930.-№1.

Андижондан Наманганга ўқиш учун келгани, афсонадаги «15 яшарлигида мулла Бозор Охун тарбиясига киргани» билан таъкид этиладир»¹, деган жумлалари асосида мулоҳаза юритсак, янада ғалати манзарага гувоҳ бўламиз. Чунки Машраб 1653 йили туғилган бўлса, у 15 ёшида Бозор Охун вафот этган йили (1668 й.) унинг даргоҳига илм олгани борган бўлади. Бу эса Машрабнинг Бозор Охун даргоҳида Абдурауф Фитрат келтирган 7 – 8 йиллик таълим олган даврини амалда йўққа чиқаради.

2. Раҳимбобо Машрабнинг Сўфи Оллоёр билан учрашганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Сўфи Оллоёр тахминан 1620 (1616, 1622 йилларда туғилган деган тахмин ҳам бор) йилда туғилган. Икки шоир ўртасида 34 ёш фарқ бўлиши уларнинг қадрдон суҳбатдош бўлганлигини амалда инкор этади.

3. “Девонаи Машраб” қиссасида Машрабнинг Абулғозий Баҳодирхон билан учрашуви ҳақида ривоят келтирилган. Абулғозий 1664 йилда 61 ёшда вафот этган. Агар ҳақиқатан ҳам Машраб Абулғози билан хаттоки унинг вафот йили учрашган бўлса, 1653 йил санаси бўйича Раҳимбобо эндигина ўн ёшдан ўтган бўлиб чиқади.

4. Машраб Бухорога борганда муллоларнинг улуғи Мавлоно Шариф билан баҳсга киришади ва у ердаги зоҳидларни аёвсиз танқид қилади. Носириддин тўра (Ибн Амир Музаффар)нинг «Тухфат уз-зоирин» (XIX аср) асарида кетирилишича, Мавлоно Шариф тарихий шахс бўлган. У 1617 (1026 ҳижр.) – йилда туғилиб, тахминан 1688 (1100 ҳижр.) – йили вафот этган. Кўкалдош мадрасаси мударриси ва ҳоким гуруҳ вакилларининг муршиди сифатида танилган. У билан учрашган Машраб 1653 йил таваллуд топган бўлса, унда Машраб ва Мавлоно Шариф ўртасидаги ёш фарқи 36 йилни ташкил қилади. Бундай ёшлар тафовути қисса мантиқига ва баён хронологиясига зид.

¹Фитрат А. Машраб //Илмий фикр. – 1930.-№1.

5. Машрабнинг

Адашган қари кулман, навҳа бўлди кориму борим.
Соқол оқарди, тиш тушди, совуқ бўлганда бозорим.¹

мисраларидаги шоир қиёфаси тасвири нисбатан анча кекса ёшга ишора қилмоқда. Ва яна далил сифатида шоирнинг машҳур байтларини келтириб ўтамиз:

Ёши етмиш бирга етган бандаи радди фалак,
Мору каждумлар билан тўлган дилига райбу шак.²
Ёки:

Етмиш йиллик тоату хайру саховатлар билан,
Кетса мундин рўсиё, ман йиғламай ким йиғласун?³

Нима сабабдан Машрабнинг бу мисраларига “тахмин”⁴ деб, қарашимиз керак? Алломалар академик Воҳид Абдуллаев, давримизнинг улуғ машрабшуноси Абдурашид Абдуғафуровлар бу байтларга “ёпишиб олиб”⁵ тахмин қилишмагандир. Нима бўлганда ҳам Машрабнинг шундай шеърлари мавжудку! Агар буни инкор қиладиган бирор асосли далил бўлса, уни-да келтириш керак эди.

6. Домла Ж.Юсуповнинг келтиришича, “1672 йили (Машрабнинг – Э. М.) Қашқар сафари бошланади. Замонасининг энг йирик авлиёларидан бири, Офоқ (диннинг уфқи, осмони) деб донг таратган йирик тариқат олими Ҳидоятulloҳ Офоқ хожага мурид тушадилар”.⁶ 19 яшар Раҳимбобонинг шунчалик қисқа вақт ичида «авлиёи замон» Офоқ хўжага мурид бўларлик даражага эришиши ўз даври учун мартабали бир ҳолат. Бироқ биз қанчалик хоҳламайлик Машрабнинг 1672 йили яна 19 ёшида эшонга шогирд тушишининг асло иложи йўқ эди! Офоқ хўжани Қашқарга истаб борган киши биринчидан, уни у ердан тополмас эди,

¹ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан: – Т., 1990. – 349 - б.

² Шарқшунослик институти хазинаси, қўлёзма №172, varaқ - 171a.

³ Машраб. Девон. – Т., 2006. – 180 - б.

⁴ Ўша асар. 8 - б.

⁵ Ўша асар. 8 - б.

⁶ Ўша асар. 11 - б.

иккинчидан пирни истагани учун ўз ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин эди. Чунки Ёркент хони Исмоилхон 1671 йил Ҳидоятуллоҳ хўжа ибн Муҳаммад (Офок хўжа)ни ҳокимият учун кураш бошлагандан сўнг мамлакат ҳудудидан чиқариб юборган эди. Ҳидоятуллоҳ хўжа Тибетга – Далай Лама V нинг ҳузурига бориб бўлиб ўтган воқеалардан нолиган бўлади. Далай Ламанинг топшириғига кўра Жунғория хунтайжиси (хитойча: 皇太子, «Хан тай жи», бошқа номи хунтайжи – XIV асрдан бошлаб қалмоқ ҳукмдорларига берилган унвон – Э. М.) буддавий Ғалдон Ҳидоятуллоҳ хўжа билан биргаликда Ёркент тахтини эгаллаш учун курашга киришиб кетади.

Дастлаб 1679 йили¹, иккинчи сафар 1681 йилда Офок хўжа Ғалдон Бошоқту қўшини билан Ёркент хонлиги устига юриш қилишади. Охир-оқибат маънавий кўмакдан узилиб қолган Ёркент 1681 йили Ғалдон томонидан босиб олинади. Жунғория тасарруфидаги кўғирчоқ ҳукумат тепасига Офок хўжа ўтиради (Бу ҳақда кейинги “Машраб ҳақидаги янги маълумотлар” номли монографиямизда алоҳида тўхталиб ўтамиз). Аслида Машрабнинг Қашқар сафари қуйидагича босқичлардан бошланса дуруст бўлади:

1640 йил – Наманган шаҳридаги таваллуди;

1647 йил – Бошланғич таълим;

1655 йил – 15 ёшида Бозор Охундан сабоқ олишнинг бошланиши;

1662 йил – 22 ёшида Намангандаги таҳсилнинг яқунлаши ;

1662 йил – 22 ёшида Самарқандга биринчи марта келиши;

1663 йил – 23 ёшида Қашқар сафарига отланиши;

1668 йил – Бозор Охуннинг вафот этиши.

Агар Машраб 1663 – 1670 йиллар давомида Офок хўжа даргоҳида бўлганлигини ва у ерни тарк қилгач, 1671 йилда Жунғория хонлигига қараган Илига бориб, Хунтайжининг қизи Абоқ билан муносабатга киришиш даврини эътиборга олсак, айнан шу вақтларда Офок хўжа ҳам Қашқардан чиқиб

¹ Валиханов Ч. «Олтишаҳар ёки Хитойдаги Нан-Лу (Кичик Бухоро) вилоятининг 1858 – 1859 йиллардаги ҳолати тўғрисида» асарида бу санани 1678 йил деб кўрсатади. Қаранг: Валиханов Ч. Том 3 [Матн]: В 5 т. / АН Каз Р.-Алмати, 1985.- с. 128

ажаб эмаски, Тибетдан Илига келган бўлган.

Ҳурматли Жалолиддин Юсупов домланинг Машраб шеърларининг нашри учун қилган меҳнатлари, чеккан заҳматлари мислсиз иш бўлдики, у кишининг бу соҳадаги мақоми билан айтилиш вақтда ҳеч ким тенглашолмаса керак. Бироқ илмий янгиликни келтириш асосли далил-исботни талаб этадики, улар ниҳоятда ўзар бўлиб, бизнинг истак ва хоҳишимизга бўй эгмайдилар. Турли фаразлардан кўра, шоирнинг ўзи келтирган маълумотларига ва тарихий фактларга асосланиб фикр юритсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ асосли бир маълумот бўлмай, тахминларга ўралашиб қолаверсак, бу хил мунозаранинг яқунланиши амри маҳол. Раҳимбобо Машраб туғилган санасига (1640 й.) оид бошқача фикрда бўлган тадқиқотчилар бундан-да аниқроқ ва асослироқ бир далилни келтирсалар ва бу масалага қайтмас даражада узил-кесил ҳал қилолсалар эди, биз фақатгина хушнуд бўлар эдик. Агар далиллар бўлмаса, яхшиси бу масала хусусидаги баҳсга яқун яшаш ва шоирнинг туғилган йилини асосли тарзда 1640 йил, деб белгилаш илмий нуқтаи назардан тўғри бўлади. Айтилиши пайтда уни ўзгартиришга ҳеч қандай бир асос йўқ.

Машрабнинг туғилган жойи масаласига доир

Адабиётшуносликда Машрабнинг туғилган жойи хусусида мунозалар мавжуд. Шоир ватани деб уч жой: Наманган, Намангандаги Андугон қишлоғи ва Андижон шаҳри кўрсатилди. Бу мунозараларнинг пайдо бўлишига албатта сабаб бор. Чунки XVII – XIX асрларда яратилган тазкираларда, қиссаларда ҳам бу масалада чалкашликлар мавжуд. Жумладан, Машраб замондоши Малехо Самарқандийнинг “Музаккир ул-асҳоб” тазкирасида Машрабнинг ватани Андижон эканлиги кўрсатилади: “Машраб–тахаллуси Раҳимбобо қаландар аст. Асл аз вилояти Андижон буда, дар айёми бараҳнаарўйи бакасби фазилат ва фазойил бавилояти Намангон омада..”. (“Машраб – қаландар Раҳимбобонинг таҳаллуси. Асли Андижон вилоятидан бўлиб, ёшлик чоғларида

илм ва фазилатлар касб этиш учун Наманган вилоятига борган.”).¹

Ушбу маълумотнинг акси ўлароқ “Тазкираи Фаҳмий” китобида Машрабнинг ватани Наманган эканлиги айтилади: “Мавлоно Машраб Намангоний аз муридони ҳазрати Хўжа Ҳидоятullo Офоқ хўжа Қашқарист”. (Мавлоно Машраб Намангоний ҳазрат Хўжа Ҳидоятullo Офоқ хўжа Қашқарийнинг муридларидандир)”.² Машрабнинг наманганлик эканлиги “Мусаввадаи Абдушукур Зиё”³, “Ансоб ус-Салотин”⁴, “Мунтахаб ут-тавоҳих”⁵ каби китобларда ҳам келтирилади.

Ушбу манбалардаги турли фикрлилик туфайли адабиётшунослар орасида Машрабнинг асл ватани ҳақида баҳс юритилди. Фикримизча, бу беҳуда тортишувларга нуқта қўйиш вақти келди. Машрабни Андижонда туғилган, деб ҳисобловчи А. Фитрат⁶, А. Ҳайитметов⁷, Ғ. Ғулом⁸, М. Зокирийларга⁹ эътирозлар йўқ эмас. М. Зокиров “Мен ҳам инсон наслидан” деб номланувчи мақоласида “Девонаи Машраб”нинг барча қадимий ва тошбосма нусхаларида, халқ оғзида юрган ривоятларда Машраб Андижонда туғилган, деб тасдиқ этилади. Бу гаплар бежиз эмасдир, ахир!”¹⁰ дейди. М. Зокирийнинг “Девонаи Машраб” қиссасининг қайси нусхасига асосланиб бундай хулосага келганлиги бизга қоронғу. Айримлар эса Намангандаги Андугон қишлоғини Раҳимбобо Машрабнинг ватани, деб билишмоқда. Бироқ илмий жамоатчиликка маълум бўлган “Девонаи Машраб” қиссаларининг биронтасида Машрабнинг Андижонда ёки Андугон қишлоғида туғилганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ!

¹ Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Т., 1979. – 117 - б.

² Ўша асар. 118 - б.

³ Ўша асар. 118 - б.

⁴ Фитрат А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.

⁵ Ўша асар.№1.

⁶ Ўша асар.№1.

⁷ Машраб. Танланган шеърлар. – Т., 1958. - 93 б.

⁸ Гафур Ғулом. Икки Машраб. //Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль.

⁹ Зокирий М. Машраб.– Т., 1966. - 120 б.

¹⁰ Зокиров М. Мен ҳам инсон наслидан //Тошкент оқшоми. 1990. 12 февраль.

Шу ерда адабиётшунос олим Абдулла Жабборнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: *“Фитрат домланинг ёзишича, Малеҳо Самарқандий асарини Маширабни танимасдан аввал – 1689 йилда ёзиб битирган. “Машраб қаландар Раҳимбобонинг тахаллусидир”, деб бошланадиган матнни эса Малеҳо шоир билан учрашгач – 1691 йилда ўз асарига илова тарзида ёзиб киритгани маълум бўлади. Маширабни “андугондан эди”, деб маълумот берган илк манба ҳам адашмасам, шу тазкира эди. Энди тасаввур қилайлик, ўзининг кўпгина шеърларида “Намангон фарзандиман” деб ёзган Машираб ёши эликдан ошганда Малеҳога андигонлик (андижонлик)ман, дейиши мантиққа зиддир”*¹.

Дарҳақиқат, «Девонаи Машраб» китобининг биз билган барча нусхаларида *“Шоҳ Машраб вақтеки, онадин таваллуд топиб, вужудга келдилар, валийи модарзод эрдилар. Аммо Наманган шаҳридан дурлар”*² қабилидаги маълумот келтирилиб, Машрабнинг наманганлик эканлиги аниқ кўрсатилади. Рус шарқшуноси Нил Ликошин ҳам *“Девонаи Машраб”* китоби таржимасининг кириш сўзида Наманган шаҳрида катта бозор ёнидаги Маддоххон маҳалласида жойлашган Бозор Охун мақбарасидан 550 қадам нарида Машраб туғилган уйининг қолдиқлари мавжудлигини айтиб ўтган.³ Қолаверса, ўтган асрнинг бошларида рус тадқиқот ишларида ҳам Машрабнинг Наманганда туғилганлиги келтирилади: *“1640 йилда Наманганда таваллуд топган Девонаи Машраб Туркистоннинг энг машҳур мутасаввуф муаллифларидан бири саналади.”*⁴ Булардан ташқари, Машраб “Намангандин “Намангандин кетар бўлсам”, “Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман” каби мисраларида ватани қаер эканлигига ўзи ишора этмоқда. Агар бу ерда халқ Машрабга қўйган “Намангоний” нисбасига ҳам эътибор берсак, ҳамда шахсий

¹ Абдулла Жаббор. Бир баҳоре топ хазони бўлмасун. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.27 май № 22.

² Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 7-б.

³ Лыкошин Н. Дивана-и-Машраб. - Т., 1910. -№1

⁴ Россия. Полное географическое описание нашего отечества. С-П. 1913. с.73

кутубхонамизда сақланаётган «Девонаи Машраб» кўлёмасидаги куйидаги маълумотларга ишонадиган бўлсак, унда Машрабнинг ватани – Наманган эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмайди: Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул газални тамом қилгондин кейин савдогарлар айдиларки: “Тақсири шоҳим, қайдин келурсиз, ва қайда борурсиз”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Ман **Намангондин** келурман, зиёрати хонаи Каъбага борурман дедилар. Анда савдогарлар: “Тақсир шоҳим, сиздин бизларга таъбирга бир сура эшитсак” дедилар, ҳамалари илтижо қилдилар...

Бир неча йўл боргучилар ҳазрат эшон шоҳ Машрабни кўруб сўрдиларки: “Эй девона, қайда борурсан”. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Ман ҳам азбарои зиёрати ҳаж борурман”. Алар айдиларки: “Қайдин чиқдинг?”. Эшон шоҳ Машраб айдиларки: “**Намангондин** келурман..”.

Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул газални ўқугондин кейин Рум шаҳрига еттилар, кўрдиларки кўп хожалар кетиб борурлар, ул ер ҳам Арабистон эрди... Алқисса, бир неча муддатдин кейин хабар келдики, **Намангон** вилоятидин ҳаж қилгони кўп киши келибдурлар. Ҳама халойиқ истиқболларига чиқдилар. Эшон шоҳ Машраб ҳам хожилар бирла пешвоз чиқдилар. Эшон шоҳ Машраб бирла бир-бир кўрушиб сўрашдилар, гўёки Машраб ўлик эрдилар, буларни кўриб тирилдилар. Хушвақт бўлуб ҳазрат эшон шоҳ Машраб анда хожаларга қараб ул газални ўқудилар:

Наманган шаҳридин дўстлар мени ёронларим келди,
Ота бирла онамни билгувчи меҳмонларим келди...

Деб эшон шоҳ Машраб бул газални ўқугондин сўнг, ҳама халойиқ билдиларки девона шоҳ Машрабни ҳам хешу ақрабоси бор эркон.¹

¹ Девонаи Машраб. Шахсий кутубхона, кўлёмза асар.184-б.

“Девонаи Машраб” асари ҳақида

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодига оид асосий асар “Девонаи Машраб” қиссаси эканлигини юқорида қайд қилиб ўтдик. Асар халқ китоблари шаклида тузилган бўлиб, унда Машраб ҳақидаги ҳикоялар ва ривоятлар насрий йўлда бир сюжет чизиғини ҳосил қилган ҳолда келтирилади. Машрабга нисбат берилувчи шеърлар эса бу ҳикоялар билан қоришиқ гоҳида воқеа–ҳодисаларга қовушмаган ҳолда учрайди.

“Девонаи Машраб” асарининг ҳар-хил нусхалари мавжуд бўлиб, улар халқ орасида сақлаб келинган. Ушбу нусхалар котиблар, ноширлар ва оддий китобхонлар томонидан “Девонаи Машраб”, “Девони Машраб”, “Эшон Шоҳ Машраби девонаи Намангоний”, кейинги нашрларда “Қиссаи Машраб” каби номлар билан аталиб келинган. Қиссанинг нусхалари гарчи турли ҳажмда, воқеалар тартиби ўзгарган, баъзи сюжетлар тушиб қолган ва кўчирган ҳаттот шевасининг таъсири натижасида ҳосил бўлган ўзгаришларга қарамай, улар бир мантиқий яхлитликни ташкил этади. Китобларнинг деярли барчаси *“Аммо ровийлар андоғ ривоят қилибдурларким..”* деб бошланиб ва *“Ҳоло ҳазрати Эшони Шоҳ Машрабнинг қабрлари Ишконмишдадур, волоҳи аълам биссавоб”* мисралари билан тугайди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, “Девонаи Машраб” сингари халқ китоблари асосан, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида пайдо бўлган ва тарқалган. Адабиётшунос олим Қобилжон Тоҳировнинг хулосаларига қараганда, бу хил китобларни ёзиш (ёки қиссачилик) Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилоятларида ҳамда Туркманистонда дунёга келди ва тарқалди. Шу музофотда XVII – XIX асрларда юздан ортиқ асарлар ёзилди.¹ Халқ китоблари ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди ўртасидаги оралиқ жанрдир. Унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Халқ

¹ Тоҳиров Қ. Октябрдан аввалги ўзбек-туркман адабий алоқалар проблемасига доир. – Т.: Фан, 1988. – 63-б.

китобларининг композицион тузилиши деярли бир хил, ҳикоя-ғазал, ҳикоя-байт, ҳикоя-тўртлик, ҳикоя-мустаназод... Уларнинг барчаси ровийларга мурожаат қилиш билан бошланади. Бадиий адабиёт асарлари билан халқ китоблари қиёсланганда, халқ китобларида халқнинг жонли тилига хос бўлган қисқалик ва ихчамлик, кесатик ва қочириқлардан усталик билан фойдаланиш бўртиб кўринади. Шунингдек, бу китобларда савияси паст котибнинг асарга эркин ёндашишлари туфайли кириб қолган ғализ жумлалари, бадиий тасвири ифодалашдаги нўноқлик ва хираликлар ҳам кўзга ташланиб туради.

Халқ китобларини пайдо бўлиш шароитига қараб икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) мумтоз адабиёт таъсирида пайдо бўлган;
- 2) халқ оғзаки ижоди намуналари асос бўлган халқ китоблари.

Тарихий (“Шайбонийхон”, “Тўлғоной”) ёки диний (пайғамбар, чаҳорёӣ кабиларга бағишланган) мавзуда ёзилган ёки ҳам тарихий, ҳам диний мавзуга бағишланган (“Абу Муслим жангномаси”, “Қиссаи Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Сайид Насимий”) китобларни биринчи гуруҳга мансуб деб биламиз, чунки асар сюжети халқ китоби бўлгунга қадар бадиий адабиётда ўз ифодасини топган.

Иккинчи гуруҳга мансуб халқ китоблари дostonлар, деб ҳам аталиб келинмокда. Бундай битикларни одатда маълум муаллифлар яратадилар. Бирок, асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиш натижасида уларнинг биринчи ижрочиси унутилиб, умумхалқ ижодига айланиб қолади. “Алпомиш”, “Равшан”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Юсуфбек билан Аҳмадбек” каби dostonларни шундай китоблар туркумига киритиш мумкин.

“Девонаи Машраб” қиссаси халқ китобларининг биринчи туркумига мансубдир. Унинг илк нусхаси маълум бир киши томонидан ёзилган. Эл орасида Машраб ижодиётига бўлган қизиқиш сабабли асар турли котиблар томонидан кўчирила бошланди. Китоб нусхаларини бу хил кўпайтириш XX асрнинг бошларигача давом этди. Кейинги кўчирилган ҳар нусха маълум маънода тарихийлик мезонларидан узоқлашди ва

бадийлаштирилди. Ҳар бир котиб асарга ўзича ёндашиб, унга унча катта бўлмаган сюжет ёки ривоятни киритиши, айтиш вақтда олиб ташлаши ҳам мумкин эди. Шунга қарамай, “Девонаи Машраб” китоби мазмунан яқин бўлган “Қиссаи Сайид Насимий” ёки “Қиссаи Иброҳим Адҳам” каби китоблардан жиддий фарқланади. Асар аниқ тарихий шахс - XVII асрда яшаб, ижод қилган Раҳимбобо Машрабга бағишланган. Иброҳим Адҳам ва Имодин Насимий ҳақидаги қиссалар ҳам тарихий шахсларга бағишланган, лекин улардаги воқеаларнинг, сюжет ва образларнинг жуда кўпчилиги ривоят ва афсоналарга асосланган. “Девонаи Машраб” қиссасининг бошқа халқ китобларига нисбатан иккита катта тарихийлик жиҳати бор:

1. Машрабнинг туғилишидан то қатлигача бўлган ҳаёт йўли;
2. Асардаги асосий қаҳрамонлар.

Демак, “Девонаи Машраб” китоби тузилиши жиҳатидан халқ китобларига ўхшаса ҳам, лекин мазмуни жиҳатидан тарихий манбалар асосида яратилган бадий асардир. Илмий манбаларда китоб “Девонаи Машраб”дан ташқари “Девони Машраб” деб ҳам аталиб келинмоқда.¹ Билмадим, не сабабдан Жалолидин Юсупов ҳам ўзининг Машраб шеърлар тўпламини “Девон”² деб атабди. Ваҳоланки, Машрабнинг девони йўқ. Девонларда лирик шеърлар жанр талабларидан келиб чиқиб қатъий тартибда (ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусаммас ва бошқалар.) жойлаштирилади. Радифдаги сўнгги ҳарф араб алифбосидаги ҳарфлар тартибига қараб, шеър ўрнини белгилайди. Шунингдек, девонларга қиссадаги каби насрий ҳикоялар киритилмайди.

Ҳозирги тушунчаларга кўра, девона сўзи асосан хушдан

¹ Қаранг: Фитрат А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1; Ғафур Ғулом. Икки Машраб. Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль. Қайта нашри: Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том.— Т.: Фан, 1989.- 496 б.; Бобораҳим Машраб. (Наманганлик адиблар ва илмий жамоатчиликнинг Машраб тўғрисида яратган асарлар тўплами) — Т.: Ўқитувчи, 1991. - 96 б.; Машраб. Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов). — Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1958. - 93 б.; Машраб шеърятдан (Тузувчи: А. Абдуғафуров). — Т.: Ўзбекистон нашр., 1979. -127 б.

² Девон. — Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 608 б.

ажралган, ақлдан озган савдойиларга нисбатан ишлатилади. Бунда киши асаб касаллигига чалинган бўлади. Бу хил талқинни “девона” лақаби билан ижод қилган шоирларга нисбатан қўллаш тўғри эмас.

Мумтоз адабиётда “девона” лақаби бутун фикру хаёли маълум мақсадга, хусусан ёрга етишиш билан банд бўлиб, кўриниши ғариб, аммо кўнгли пок, моддий талаб ва истаклардан воз кечган “зоҳиран-маломатангез, ботинан - соғу саломат” бўлган ҳақиқий ошиқларга нисбатан қўлланган.¹ Ушбу сифат “девона” лақабини олган шоирларга нисбатан ҳам маълум маънода тўғри келади. Улар ижтимоий муҳитдан четда бўлмай, балки бидъат ва зулмат, ғафлат ва жаҳолатга қарши муросасиз кураш олиб борганлар. Машрабга ҳам қисса, тазкиралар ва халқ оғзаки ижодида “девона” лақабини шу нуқтаи назардан нисбат бериб қўллашган. Машрабнинг ўзи ҳам кўпгина шеърларида тахаллуси билан лақабини бирга ёки алоҳида ишлатган, гоҳида эса нафақат ўзини, балки устози Бозор Охунни ҳам “ғурур” билан “девона” деб атаydi:

Маърифатнинг гулзори мулло Бозор девона,
Ошиқларнинг сардори мулло Бозор девона...
Машраб ўзи девона, ишқ ўтиға парвона,
Йўл юродур сарсона, мулло Бозор девона.²

XV асрда яшаб ижод этган Мир Муфлисий, мавлоно Муҳаммад Араб, Мир Ҳайдар Мажзуб, XIX аср қаламкашларидан Мутриб, Андалиб, Раҳимий, Абдулмажид, Зуфунун, Яхё хўжа кабиларнинг исмларига ҳам “девона” лақаби қўшиб ишлатилганки, бунда ҳам уларнинг «чин ошиқ», бўлганликларига урғу берилмоқда.

Китоб девон бўлмаганлиги учун “Девони Машраб” эмас, балки шоирга нисбатан “девона” лақаби қўлланилиб, уни Машраби девона ёки девонаи Машраб номи билан аташгани сабабли асарни “Девонаи Машраб”(яъни, “Ҳақиқий ошиқ Машраб” маъносида) деб номлаш тўғри бўлар эди. Зеро,

¹ Қайсга "Мажнун" номини беришда ҳам шу ҳисобга олинган.

² Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 18-б.

Машрабнинг ўзи ўзини бир нечта шеърларида “девона” деб атаган. Жумладан: “...Мане девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг”,¹ “... Мани барча халойиқ дейдилар: “Девона-девона..”²

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий бу масалада мунозара бўлиши олдиндан каромат қилганларидек, ушбу мисраларни ижод қилганлар:

Иш анга жунун, манзил анга майхона,
Девон ясамоқни не билур девона.

Ғафур Ғулом “Адабий танқидий мақолалари”да “Девонаи Машраб” қиссасининг тузувчиси ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради: “Бугун бизнинг қўлимизда мавжуд машҳур “Машраб девони”, шоирнинг севгилиси Маҳвашхоним томонидан тўпланган ва тартибга солингандир. Шоирамиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати эвазига яна ўша Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилдигисубурида қилинди”.³ Жалолиддин Юсупов “Афсуски, бу маълумотларни Ғафур Ғулом қаердан ва қайси манбалардан олганлиги биз учун равшан эмас” деб эътироз билдиради.⁴ Дарҳақиқат, бу хил жиддий маълумотларнинг асл манбалари келтирилиши мақсадга мувофиқ. Агарда борди-ю, Ғафур Ғулом фақатгина мана шу келтирилган маълумотлар асосида китоб муаллифини аниқламоқчи бўлса, унда бу маълумотлар етарли эмас. Маҳвашбиби “Девонаи Машраб” қиссасининг муаллифи бўлолмайди, чунки бу асарда Машрабнинг чет элдаги, жумладан, Қашқардаги ҳаёти аниқ тафсилотларга бой тасвирланади. Машраб босиб ўтган йўл ҳудудий изчилликка эга, бу йўл асосида Машраб қадами етган жойлар харитасини чизиш мумкин. Бу қадар аниқлик эса битик муаллифидан Машраб билан камида 10 – 15 йил бирга шаҳар ва қишлоқларни кезишни талаб қилади. Лекин

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 187-б.

² Ўша асар. 53-б.

³ Бобораҳим Машраб. – Т., 1990. – 357-б.

⁴ Ўша асар. 357-б.

бизга маълум бўлган манбаларнинг биронтасида Маҳваш-биби ёки бошқа бир аёл кишининг Машраб билан бирга дунё кезганлиги ҳақида маълумот берилмайди.

Абдурауф Фитрат Мажзубнинг “Тазкираи авлиё” асарига таяниб, Маҳваш ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: *“Маҳваш” наманганлик бир хотун бўлиб, мулло Бозорнинг мухлисларидан экани, мулло Бозорнинг Намангандаги гўрхонаси шул Маҳвашбибининг боғи бўлгони, Мажзубнинг “Тазкират ул-авлиё”сида бор. Мажзубнинг сўзига кўра, бу хотун Наманганнинг оғалиқларидан бўлган. “Девони Машраб” китобида Машрабнинг онаси ҳақидаги марсиялардан:*

Нечун айлай оё дўстларки, жононимдан айрилдим,

Тириклик боиси ул муниси-жонимдан айрилдим... банди билан бошланган мухаммас шул Маҳвашбибининг эри учун айтгони марсиядир. Бу дардли марсия Маҳваш бибини у замондаги яхши шоирлар қаторида санашга бизни мажбур қилади. Эсизки, бунинг бошқа шеърларини ҳалигача учрата олмадик”¹.

Маҳвашбиби аслида Машрабнинг ёри эмас, балки унинг Маҳваш таҳаллуси билан шеърлар ёзган Моҳибадр исмли синглиси эканлигини Жалолиддин Юсупов қайд қилади.² Агар домла Ж. Юсупов шу фикрларини ҳам манба орқали асослаганда маъқул бўлар эди. Маҳвашнинг “севги”лидан “сингил”га айланиб қолиши жиддий даъво. Балки домланинг кейинги ишларида бу фикрнинг асосига ҳам эга бўлармиз.

Фикримизча, Гафур Гуломнинг юқоридаги мулоҳазасида келтирилган асар муаллифига кўшиб “шоирнинг севгилиси Маҳвашхоним” деган таърифини инкор қилишдан олдин яна бир текшириб кўриш керакка ўхшайди. Чунки, Машраб шеърларида аёл кишининг исмига нисбат бериш мумкин бўлган “моҳ”, “маҳваш” сўзларини сингилдан кўра севгилига мос келадиган тарзда кўп келтиради: “Қачон бўлғайки кўргайман

¹ Фитрат А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№ 1.

² Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 9-б.

ўшандоғ **моҳи** анқони?”,¹ “Ул **моҳ** чиқибон парда кўтарди, боқа қолдим”.² “Эй **моҳи** тобон, зулфи паришон”,³ “Ўртада бир **махваши** сиймин узор истар кўнгул...Жилва қилса дийдаларга равзаи **моҳи** тобон”,⁴ “Зулайҳо дардини ул **Моҳи** Канъонимга еткургай”,⁵ “Эй **моҳи** нозанин, Сани гул бирлан ёд этай”,⁶ “Кўрмакка сани тун-кечалар уйғонадурман, - Эй **моҳи** жаҳоним”⁷, “Эй **моҳ**, нетай, ишқинг ўти айлади расво – девона бўлубман»⁸, Жаҳонни **моҳи** бўлса, норасоға асли дил берма...⁹

Ҳажрингдадур қаронғу, эй **моҳ**, рўзгорим,
Раҳм айла сийнам узра доғ узра доғ дилбар...
Ҳолимни сўрмадинг ҳеч, эй **махваши** шакарлар,
Эй **махваши** шакарлаб, эй шўхи, сийм ғабғаб.¹⁰

Сансиз на қилай ушбу қаронғу жаҳон ичра, -
Сан-сан манга **махваш**,
Жонимни берай айла қабул, эй **маҳи** тобон, -
Жоним санга қурбон...¹¹

Алвидо, эй **моҳи** раҳмат, шаҳри ғуфрон алвидо!
Алвидо, эй раҳмати Ҳақ, моҳитобон, алвидо!..
Бир ажаб **махсан** ҳама **махлар** аро қурбинг азим,
Қайси **моҳ** сан каби соҳиб, хайри эҳсон алвидо!¹²

Бироқ, нима учун бу муаллиф асарни эсдалик ёки ҳолат тарзида эмас, балки қисса шаклида ёзганлиги бироз таажжубли. Балки у шу жанр имкониятлари орқали китобхонларни Машраб шеърларидан ҳам бохабар қилмоқни назарда тутгандир.

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 57-б.

² Ўша асар. 142-б.

³ Ўша асар. 147-б.

⁴ Ўша асар. 421-б.

⁵ Ўша асар. 444-б.

⁶ Ўша асар. 514-б.

⁷ Ўша асар. 338-б.

⁸ Ўша асар. 339-б.

⁹ Ўша асар. 398-б.

¹⁰ Ўша асар. 494-б.

¹¹ Ўша асар. 344-б.

¹² Ўша асар. 140-б.

“Девонаи Машраб” асарида Машрабнинг ёнида юрган Пирмаст Сеторий деган шогирд мақомидаги йигит хусусида ҳам сўз боради, бироқ унинг бевосита бирон асар ёзганлигини, жумладан, “Девонаи Машраб” асарининг муаллифи эканлигини тасдиқловчи бирон бир ҳужжатга эга эмасмиз.

Иброҳим Ҳаққулнинг: “Шарқдаги айрим сўфийлар ва мутасаввуфлар шон-шухратдан қочиб, ёзган асарларига исми шарифларини ёзишмаган”¹ деган фикри мазкур масалага ҳам дахлдор шекилли.

Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш XIX аср бошларида рус шарқшунос олимлари томонидан амалга оширилди. Шўролар даврига келиб шоир фаолияти ва адабий мероси маълум қолип асосида ўрганилиб, асосий эътибор шоир шеърларининг нашрига қаратилди. “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари зарарли, деб топилиб, муаллифи Ҳофиз Рўзибой Машраби Соний эканлиги “аниқланди”! 90 йилларнинг бошларига келиб Жалолиддин Юсупов, Исматилла Абдуллаев каби тадқиқотчилар келтирилган асарларнинг муаллифи Раҳимбобо Машраб эканлигини исботламоқчи бўлишди, бироқ улар томонидан билдирилган мулоҳазалар асосли далилларга муҳтож эканлиги Абдусаттор Жуманазар каби тадқиқотчилар мақолаларида қайд этилди. Демак, ҳозирча мазкур асарлар муаллифи ҳақидаги масала очиқ қолади. “Мабдаи нур” ҳақидаги мулоҳазаларимиз кейинги “Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар” номли монографияда келтирилади.

¹ Иброҳим Ҳаққул. Шекспир машъали. Вильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик, биринчи жилд (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) – Т.: «Фан» нашриёти, 2007. – 7-б.

Иккинчи боб

ШОИР БАДИИЯТИ ВА РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

Тасаввуф таълимоти ва Машраб

*Ваҳдат қўчатини Боязид эққан бўлса,
Мансур Ҳаллоқ уни қони билан сўорди.*

Сўфийлар мутасаввуфлар ҳақида

پای استدالیان چوبین بود پای چوبین سخت بی تمکین بود
*Далилга (ақлга) асосланганларнинг оёғи чўндандур.
Чўн оёқ қаттиқ — бевазминдур.*

Жалолиддин Румий

*Дилда сўфиймизқи, авсофи ҳақиқат биздадур,
Ботинин обод этиб, зоҳирни расво қилгани.*

Раҳимбобо Машраб

Ўзбек мумтоз адабиёти ва унинг вакиллари ижодий фаолиятини ўрганар эканмиз, албатта уларнинг маънавий негизлари, ғоявий асослари ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишимиз ва шундагина кенгроқ хулосаларга келишимиз мумкин. Адабиёт ижтимоий ҳаётнинг бадиий кўзгусидир. У жамиятдан алоҳида, мустақил ҳолда яшай олмайди. Маълум бир халқ, жамиятнинг маънавияти, урф-одат ва қадриятлари албатта санъатга, бадиий адабиётга ўз таъсирини ўтказади ва бадиий тарзда шу санъат асарларида инъикос этади.

Биз мазкур бўлимда Раҳимбобо Машраб дунёқарашига, ижодий фаолиятига, бадиий меросига бевосита таъсир кўрсатган тасаввуф таълимоти ва унинг қаландария тариқати хусусида сўз юритишни мақсад қилдик. Шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бертельснинг (1890 – 1957 й.й.) куйидаги сўзлари Машраб фаолиятига ҳам тегишли: “Тасаввуф адабиётини билмай туриб, Ўрта аср мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Унинг намоёндалари қарийб XX аср бошларига қадар қатор шарқ адабиётларига ўз таъсирини ўтказиб келишди.”¹

Дунёдаги барча фалсафий оқимларнинг ўз назариячилари бўлгани каби тасаввуф таълимоти йўналишларининг ҳам асосчилари бўлишган. Бизнинг вазифамиз , мавзуга боғлиқлигидан келиб чиқиб, мумтоз адабиётга, жумладан, Машраб фаолиятига таъсир кўрсатган, шоир дунёқараши ва ижодининг муҳим омиллари ҳисобланган сўфийлик ва тасаввуф тариқатлари, асосчилари, ғоялари ҳақида мухтасар сўз юритиш, холос. Тасаввуфнинг машҳур вакиллари ва назариячилари қуйидагилардир:

1) Боязид Тайфур бин Исо ал-Бистомий (804 – 874) – тасаввуфнинг “сархушлик назарияси” асосчиси; 2) Абулқосим Жунайд ал Муҳаммад Қаворирий ал-Бағдодий (830 – 910) – тасаввуфнинг “хушёрлик назарияси” асосчиси; 3) Мансур Ҳаллож (858 – 922) – “Анал-Ҳақ” иборасини айтган машҳур мутасаввуф, кофирликда айбланиб қатл этилган; 4) Абусаид Фазлуллоҳ (967 – 1049) – форс тилида ижод қилган дастлабки мутасаввуф шоир; 5) Ал Ғазолий (1058 – 1111) – тасаввуфни қонунлаштирган сўфий уламо; 6) Аҳмад Яссавий (1103 – 1166/67) – турк элидан чиққан дастлабки сўфийлардан бири; 7) Ибн Арабий (1165 – 1240) – “Ваҳдат ул вужуд” ғоясининг асосчиси; 8) Умар ибн ал-Фарид (1181 – 1236) — машҳур араб сўфийси, мистик шоир; 9) Хожи Бектош вали (вафот йили 1270) – машҳур сўфий; 10) Жалолиддин Румий (1207 – 1273) – буюк мутасаввуф шоир ва олим; 11) Баҳоуддин Нақшбанд (Баҳоуддин Муҳаммад бин Бурҳониддин Муҳаммад ал-Бухорий) (1318, март, Қасри-Ҳиндувон – 1389, март, ўша жой) – улуғ шайх, тасаввуфнинг энг машҳур тариқати – нақшбандия асосчиси ҳисобланади (аслида у тариқатнинг фақат бешинчи шайхи бўлган); 12) Саийд Имоиддин Насимий (1370 – 1417) – турк, форс ва қисман араб тилларида ижод қилган машҳур озарбайжонлик шоир ва мистик, ҳуруфизм тариқатининг йирик вакили, шаккокликда айбланиб қатл этилган.

¹ *Бертельс Е. Э.* Суфизм и суфийская литература.– М.: Наука, 1965. – с.54.

Тасаввуф таълимотини бугунги кунда маълум бир қатъийлашган тизим сифатида таърифлаш, унга узил-кесил баҳо бериш ниҳоятда мушкул. Шунини аниқ айтиш мумкинки, тасаввуф ҳақидаги мавжуд кўпгина манбаларда, у хоҳ ўтмишда, хоҳ ҳозирги даврда яратилган бўлсин таълимотнинг умумий моҳияти, тариқатлар тизими ва намоёндалар силсиласи, муршид ва мурид муносабати, сулук босқичлари масалаларида муштарак фикрлар мавжуд бўлса-да, тасаввуфнинг келиб чиқиш тарихи, илдизи ва сабаблари, ҳар бир тариқатнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларда гоҳида чалкаш, бир – бирига зид маълумотларга дуч келамиз. Бунинг асосли сабаблари ҳам бор: Тасаввуф моҳиятининг ўзи Яратганни англашда идрокни, мантикий мушоҳадани ва қатъий қоидаларни, ўз таърифида маълум бир қолипни мезон сифатида қўллашни инкор қиладигандек. Ўз даврида Фаридиддин Аттор айтиб ўтган эди: “Бошқалар нотўғри фойдалангани учун бирон нарсадан воз кечиш, аҳмоқликнинг каттаси бўлиши мумкин. Тасаввуф ҳақиқатини маълум бир ҳукм ёки қоидаларга, қолип ёки анъаналарга мослаб бўлмайди, гарчи у уларнинг барчасида қисман мавжуд бўлса-да.”

Тасаввуф руҳият таълимоти, мураккаб таълимот. Аслида у эзгулик заминида, комил инсон ғояси асосида яратилган. Лекин у шунчалик мураккабки, унга нотўғри муносабатда бўлиш, ўрганувчилар руҳиятининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, бу таълимот негизига чуқур кириб бориш, ҳозирги давр кишиси тушунчаларини ўзгартириши, ижтимоий тараққиётга муносабат масаласида таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Абул-Ҳасан Ал-Хужвирийнинг “Мутасаввуф - ўзи учун ўлиш ва Ҳақ учун тирик бўлиш қасдида курашадиган киши” каби тасаввуфона ғоялар акс этган ҳикматларнинг асл негизини тушунмасдан нотўғри хулосага келиши мумкин.

Ўтмишда тасаввуфни ўрганувчи давр ва тарихий шароит талабларидан келиб чиққан. Қайсидир маънода уларда маърифат касб этишда нисбатан алтернатив йўлнинг ўзи бўлмаган. Келтирганимиздек, биз бу таълимот хусусида, фақатгина Раҳимбобо Машраб дунёқарашига таъсир

қилганлиги сабабли қисман сўз юритишни лозим топдик. Чунки, айрим мактаб дарсликлари ёки нашр бўлган қиссаларда таърифланган Машрабнинг кароматлари, девонавор ҳулқи, қаландарона қиёфаси бепардоз кўринишда келтирилиши мумкинки, бу жиҳат ўрганувчиларда шоир ҳақида нотўғри тушунчаларни пайдо қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Машраб тасаввуф шоири эди. Фалсафашунос Отахўжа Баҳодиров бу хил шоирлар фаолиятига шундай баҳо беради: “Илм-фанга маълумки, IX асрда Ироқда шаклланган диний – фалсафий оқим – сўфийлик ижтимоий нотенгликка, хурофотларга қарши ўт очди. Сўфийлар халқнинг маънавий устозлари ҳатто ўлганларидан кейин ҳам халқ ҳалоскорлари сифатида қадрланар эди. Тарих гувоҳки, Шайх Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Имодиддин Насимий, Фаридиддин Аттор каби улуғ зотлар сўфийликнинг “Ваҳдатул вужуд” оқимида туриб халқ дард-ҳасратларини ошкора баён қилгани, ижтимоий нотенглик ва адолатсизликни қоралаганликлари учун шаҳид бўлдилар”.¹ Дастлабки сўфийлар борлиқ ҳақида абсолют монистик тушунчага келишган, кейинчалик бу тушунча таълимотга айланган ва бу таълимотни ал-Арабий “Ваҳдатул вужуд” деб атаб унинг назарияларини ишлаб чиққан.²

Тасаввуф ёки сўфий терминининг пайдо бўлиши билан боғлиқ кўплаб тушунчалар мавжуд. Уларнинг барчаси ҳақида тўхталишнинг зарурати йўқ. Назарияларнинг ичида энг кенг тарқалгани: истилоҳнинг арабча “сўф” терминидан пайдо бўлиб, жун маносини англатган таърифидир. Кўпчилик сўфийларнинг кийими кўпол матодан, асосан туя жунидан тикилган ҳирқа бўлган. Уларнинг тасавбурида инсон бадани руҳнинг қафаси вазифасини ўтагани учун, у доимий равишда қийноқларга дучор бўлиши, жумладан, кўпол кийим воситасида азобга учраши лозим деб топилган. Юсуф

¹ Баҳодиров Отахўжа. Машраб сабоқлари.//Туркистон.19 февраль, 1991 йил.

² Ибрагим Т. Вужудизм как пантеизм // Средневековая арабская философия. Проблемы и решения. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1982. С. 82

Ҳамадоний айтганларидек: “Сўқир қафасни қуш деб, билади. Кўзи очик одам қафаснинг қуш учун яралганлигини яхши тушунади”.

Яна бир тушунчага кўра, “тасаввуф” юнонча “софос” (донолик”, “донишмандлик”) сўзидан ҳосил бўлган.

Тасаввуф таълимоти ислом дунёсида VIII – X асрларда шаклланиш жарёнини бошдан ўтказган. Бу вақтда у зоҳидликдан ажралиб, диний, фалсафий – руҳий таълимот кўринишига эга бўла борган. Бироқ бу таълимот ўша даврларда ҳам, ўзининг энг ривожланган Ўрта асрлар даврида ҳам қатъий, аниқ - қоидалар қолипига мос келадиган кўринишга эга бўлмади. Таълимотга муршидларнинг қуръон ва ҳадисларни қандай талқин қилишлари, насронийлик, буддавийлик динлари таълимотларидан, юнон фалсафасидан, қадимги зардуштийлар, шомонлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларидан нечоғли хабардор бўлганлиги, қолаверса, ҳар жойнинг маҳаллий тушунчалари, анъана ва қадриятларининг мавжудлиги ўз таъсирини кўрсатди.

"Мен тасаввуфни лашкар тортиб, жанг қилиб киши ўлдириб қўлга келтирмадим, балки очликда ва уйқусизликда, дунёдин илик ювиб ва дўст тутқон нимарсадин юз ўгириб ҳосил қилдим ва қўлга келтирдим" – дейди Жунайд Бағдодий ¹.

Умумий тарзда айтиш мумкинки, тасаввуф – ислом дини талаблари доирасидаги мистицизмга асосланган диний – фалсафий оқимдир. Фикримизча, *тасаввуф кишиларнинг зоҳирий ва ботиний дунёсини покловчи, ёмон ишлар ва ниятлардан қайтарувчи, эзгуликка чорловчи, исломий-маърифий босқичлар асосида “тавҳид” сари инсонни комилликка етакловчи таълимот* сифатида таърифланиши мумкин.

Тасаввуф вакиллариининг асосий маънавий мақсади - руҳнинг тарбияси ва камолоти эвазига Ҳақ билан алоқага эришиш, дийдор ёки висолга етишиш. Нафақат тасаввуфда,

¹ *Остонақулов И.* Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари. – Т., 2007. – 105- б.

балки буддизм, иудаизм, насронийликнинг йирик мистик тизимларида, шунингдек, шомонликда бу хил тушунча ва ўзига хос йўл-йўриқлари мавжуд бўлиб, уларнинг суфизм билан нечоғлиқ боғлиқлиги ҳам назаримизда тадқиқотталаб масаладир.

“Шарқ мутасаввуфлари дунёни билиш, ҳақиқатни тадқиқ қилишнинг уч йўли мавжудлигини асослаб беришган. Булардан биринчиси, ақл йўли. Иккинчиси, сезгига суянган хавос – хослар тариқи. Учинчиси эса, кўнгил йўли.

Қанчалик уринмасин, ақл мантиқ қолипидан четга чиқолмайди. Ақл кўпинча ўзининг маҳдудлиги, хатоси ва такрорланувчанлигини ўзи фаҳмлай олмайди.

“Хавоснинг, билиши ва шаҳодатига ҳам қатъиян ишонч йўқдир, – дейди Ризо Тавфик, - чунки инсон ҳислари қадар ҳуққабоз ва ёлғончи бир шоҳиди воқеа топилмайди. Айтиш мумкинки, энг эътимодли тадқиқ йўли – кўнгил йўли. Кашфи замир – ичкаридагини кашф қилиш деганлари ана шудир”. Шарқ фалсафаси, ислом тасаввуфи, мумтоз адабиётдан Кўнгил сўзини четга суринг, шу заҳотиёқ нури сўниб, уларнинг файзи барҳам топади.”¹

XI асрга келиб тасаввуф расмий диннинг қаршилигига учрашига қарамасдан бутун ислом оламига тарқала бошлади. Унинг кенг тарқалишига асосий сабаб, бу таълимотнинг кенг омма манфаатига мос тушгани бўлди. Айрим зоҳирдаги диний арбоблар, уламолар ислом ҳукмларини ўз манфаатига мослаб фаолият олиб боришаётган бир даврда оддий аҳоли маълум маънода уларнинг измига бўйсунушга мажбур эди.

Табиийки, тасаввуф таълимотининг кунсайин халқ орасида обрўйи ошиб бориши диндан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётган расмий дин вакилларига сира ёқмади. Бу дунё ва у дунё лаззатлари нафақат олий насабларга, балки ҳаммага бир эканлиги, инсонни аждоди эмас, балки унинг амали даражасини белгилаши, диний бидъатларнинг ёлғон эканлиги

¹ Иброҳим Ҳаққул. Буюк қалб муҳаббати. Вильям Шекспир. Сонетлар. (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) Сўз боши. Ўз.Р.ФА Алишер Навоий ном.Тил ва адабиёт институти . – Т.: «VEKTOR-PRESS», 2009. – 7-б.

каби фикрларни олға сурган мутасаввуфлар аслида ҳақ эдилар, бироқ бу ҳақиқатлар айрим диний уламолар манфаатларига тўғри келмасди. Ўртада юзага келган баҳс-мунозараларда мутасаввуфларнинг қўли баланд кела бошлади, бу эса кўпинча кейингиларининг фожеасига олиб келарди. Тасаввуфга ва унинг намоёндаларига қарши қатъий кураш бошланди. Айрим эркин фикр мутасаввуфлар ўз ғояларини турли ташбеҳ ва мажозлар орқали ифода эта бошладилар, айримлари қувғинга олиндилар, баъзилари эса шавқатсиз қатл қилинди.

Тасаввуф исломнинг инсонга бўлган муносабати масаласида маълум бир эркин руҳ олиб кирди. Инсонда “илоҳий руҳнинг зарраси бор”лигига диққат қаратилди ва ҳаттоки мусулмонларнинг зиёратгоҳи Каъба одам кўнгличалик аҳамият касб этмаслиги каби янгича мазмундаги тушунчалар олға сурилди. Бу каби ғоялар аллақандай маълум шахсларнинг илҳоми меваси эмас, балки исломда бор бўлган бироқ юзага чиқарилмаган ҳақиқатлар эди. Мутасаввуф шоирлар бундай тушунчаларни элга осон тушуниладиган бадий тил воситасида етказиб беришди.

Бу таълимот қаерда куртак отса, ўша ернинг маҳаллий қадриятлари, фольклор анъаналари, маросим ва урф одатларини ўзига тўлиқ сингдириб олиб, исломлашган кўринишда яна халққа қайтариб берди.

Туркистонда пайдо бўлган асосий тасаввуф мактабларининг моҳиятида «вахдатул вужуд» таълимоти ётади. Бу таълимотнинг асосчиси Ибн Арабий бўлиб, унинг фикрча, Яратувчи ягона олий борлиқ, у ботинда яширин, кўриб, илғаб



**Мутасаввуфлар рақси.
Мирак Наққош чизган
миниатюра**

бўлмайдиган шаклда, зоҳирда эса ўзи яратган дунёда, энг кичик зарралардан, улкан галактикаларгача турли кўринишда, кўплаб мавжудотларда намоён бўлади. Яратувчи биру бор экан, очун ундан алоҳида, четда бўлолмайди, унинг табиатда, жумладан, инсонларда зарралари бўлади, унинг “кўзгу”си борлик; инсон тафаккури ва онги Яратганни англаш учун мутлақо ожиз. Инсон ўзлигини англагачгина Яратганни англаши мумкин бу эса Оврупо тадқиқотчилари тилида пантеизм номини олган.

Яратувчи қандай идрок қилинади? Сўфийлар бу саволга жавоб беришда икки буюк шайх таълимотининг бирига асосланишган. Биринчи таълимот асосчиси **Боязид Бистомийдир**. Бу тушунча учун “экстаз илҳоми” (ғалаба) ва “Яратганга муҳаббатдан маст бўлиш” (сукра) хос бўлган. Бу икки ҳолатни ҳис қилган мутасаввуф Унинг дийдорига етишади, шахс сифатида ғойиб бўлади ва фанога айланади. Академик Б. Валихўжаев бу ҳодисани “Сен” (Худо) ва “Мен” (банда) ўртасидаги фарқ маълум даражада йўқолади, натижада “Сен” “Мен”га айланади ва унинг “Сен” лиги “Мен” ликка сингиб кетади, деб ҳисоблайди.¹ Бу таълимот намоёндалари пирнинг ҳузурида “самоъ” (*ар.* эшитиш) мажлисларида қатнашишган, улар учун шеърхонлик, мусиқа, рақс базмларини уюштириш одат бўлган. Бу базмларнинг моҳиятини ғайб (илоҳиёт) сирлари ҳақида баҳс-мунозаралар ташкил этган. “Хусусан, сукра-беҳудлик назариясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: сўфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблайдилар”². Бу ҳолатнинг кундалик ҳаётдаги талқинига оид ушбу ҳикоят аҳамиятлидир: *“Бир киши эшик қоқибди. Боязид сўрабди: “Кимни истамоқдасан?” Йўловчи жавоб берибди: “Боязидни!” Боязид жавоб берибди: “Мен ҳам ўттиз йилдан бери Боязидни истаб юрибман, бироқ ҳалигача уни топа олганим йўқ”*. Бунда худди-ки ўрин алмашув

¹ Валихўжаев Б. Сўфия ва тасаввуф. // Зарафшон, 1997 йил, 9 август.

² Комилов Н. Тасаввуф. –Т., 1996. – 159 - б.

ходисаси рӯй бергандек бўлади: шахс илоҳий бўлади, Илоҳ — шахсга айланади. Шу асосда Бистомий тасаввуфнинг “мен сенман, сен эса, мен” назариясини ишлаб чиқади.

Боязиднинг айрим ҳикматлари ва у билан боғлиқ нақллар мутасаввуф ғоясининг моҳиятига ойдинлик киритади:

“ Илон пуст таилагани сингари мен ўзимдан ўзимни олиб таиладим. Моҳиятимга назар солдим ва ...Аё, мен Унга айланибман”.

“Тангрим, менинг мавжуд бўлишимга йўл қўйма! Қачонгача Сен ва мен ўртамизга менинг “Мен”им ҳов бўлади?”. “Бистомийдан сўрашибди: “бирон нарсанинг рӯй бериши банданинг заҳматига боғлиқми?” Жавоб берибди: “Йўқ, лекин заҳматсиз ҳам ҳеч нарсa рӯй бермайди”.

“Қалбингга ғам келса, буни омад деб бил, зеро эрлар ғам туфайли бирон нарсага эришадилар”.

Келтирилганлардан англашиладики, Мансур Ҳаллож “Анал Ҳақ” деганда, янги гап айтмаган, у аллақачон Бистомий томонидан бадий тарзда айтилган назарияни очик “ошкор” қилган холос. Қолаверса, Боязид Бистомий илҳоми жўш урган пайтларидан бирида «Субҳони, субҳони, мо аъзам шоъни» деб юборган («Шарафланганман, шарафланганман, менинг мартаба-шаъним улуғлигига қаранг»). Аслида унинг бундай дейишга ҳаққи йўқ эди, чунки бу Тангрининг сифатларидир. Бироқ Бистомий бу учун жазоланмаган. Мансур Ҳаллож қатлининг асли сабаби бошқа бўлган, унинг “Анал Ҳақ” дегани эса фақат баҳона вазифасини ўтаган кўринади.

Айнан шундай “ошкоралик” расмий дин вакиллари томонидан кескин қаршиликка учраган, баъзи мутасаввуфларнинг қатъий норозиликка сабаб бўлган. “Девонаи Машраб” қиссасида бир воқеа келтирилади: Раҳимбобо Бозор Охун ёнида бўлганда бир аёлнинг олдига боришга ваъда берганини, аёл эса эрини ўтин олиб келишга юборажагини айтади. Бозор Охун унга рухсат беради. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, Машраб ҳеч қандай заифа билан учрашмай, кўча–кўйда шеър айтиб юради. Муршиднинг икки шогирди бу ҳолатни Бозор Охунга етказишади. У эса тиззаларига ўриб «Машрабнинг сири ошкор бўлди» деб афсус

чекади. Демак, тасаввуфда илоҳий сирларни омма учун ошкор қилиш уларнинг қадрини пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин деб тушунилган.

Кейинги таълимот асосчиси *Абулқосим Жунайд Бағдодий* ҳисобланади. У Бистомийнинг сўфийнинг фанога эришиш мумкинлигини инкор этмайди. Бироқ бунга эришишда “Сукра” йўлини эмас, “Саҳв” йўлини маъқул кўради.

Бистомий талқинидаги фано фақатгина оралик ҳодиса эканлигини, мурид йўлини давом эттириши, «хушёрлик»ка эришиши, Яратганни «маст»ликда эмас, балки ҳиссиёт ва сезгиларни тўлиқ назорат қилгани ҳолда идрок қилишни, «фано»га эмас, балки «бақо»га эришиши лозимлигини қайд қилади. Жунайд Бағдодийнинг зоҳирий ва ботиний билимларни келиштиришга, шариат ва тариқатни бир бутунликда билишга оид қарашлари эвазига “саййидут тоифа”, “тожул орифийн” даражаларига эга бўлди. Расмий уламолар ушбу мактабнинг дунёқараши муътадил ва унга бемалол чидаса бўлади, деб ҳисоблашган.

“У (Жунайд Бағдодий-Э.М.)нинг асосий ғояси шундан иборат-ки, инсон руҳий ҳол-мақомлардан юксалиб, Оллоҳ васлига эришганда саҳв, яъни хушёрлик йўлини танлаши керак. Шунда Мансур Ҳаллож каби шариатга ҳилоф гаплар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди. Аксинча, унинг тўғри тарбияланишига хизмат қилади.»¹

Жунайд билан боғлиқ нақллар ва унинг сўзлари:

“Дўст Ҳақнинг қалби – Илоҳий асрор маконидир. Тангри Ўзининг сирларини дунёни севганнинг қалбига жойлаштирмайди”.

“Билгилки, Тангри бандаларининг қалбларига уларнинг не чоғлиқ яқинлашганига қараб яқинлашади. Сенинг қалбингга нима яқин эканлигидан гофил бўлма. ”

“Ҳақиқий бечоранинг қадри, унинг ёрдам сўрамаслигида ва беришаётганда терс қарамаслигида эмас, балки, унга терс бўлишганда – жим туришидадир. ”

¹ Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари (илмий-маънавий мерос). – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 23-б.

“Жунайддан сўрабди: « Қачон қалб таслим бўлади. У жавоб берибди: « Қачон у қалб бўлса.»

“Билим икки хил бўлади: “Ягонанинг моҳиятини англашда кўпликнинг энг сўнгги чегарасига қадар кенгайиш ва кўплик билимидан ягона моҳият сари интилиш.”

Демак, Боязид Бистомий тасаввуф тарихида важдий (иррационал), қалбан билиш назариясининг асосчиси ҳисобланса, Абулқосим Жунайд Бағдодий идрок, илм ва ақлга суянадиган «хушёрлик» (рационал) билиш назариясига яратди ва тасаввуф таълимотини илмий-назарий қарашлар билан бойитишга улкан ҳисса қўшди. Шу хизмати сабабли замондошлари Жунайдни «ақл ҳайкали» деб атадилар.

Тасаввуф тарихини кўздан кечирсак, бу икки назарий оқим кўп асрлар давом этгани ва унинг хилма-хил тармоқлари, силсилаларининг вужудга келишига сабаб бўлганини кўрамиз. Яна шуниси ҳам маълумки, ҳар икки оқимни бирлаштиришга уринганлар ҳам бўлиб турган.¹ Бундай алломалар сирасига Нажмиддин Кубро, Махдуми Аъзам ҳам мансуб.

Кейинчалик пайдо бўлган тасаввуф мактаблари турли кўриниш ва мазмунда асосан юқорида келтирилган икки мактаб таълимотларидан келиб чиқиб ўз ғояларини ишлаб чиқишган ва тариқатларига жорий қилишган.

Барча муршидни ҳам бир даражада деб бўлмас эди, нафс айрим “сохта”муршидларга амалда ўз таъсирини ўтказган. Агар муршид борди-ю ўзининг сулукига тарафдорларни жалб қилиш мақсадида кароматсоҳибликни ихтиёр қилса ва бунда риёни танласа, бунинг салбий оқибатлари албатта ўзини намоён қилади. Яъни Машраб айтганидек:

Куфру иймонни билолмаслар, каромат айлабон,
Тоату тақво билан соҳибриёларни кўрунг.²

Муршид ва мурид ўртасидаги руҳий муносабат имоннинг сусайиш вақтида жуда ҳавфли кўриниш олиши ҳам мумкин эди. Чунки, муршиднинг ўзига ва унинг кароматларига сидқидилдан ишониш, уни нуқсонсиз билиш, ақидаларига

¹ Комилов. Н. Тасаввуф. –Т., 2006. – 38-б.

² Девон. – Т., 2006. – 74-б.

шубҳаланмаслик муридни амалда ўз эътиқодининг толмас курашчисига айлантирарди. Демак, мурид жоҳил муршид кўлида ҳар қандай топширикни бажарадиган қуролга айланиши ҳам мумкин бўлган. Яна бир жиҳат, агар шайхнинг кўнглида олий эзгу истаклари бўлса-да, бироқ, ўзи ақл ва дунёқараши жиҳатидан нокомил бўлса, бунинг албатта муридга салбий таъсири бўлган.

Тасаввуф таълимотини ўрганган европалик тадқиқотчилар орасида айрим муршидлар билан боғлиқ тушунмовчиликлар борлиги қайд қилинган. эътирозларга сабаб бўлган ҳолатлардан бири қуйидагича: Айрим машойихлар тасаввуфда фақирликнинг фахр эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурганларига ва нафсга қарши курашганликларига қарамасдан, оқибатда ер ва моддий бойлик эгаларига айланиб, феодал жамиятнинг тизимига мослашганлар. Шундай ҳолат Ёркент хонлигида қоратоғлик ва оқтоғликлар ўртасидаги муносабатларда ҳам намоён бўлган.

Деярли барча сунний тариқатларда сўфийлар комилликка етишишлари учун “Шариат”, “Тариқат”, “Маърифат” (гоҳида “маърифат” босқичи ташлаб кетилади), “Ҳақиқат” босқичларини босиб ўтишлари лозим топилган.

Бироқ Раҳимбобо Машраб сулукида “Маърифат” босқичи келтирилмайди. Шоир шеърларида уч босқич хусусида сўз юритади, Маърифат ҳақида гап борганда уни «билим» маъносида тушунади:

Шариат ҳам, **тариқат** ҳам, **ҳақиқат** мандадур мавжуд,
Чу султони азалдурман, ки Арши аълоға сиғмамдур.¹
То дилингга **маърифатдин** нури иймон бўлмаса,
Сўфийлар, бир хуға алмашланг ани – дасторни...²
Шариат шарбатин тутган, **тариқат** ҳалқасин тутган,
Ҳақиқат ёрини суйган, разолат кўзини ўйган.

Бу босқичларни босиб ўтишда, айниқса, кейинги икки босқичда, ҳар бир тасаввуф мактабининг ўзига хос жиҳатлари бор.

¹ Девон. – Т., 2006. – 276-б.

² Ўша асар. 100-б.

Машраб фаолиятига, ёки у эътиқод қўйган машойихлар билан боғлиқ мактаблар фаолиятига қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. **Тайфурийа** – тариқат Боязид Тайфур Ибн Исо ал-Бистомий номидан келиб чиққан.¹

2. **Жунайдийа** – Жунайд Бағдодий асослаган тариқат.

3. **Кубравийа** – тариқатнинг асосчиси Нажмиддин Кубро (1145 – 1221). Тариқатнинг асосий моҳияти – ботиний ва зоҳирий таҳорат: рўза, сокинлик, нафси тийиш, рухан Яратувчи ёди билан бўлиш, туш ва ғойибдан келган кароматларни талқин қилувчи комил шайхга итоат қилиш. Тариқатда ранг ва ёруғлик рамзлари тизими амалда бўлиб, бу тизим Ҳақни англаш йўлида бўлган сулукнинг қайси босқичда эканлигини аниқлашга хизмат қилган. Зикр вақтида оқ рангни кўриш исломни, сариқ – эътиқодни, тўқ кўк – илоҳий марҳаматни, яшил – мўътадил тинчликни, мовий – ҳақиқий ишончни, қизил – ғойибдан келадиган билимни, қора – Яратганга бўлган оташин муҳаббатни англатган.

4. **Қассорийа** – тариқатнинг асосчиси Абу Салоҳ Ҳамдун Қассорий (893 й.ваф эт.).²

5. **Қодирийа** – тариқатнинг асосчиси Абдулқодир Гелоний (1077 – 1166). Тариқат ҳар икки; хуфий ва жаҳрий зикрга асосланади. Жаҳрий зикр доира, танбур ва най жўрлигида амалга оширилган. Солик Яратганнинг сифатларини баланд овозда айтган. Бунда у ўзи белгилаган нафас олиш меъёрини бузмасдан, бошини ўнгга – чапга – олдинга – орқага айлантириб, ҳаёлда белгиланган товуш ва сўзларни такрорлаган.

6. **Мавлавийа** — расмий 1240 йилда Куняда Жалолиддин Румий томонидан ташкил топган тариқат. Мавлавиянинг асосида Жалолиддин Румийнинг «учинчи йўл» таълимоти ётади. Мавлавияда жамоа зикрида бошқа тариқатларга нисбатан мусиқа тинглашга, қўшиқ айтишга ва рақс тушишга алоҳида эътибор қаратилади. Мавлавийлар тушунчасида Яратганнинг зарраси инсон юрагидан жой олган. Инсон

¹ Таърифи келтирилмаган тариқатлар уларнинг асосчилари ҳақидаги бўлимларда ёритилади.

² Маломатийлар тариқати ҳақидаги бўлимга қаралсин.

мусиқа жўрлигидаги рақс жараёнида покланиб боради ва оқибатда ўзининг дастлабки асоси билан бирлашишга интилади. Мусиқа ва рақс Яратганга бўлган муҳаббатнинг кучайишига ёрдам беради.

7. Нақшбандийа — Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ тариқат. Дастлаб тариқат «Хўжагон» деб номланиб, унинг илдизлари Юсуф Ҳамадоний ва Абдуҳолик Ғиждувонийга бориб етади.

Тариқат қатъий хуфия зикрига асосланган бўлиб, асосий шиори «дил ба ёру, даст ба кор» (кўлинг ишда бўлсин, юрагинг Ёр (Оллох) да).

Баҳоуддин Нақшбанд Жаҳрия зикри ҳақида «Инкор намекунем ва инкор(а) намекунем» (инкор қилмаймиз ва бу ишни қилмаймиз – Э.М.) деб, муносабат билдирган. Нақшбанд талқинидаги хуфия зикри маълум нафас олиш усули билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилган. Тариқатда чилла ўтириш, дарвешлик, мусиқали ва рақсли зикри самоъ йўқ. XVII асрдан бошлаб айрим дарвеш жамоалар ўзларини «Нақшбандийа» вакиллари деб билишган. Бошқа тариқатларда мавжуд бўлган муршиддан муридга бараканинг кўчирилиш (силсила ал-барака) қоидасини Нақшбанд бефойда машғулот, деб билган. Унинг тушунчасида барака шайх томонидан эмас, бевосита Яратгандан берилади.

Нақшбанд издошлари қуйидагиларга амал қилишлари лозим: руҳий поклик, бойлик ва муҳташамликни инкор этиш, амалдорлар билан алоқага киришмаслик, хуфийлик. Бунда солиқ албатта суннатга амал қилиши ва шариатнинг қоидаларига асосланиши шарт, деб топилган.

Нақшбандийа жамоаси дастлаб шаҳар аҳолисига суянди, кейинчалик кўчманчи эллар орасида ҳам кенг ёйилди. Тариқатнинг фаолияти натижасида ислом бутун Марказий Осиё бўйлаб кенг қулоч очиб тарқалди. Сўнгра бу таълимот Туркияга, Ҳиндистонга ва Итил (Волга) бўйи ҳудудларига ҳам ёйилди.

Маломатийлар

“Маломат” арабча “лавм” ўзагидан келиб чиққан бўлиб, қоралаш, таҳқирлаш маъноларини англатади. Ибн Арабийнинг фикрича, пайғамбарлардан кейинги ўринда маломатийлар, улардан кейингина барча сўфийлар туради. Бироқ, Абдурахмон Жомий ва Сухравардий сўфийларни маломатийлардан олдинги даражада деб билишади. Гоҳида сўфий ёки маломатийлар ўзларини ошкор қилишмаган ёки яширишган. “X асрда Ироқ сўфий мистик мактаблари довуғи бутун ислом оламига ёйилган бўлса-да, маслакда деярли бир хил ғояларга асосланган бошқа минтақалардаги мистик гуруҳлар ўзларини сўфий, деб атамаганлар... Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳаким ал-Найсабурий ал-Байий (в.409/1014) томонидан ёзилган “Тарихи Нишопур” асарида IX – X асрларда Нишопурда яшаган олимлар, уламолар, машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари берилган... Уларнинг бирортаси ҳам сўфий ёки маломатий деб аталмаган. Улар кўпроқ зуҳҳод, уббод ёки музаккирин (зикр қилувчилар) деб аталган.”¹

Маломатийлар X асрда Хуросонда тарқалган тасаввуф тариқатларидан бирининг тарафдоридир. Бу тариқатнинг асосчиси ўз даврининг машҳур мутасаввуфи айти вақтда Қассорийя — тариқатнинг ҳам асосчиси Абу Салоҳ Ҳамдун Қассорий ҳисобланади. Маломатийлар зоҳирда оддий кишилардан унчалик фарқ қилишмаган. Агар борди-ю, улар кишилар томонидан бирор гуноҳкор сифатида халқнинг нафрати ва одамларнинг ҳақорати учраса, бундан хурсанд бўлишган. Маломатийларнинг тушунчасича, барча пайғамбар ва авлиёлар доимо қувғин ва нафратга учраб юрганлар, уларга тақлид қилиб яшаш эса энг тўғри йўл ҳисобланган. Маломатийлар хирқа ёпинишмаган, балки тескари иш тутиб, ҳарбийларга хос кийиниб юришган. Чунки, ҳарбийларнинг олганлари ҳалол маошлар қаторига кирмаган, ўзлари эса доимо халқнинг нафрати ва маломатига қолиб юришган.

¹ Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 29-б.

Тариқатнинг номи шу асосда пайдо бўлган.

Маломатийлар аксар ҳолда таваккулни инкор этишган ва Тангрини доимий ёдда сақлагани ҳолда кунлик эҳтиёжлари учун меҳнат қилиб маош топишни лозим билишган. Қолган вақтларида улар мистик ҳолатга тушиб ўзларининг “ўз”ликлари билан кураш олиб боришган.

Маломатийлар бутун дин аҳкомларини, жумладан, тоат-ибодатни тўлиқ бажарганлар, лекин бу нарсани ташқи оламдан, одамлардан сир тутишган. Маломатийлар тушунчасида, намойишкорона ибодат инсонда риёни ва ғурурни пайдо қилади. Риё ва ғурур эса пок кўнгилга ғубор туширади. Натижада қилинадиган ибодат фақатгина расмийчиликдан иборат бўлиб қолади. Маломатийларнинг асосий шиорларидан бири: “ “Мен икки юзламачи” дейиш, менга “мен икки юзламачи эмас,” дейишдан ёқимлироқ”. Тариқат намоёнчаси Фудайл ибн Ояд шундай деган: “Фиръавндан яхшироқман дегувчининг самимийлиги йўқ”. Ҳамдун Қассорий келтиришича, Ҳасан Басрий ва Умар ибн Абдулазиз ўзларини шундай тутишганки, ҳудди-ки дўзах фақат улар иккиси учун яратилгандек, чунки улар ўзларида ихлосни сезишмаган экан. Демак, маломатийликнинг асосида кўнгилдаги эзгу ишларнинг Ҳақдан ўзгадан яшириш ва одамларнинг маломатларини ихтиёр қабул қилиш ётади. Нажмиддин Комилов фикрича, «Маломатийлар диний расм-русумни тан олмаганларидек, тариқатнинг ҳам одобу қоидалари, расм-одатларига унча риоя қилмаганлар. Чунки, улар ҳар қандай қоида-русумни суратпарастлик, зоҳирийлик деб билганлар. Шунинг учун маломатия назарида тарки дунё қилган зоҳид ҳам, расм-русумга берилган хонақоҳ шайхи ҳам бирдай калтабин ва ҳақиқатдан узоқ кишилардир.»¹

Тошкент ислом университети тадқиқотчиси Нилуфар Тўйчиеванинг келтиришича, “... Маломатийлик нафақат IX, X, ва XI асрларда балки ундан кейинги даврларда ҳам ўз кўринишларини сақлаб қололди. “Аворифул маориф” асарининг муаллифи Шаҳобиддин Сухравардий

¹ Комилов. Н. Тасаввуф. –Т.: 2006. 40-б.

маломатийларни ихлос соҳиблари сифатида кўради. Улар гуноҳ ишлари халқ наздида намоён бўлишидан қочишга уринганлари каби, савобли ишларини ҳам яширишга қаттиқ бел боғлаганлар, дейди.”¹

Машрабнинг бир қанча шеърларида “маломат” га қолиб юриш фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолгандек тасаввур уйғотади. Шоир бир мустазодида “маломат”да қолганлигини шундай келтиради:

Ошуфта бўлуб, зор югуруб ғамзада Машраб, -
Дар кўйи маломат,
Расвойи сари кўчаву бозор бўлубман, -
Овворайи сарсон.²

Машраб фаолиятида тариқатнинг яна бир қанча жиҳатларини кўриш мумкин: жумладан, кадр ва обрўга аҳамиятсиз, ёлғон ва ҳиёнатдан ҳоли бўлиш, номусни пок сақлаш, дунёвий неъматлардан воз кечиш ва жаннат хузурларига бепарво бўлиш; манманлик ва худбинликни синдириш, нафсга қарши кураш ва бошқа жиҳатларга аҳамият берилади.

Раҳимбобо Машраб маломатий бўлмаган, бироқ ундан четда ҳам турмаган. Маломатийа тариқати вакиллари ўзларини халқдан, ижтимоий жараёнлардан, жамиятдаги воқеа-ҳодисалардан ҳоли билишган ва уларга ҳеч қандай аҳамият беришмаган. Ваҳоланки, Машраб фаолияти халқ турмуши билан бевосита боғлиқ бўлиб, оддий эл манфаати учун курашиш унинг бош мақсади бўлган. Машраб оддий халқнинг нафратини эмас, балки ярамас амалдорлар, ришвахўр қозилар ва бидъатчи зоҳидлар нафратини кўзғатувчи сўзлар айтган ва ишлар қилган. Тўғри, халқнинг гумроҳлиги ва ғофиллиги ҳам уни беэътибор қолдирмаган.

¹ Тўйчиева Н. Маломатийлик ҳаракатининг қаландарийлик тариқати билан ўзаро муносабати. 5-6 б. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://www.ziyounet.uz/ru/library/libid/20200/book/34377> . Кириш санаси ва вақти: 01. 01.2013. 12:13.

² Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 345-б.

Қаландарлар

Машраб бир қанча шеърларида ўзини “қаландар” деб атайди ва қаландарлик ҳақида сўз юритади:

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум,
Бихишту ҳуру ғилмонинг пучак пулға сотиб ўттум...¹
Муродингга етай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл,
Ситам аҳлин ютай десанг, қаландар бўл, қаландар бул...²



**Қаландар кийим
ва жиҳозининг
бир кўриниши**

Қаландар ва дарвешларни гоҳида синоним тарзида келтиришса-да, улар бошқа-бошқа тушунчалардир. Қаландарлар “қаландария” тариқатининг вакиллари бўлишса, дарвешлар маълум бир тариқатнинг эмас, балки бир қанча мактабларнинг кезувчи вакиллари ҳисобланган. Жумладан, ўзларини яссавия, нақшбандия, мавлавия, қодирия каби тариқатларга мансуб деб билган дарвеш жамоалари бўлган. Улар ўзларига тааллуқли бўлган тариқатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб фаолият олиб боришган бўлса, қаландарлар фақатгина қаландарлик тариқати ҳукмлари талабларига мос равишда жаҳонгашталик қилишган. Шунингдек, дарвешлар қаландарларга ўхшаш кўркмас, жасоратли, чўрткесар каби сифатларга эга бўлишмаган ёки ўз тариқатлари талабларидан келиб чиқиб бундай сифатларга эҳтиёж ҳам сезишмаган, уларнинг ташқи кўринишларида маълум ўхшашликлар бўлган, холос.

Дарвешлар қаландарларга нисбатан тоат-ибодатга жиддий қарашган. Шу сабаб дастлаб дарвешларнинг обрўйи юқори бўлиб, уларга бежиз «дар-и вай ишан» (Унинг эшиги шулар – Э.М.) номини беришмаган. Машраб бир шеърида шундай дейди:

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 181-б.

² Ўша асар. 124-б.

Агар дарвеш бўлсанг таквию тоатни ахтаргил,
Агар марди Худосан гўшаи узлатни ахтаргил...¹

Қаландарлар ўзларининг қонун-қоидаларига, руҳоний бошқарув силсиласига, хонақоҳ, қаландархона, такъяларига эга бўлишган.

Айрим манбаларда қаландарларни абдол, деб ҳам аташган.

Қаландарлар тариқати XI асрда Хуросонда вужудга келди. Тариқат дастлаб маломатия мактаби билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб борган. XIII асрга келиб Сурия, Кичик Осиё, Мисрда кенг тарқалди. Қаландарларнинг асосий талаби Тангрига таваккул қилиш ва дунё неъматларидан воз кечиш бўлган.

Уларнинг махсус кийимлари бўлган. Бош кийим сифатида кулоҳдан, устки кийим сифатида жанда, долқдан фойдаланишган, белларига белбоғ ўраб юришган. Белбоғларнинг ҳар ўрами қаландарнинг тариқатдаги босқичини белгилаган. Бошқа барча тасаввуф мактаблари вакилларидан қаландарлар ўзига хос, диққатни жалб қилувчи ташқи кўринишлари, ранг-баранг кийимлари билан кескин фарқланган. Жумладан, хирқа узун енгли, жанда калта енгли бўлган, кафанийнинг енги ва ёқаси бўлмаган бироқ бу кийимларнинг матоси муштарак бўлиб, дағал жундан, асосан туя мўйнасидан тўқилган. Айрим қаландарлар кийимларига турли ямоқлар солишган, тумор ва темир тақинчоқлар осиб юришган. Машраб мисолида айтиш мумкинки, Туркистон қаландарларида соч қўйиш расм бўлган. Бунда соч қаландар билан коинот ўртасида робита воситаси сифатида билинган.

Абдурауф Фитрат XV – XVII асрларда яратилган бир қанча ўтмиш манбаларига суянган ҳолда қаландарларнинг бош кийимлари ҳақида сўз юритади² ва кулоҳнинг тўрт хили кенг тарқалганлигини кўрсатиб ўтади. Булар: кулоҳ-амр, кулоҳ-рўят, кулоҳ-субҳоний, кулоҳ-ота. Бу кулоҳлар бир неча тарк(бурчак)лардан иборат бўлган. Қаландарлар форсча

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 402-б.

² *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№ 1.

“тарк”ни сўз ўйини қилиб арабча “тарк” (ташламоқ)қа айлантиришган ва кулоҳларнинг ҳар бир бурчаги қаландарлар тарк қилиши лозим бўлган шартларни ифодалаган. Масалан, кулоҳ-амрнинг тарклари қуйидагилар: ҳаромни тарк қилмоқ, ботил билимни тарк этмоқ, оддий инсоний (мол-дунё орттириш, уй-жой қилиш каби) истакларни тарк этмоқ, моддий нарсаларни ва малакий сифатларни тарк қилмоқ. Қаландарлардан кимки кулоҳ-амрни кийса, унинг санаб ўтилган мазкур шартларини бажариши лозим топилган. Кулоҳи-субҳоний тарклари бахиллик, миннат қилиш, икки юзламачилик ва кибрни тарк қилиш билан баробар бўлган.

Бош кийим масаласида Машраб ва унинг маслакдошлари қашқар муҳитига мос ўзгача йўл тутганлар. Маълумки, Машраб Офок хўжа саройида етти йил бўлган ва пирнинг талаби билан “оқтоғлик”ларга хос оқ кулоҳ кийиб юрган. Бироқ бу бош кийим шоирнинг қайси ёшигача йўлдошлик қилгани аниқ эмас.

Биз Туркистон ҳудудида фаолият олиб борган қаландарларнинг қиёфаси ҳақида сўз юритдик. Бироқ қаландарлар маҳаллий халқлар тушунчалари ва менталитетидан келиб чиқиб ҳудудий ўзгаришларга қараб қиёфаларини ҳам ўзгартиришган.

Айрим қаландарлар мактаблари вакиллари ниҳоятда ажабтовур кўринишга эга бўлган: бошидаги соч, соқол, қош ва муйловларини таг-туғи билан қиришган, ҳиндистон вакиллари эса бунга қўшимча равишда худди фақирлардек оёқ ва қўлларини тешиб, турли тумор ёки тақинчоқлар осиб юришган, кулоқларига сирға, бурунларига халқалар осиб юришган. Фикримизча, бу ҳил қаландарлар асл сўфийлардан кўра кўпроқ ботил қаландарлар сирасига мансуб.

Баъзи ҳолларда кезувчи қаландарлар кўлида ёғоч қилич, шунингдек, болтача, качкул, кадуматбах каби кундалик ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни ёнларида сақлашган. Қаландарлар зарурат туғилганда бошқалар англамайдиган, ўзаро муомалада ишлатиладиган сўзлашув тили “абдол тили”дан ҳам фойдаланишган.

Айрим қаландарлар мачитга ташриф буюрмаётганлиги,

намоз ўқимаётганлиги, рўза тутмаганлиги ва бунинг сабабини илоҳий жамол висолига эришиш учун доимий ҳаракатда эканлигини билдирганлари учун расмий дин вакиллари томонидан танқид қилинган. Пайғамбарнинг “Ўлишингдан олдин ўлгин” деган кўрсатмасини ўзларича талқин қилган қаландарлар бойлик йиғишдан ва уйланишдан парҳез қилишган. Улар асосан жамоа бўлиб юришган, якка ҳолда фаолият олиб бориш анъанавий кўриниш ҳосил қилмаган. Ёлғон ва хиёнатдан чекинган қаландарлар ҳукмдорлар билан дўстона муносабатда бўлишни ўзларига ор билишган.

Зикр – қаландарларнинг асосий мистик вазифаси ҳисобланган. Зикр само – қаландарлар ва турли сулукларга мансуб дарвешларнинг мусиқа ёрдамида мистик ҳолга эришиш воситаси.

Келтирганимиздек, зикр икки йўл билан амалга ошиши мумкин бўлган, ичда ёд қилинадиган хуфий зикр ва овозли жаҳрий зикр. Қаландарлар жаҳрия зикрини айтишган. Жаҳрия зикри вақтида турли ҳаракатлар, томонларга тебранишлар, шиддатли айланишлар амалга оширилган. Вақти-вақти билан талабларга мос махсус куй ва қўшиқлар ижро этилган. Ижодкор қаландарлар бундай ҳаракатларга мос равишда мистик лириканинг энг гўзал намуналарини уйноқи, содда ва халқ оҳангига мос, енгил вазнлардаги шеърларни ижод қилишган. Машраб шеърларининг услубига ҳам айнан мана шу талаб ўз таъсирини ўтказган.

Айрим манбаларда айтилишича, бундай зикрнинг асосчиси Ҳазрати Али ҳисобланади. Бироқ “Тарихи Рашидий”да бошқача маълумот берилган: “Сўфийлар тариқати аҳлининг китоб ва рисолаларида кўрсатилишича, зикр тушишнинг учта усули бор: зикри қалбий, зикри хуфия (паст овозда), зикри жаҳрия (баланд овозда). Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) зикри қалбий билан зикри хуфияни буюрганлар... Зикри қалбийни у мўминларнинг ҳақиқий етакчиси Ҳазрат Абубакр Сиддиққа ва зикри хуфияни Ҳазрат Али разиоллоҳу анҳуга топширганлар.

Зикри жаҳрияни эса тақводор муҳожирлар вақт ва халойиқ талаби ҳамда эҳтиёжига қараб ихтиёр қилишган. Айрим

махсус ҳолатларда Муҳаммад пайғамбар баланд овозда зикр тушганларига асосланиб, улар такбир ва зикрни баланд овозда айтишган, ийди Қурбон ҳайитида, масалан, шундай қилишган”.¹

Жаҳрия зикрининг яна “арра зикри” деган тури ҳам бўлган. Бундай зикр вақтида қаландарнинг махсус ҳаракатлари ва маълум калималарнинг қайта-қайта такрорланиши натижасида томоғидан арранинг товушига ўхшаш овоз чиқа бошлайди. Зикрнинг бу тури пайдо бўлишида Зикриёнинг арраланган вақтида қилган зикри ўз аксини топган, деб тушунилган. Машраб айтгандек:

Бошига арра келди, зикри Ҳақдин бўлмади ғофил,
Худонинг ошиқи ул руҳи Зикриёнинг ҳозир қил...
Ҳар киши дунёга келди, бул балоларни кўрар,
Аррани охир насиби Зикриё қилди фалак...

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо яна шундай дейди: “ Тағин айрим дарвешлар зикр пайтида “калимаи шаҳодат”ни жаҳрия, яъни баланд овозда, хуфия, яъни кўнгилда айтишади. Баъзилар “калимаи шаҳодат”ни тўлиқ ўқийдилар”.²

Айрим одамлар камбағаллиги ёки ночорлиги, очлиги ёки бетоблиги сабаб зикр ёки ибодатдан чекинганлар. Буни тўғри тушуниш мумкин. Бироқ очлик сабаб катта мулло ва муршидларнинг имонига дарз кетган ҳолатлар ҳам рўй берганки, бу ҳақда Аттор ушбу ибратли ҳикоятни келтиради: “Бир фақир бир девонадан сўрабди: “ Аё, олийҳиммат инсон, агар билсанг, менга Яратганнинг энг буюк исмларидан бирини айтгил. У жавоб берибди: “Бу нон, бироқ буни айтиб бўлмайди”. Фақир айтибди: “Сен қанчалик овсар ва нодонсан, қандай қилиб “нон” буюк исм бўлиши мумкин, сенга уят эмасми?” Девона жавоб берибди: “Нишопурда ҳосил бўлмаган йили қирқ кеча-кундуз оч юрдим. Ҳеч қаерда азоннинг овозини эшитмадим, барча эшиклар тақалган эди, ва мен «нон» жамиятнинг ва диннинг асоси, исмларнинг энг буюкларидан эканлигига амин бўлдим”.

¹ *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 583- б.*

² Ўша асар. 581- б.

Ас-Сухравардий каби тасаввуф намоёндалари маломатийлардан фарқли равишда қаландарларни танқид қилишган. Чунки А.Фитрат келтирганидек, “Тасаввуф маслагидан маломатийлар билан қаландарлар орасидаги асосий айирма шундатурким, маломатийлар диний ибодатларни ижро қиладилар, бироқ ижро қилғонларини халқдан яширадирлар. Қаландарлар эсалар тўппа-тўғри диний ибодатлар ва одатларни бузадилар”.¹

Айрим қаландарлар тушунчаларида рухнинг бир жисмдан иккинчи жисмга ёки ҳайвон, ўсимлик танасида кўчиб юришига ишонч мавжуд бўлган. Бундан қаландарликда буддизм, ламаизмнинг учқунлари ўз аксини топганлигини сезиш мумкин. Рухнинг бу тариқа кўчиб юришини тибет руҳонийлари таълимотини яхши тушунган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий” асарида шундай келтиради: “Рух юксакликдан қуйига тушгач, поклиги ва ёрқинлигидан маҳрум бўлиб, ўз – ўзини унутади. Вақт ўтиши билан у тупроқдан баҳра олиб, бирорта тубан даражадаги танага ўтади, гарчи у ўтган тана тубан даражада бўлса – да, у тупроққа аралашиб кетгани учун унда тараққиёт бошланади, чунки рух ҳар бир танада имконияти даражасида ривожланади, борган сари янада тараққий қилишга интилади. Агар унинг ҳаракати мукаммал даражага етса, у бошқа яхшироқ танага кўчиб ўтади”.²

Қаландарлар ҳақидаги ушбу маълумотларни умумлаштириш натижасида Машрабнинг қиёфасини ёши ва мавқеига қараб янада аниқ тасвирлаб бериш мумкин. Бунда айниқса, Машраб илк қаландарлик жандасини кийиб фаолият бошлаган даври билан унинг “бобо” ёки “шоҳ” даражасига етган вақтидаги қиёфаси ўртасида жиддий фарқлар намоён бўлиши назарда тутилмоқда.

Тасаввуфнинг илк босқичларида шариатдан чекинган ёлғон тариқатлар ҳам бўлган. Бу “тариқат” “пир”лари

¹ *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№ 1.

² *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. –Т., 2010. – 593-б.

билимсиз ёки ўта шухратпараст бўлган-ки, улар нафақат инсонларнинг руҳий ва жисмоний камолотига, балки зарарига хизмат қилиши аниқ эди. Улар сирасида Ҳулулия, Авлиёия, Сумраҳия мактабларини келтириш жоиз.

Ҳулулияга мансуб бўлганларнинг таълимотича, киши қайси жинс вакили бўлишидан қатъий назар аёл ёки эркакка тикилиши, бирга рақс тушиши ҳалол саналган. Авлиёия таълимотида, пирлар авлиё даражасига етгач, шариатнинг ҳукмларидан озод бўлиши ғояси ётади. Сумраҳия мактаби назариясига кўра, Яратганнинг дўстига айланган киши намоз, рўза каби шаърий ҳукмлардан соқит бўлади.

Қаландарлар жамоаси XX аср бошларига қадар Марказий Осий ҳудудида ҳам фаолият олиб боришган. Шу жиҳатдан Фитратнинг ушбу маълумотлари аҳамиятли: «Қаландарлик мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнг кунларгача давом қилди. Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқарисида «қаландархона» номида боғ ҳолига келтирилган бир жой бўлар эди. Қаландарлар шу ерда турар эдилар... Ораларидан энг яхши товушлиси шу куйларда Яссавий, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқур ва бошқалари унинг нақоратини қайтариб турар эдилар. Ораларидан бир бошлиқлари бўлиб, мунга “бобо” дер эдилар. Тиланчилик чоғида пулни шу боболари терар ва шундан уларни таъмин қилиб турар эди”.¹

А. Фитратнинг қаландарларга берган таърифида бироз замонасозлик борга ўхшайди. Машраб каби чин қаландарлар тиланчилик қилишмаган. Оташюрак қаландарни саҳоватли халқнинг ўзи бенону туз қўймаган. Меҳнат билан маош топиш керак бўлса, даврининг энг катта меҳнатини Машраб қилган эди, шу меҳнат заҳматини ҳам Машрабнинг ўзи тортди.

¹ *Фитрат А. Машраб* //Илмий фикр.-1930.-№ 1.

Қиссаларда Машраб қиёфаси

Қиссаларда Машраб қиёфаси уч хилда намоён бўлади: 1. Тарихий қиёфа; 2. Бадиийлик аралашган қиёфа; 3) Соф бадиий қиёфаси. Қуйида шоир сиймоси акс этган сюжетларни шу уч турга бўлиб ўрганамиз.

“Девонаи Машраб” қиссаси нусхаларида Машраб қиёфаси аниқ ва равшан тасвирланган жойлари анчагина: *«Бир йигит энди мўйлаб сабз қилган, қави ҳайкал, сару по бараҳна, кўзларидин ўт чиқиб турубдур. Мундоқ девонани ҳеч киши кўрган эмас»*¹, ёки *«Кўрдилар-ки, бир қаландари қави ҳайкал, қизил юзлук, шаҳло чаим, пайваста абрў, сочлари фатила-фатила гарданларига тушган, муҳаббат майиға гарқ бўлган, итларини бўйнида олтун халқа уруғлук халойиқ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар.»*²

Машрабнинг ушбу чизилган сиймоси тарихийликдан йироқ улар қиссанависларнинг бадиий тўқималари махсулидир, деган фикрлар бўлиши мумкин. Чунки, халқ китоблари қаҳрамонлари қиёфасини чизаётган ровий юқоридаги баён услубида сўз юритади. Масалан, “Қиссаи Иброҳим Адҳам” китобининг бош қаҳрамони Иброҳим Адҳам қиёфаси қуйидагича чизилган: *“Ҳазрати султонни кўрдиларким, ажаб девонаи шўрида ҳол ва ишқу муҳаббати худога баркамол, бошдин оёғи оташи ишққа гарқ бўлган”*.³

Иброҳим Адҳам. Тарихий шахс (вафоти милод. 777-778). Унинг дастлабки сўфийлардан бўлганлиги, шарафли унвони Абу Исҳоқ номи ва нисбати Иброҳим Адҳам бинни Мансури Балхий эканлигини адабиётшунос олим Қ. Тоҳиров у ҳақдаги қиссага ёзган сўзбошида келтириб ўтади.⁴

Иброҳим Адҳам ва Раҳимбобо Машраб сиймолари таърифидаги ўхшашлик табиийдир. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи, сулуки ва эътиқоди муштарак бўлган. Бизнингча,

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 31- б.

² Ўша асар. 99 - б.

³ Қиссаи Иброҳим Адҳам. Хувайдо, Достони Иброҳим Адҳам (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Қ.Тоҳиров). – Самарқанд.: Зарафшон, 1993. 39-40 - б.

⁴ Қиссаи Иброҳим Адҳам. 1993. 3-б.

юқорида келтирилган Машраб сиймосини халқ китоблари анъанаси ёки хаёлий тўқима сифатида қабул қилиш ярамайди. Борлиги гумон бўлган Исҳоқ Боғистонийнинг “Тазкираи қаландарон” асарида шоир қиёфаси “Девонаи Машраб”дагидан анча замонавий тилда таърифланган: *“Раҳимбобо шартаки, айтмиш сўзидан тонмас, баланд бўйли, сарви қомат, кенг пешона, сочлари фатила-фатила, ола кўзларидан мудом ўт чақнаб, назари тушмиш кимсани жону жаҳонини ўртаб юборгудек. Вужуди, наинки вужуди, жумла йўқу бори гўё ашъор оташига йўғрилуб, мудом шу отаида куюб ўртангувчи эрди. Ва хушовоз хонанда, сетор ва танбурни бағоят нозик ва нафис чертар эрди. Раҳимбобонинг ҳақ сўзи, отаинок ашъори нопок дилларни куйдургувчи эрди”*.¹

“Девонаи Машраб” қиссасида унинг қиёфаси икки йўл билан яралган. Биринчиси, шоир сиймоси бирдан, бир жумлада таърифланиб, бунда асосан Машрабнинг юзи, кўзлари, сочу, қошлари, чизиб берилади. Лекин бўй-бастининг кўриниши, уст-боши ҳақида бу хил лўнда маълумот йўқ. Машрабнинг ташқи қиёфаси бошқача йўл билан аниқланади. Агар диққат қилинса, Раҳимбобонинг Қашқарга борганидан то қатлигача бўлган даври тасвирида унинг кийимлари устида ҳам гап боради. Машраб бошида қаландарларнинг кулоҳи ва устида жанда ёпингани ҳолда кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Тан олиш керакки, Машрабнинг “қизил юзи”, “ола кўзлари”, “фатила-фатила сочлари”, шунингдек “шартаки”-лиги ва “девона-феъл”лиги унинг бошидаги кулоҳи ва устидаги жандаси билан ниҳоятда уйғунлашиб, ажиб бир қаландарнинг қиёфасини ҳосил қилади.

“Девонаи Машраб” қиссасининг мавжуд нусхалари бадий асарга айланиб улгурганлиги сабабли, баъзан шоир қиёфаси ҳам бадийлаштириб юборилади: *“Муллолар кўрдиларки, бир қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари фатила-фатила гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уруб келадур”*² ёки *“Шоҳ Машраб тезлик бирла ўзларини эшакдин*

¹ Боғистоний, Исҳоқ. Тазкираи қаландарон. //Шарқ юлдузи.-1990. - № 8., 154-б.

² Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 156-б.

ташлаб қочтилар. Шоҳ Машираб шул қочгонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар”¹ ёки *“Ҳазратим чиқиб кўрдиларки, Маширабни қўли орқасига боғланган, арғамчини бир учи гарданига, яна бир учи итни гарданига боғланган ушбу ҳолда кўруб табассум қилдилар*”.²

Раҳимбобо Машраб ҳақиқатан ҳам тили бошқа-ю дили бошқа муллолар билан мурасасиз бўлиб, уларни танқид қилиб юрган, Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон билан мунозара қилиб зиддиятга боришдан ҳам тоймаган, шунингдек, қиссаларда Машраб Офок хўжадан гуноҳини сўраб, пири даргоҳига борганлиги келтирилган. Бу уч воқеа Машраб ҳаётида катта аҳамият касб этган. Шу сабабли ровий мазкур воқеаларнинг янада қизиқарли ва таъсирли чиқиши учун ўз фантазияси билан уларни қайта ишлаган, воқеага қўшимча тасвирлар (Машрабнинг эшакка тескари миниши, ипни ўзининг ва итнинг бўйнига боғлаши каби) киритиб бадиийлаштирган. Натижада тарихий омил бадиий талқин орқали янада мазмундор чиққан.

Қиссаларда яна бир хил Машраб қиёфаси тасвирланадики, улар батамом тарихийлик мезонидан чиқиб, соф бадиий тўқима сифатларини касб этади. Буларнинг айримларини келтириб ўтамиз: *“Шоҳ Машираб либосларини ҳар ерда ожиз, бараҳналар бўлса анга берур эрдилар. Анолари йиғлаб айдиларки: “Эй нури дийдам, болам, сизга неча орзулар бирла либос қилиб берсам на учун киймайсиз?” Шоҳ Машираб айдилар: “Эй ано, сиздин таваллуд бўлгонда либосим бор эрдиму?” Анолари айдилар: “йўқ”. Шоҳ Машираб айдилар: “Яна бараҳна кетарман”*.³ ёки *“Анда қаландарлар айдилар: “Бизлар Маширабни яхши тонурмиз. Уч кундурки, бизлар ани кўзумиз бирла кўруб келдук. Хирот даштида кафанлари бўйинларида итларини кейинларига солиб, Маккаи мукаррамага кетиб бородурлар”*.⁴ Биринчи парчанинг

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 157-б.

² Ўша асар. 63-б.

³ Ўша асар. 12-б.

⁴ Ўша асар. 165-б.

моҳияти шуки, Машрабнинг ҳаёли доимо яратувчида бўлганлиги учун у бошқа моддий истакларни лозим кўрмайди. Қиссачининг мақсади асарга бу тасвирни киритиб, Машрабни оддий одам эмас, балки авлиё бўлганлигини таъкидлашдир. Иккинчи ҳикояда Машрабнинг қатл этилгандан кейинги Макка “сафари” ҳақида сўз бормоқда. Бу лавҳа Машраб сиймосининг халқ орасида ниҳоятда шуҳрат топганлигини яна бир карра кўрсатади. Ровий бу ўринда шоирга ўлгандан кейин ҳам жон киритиб, унинг руҳини ўлдириб бўлмаслигини, унинг каромати ҳали давом этажагини кўрсатмоқчи бўлади.

Бу қиссаларда Машраб қиёфаси ҳам тарихий ҳам бадиийлик мезонлари асосида талқин этилган. Қиссалардан бемалол унинг ҳақиқий сиймоси, хулқи ва афт-ангори ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу нарса агар ҳозирги замон мусаввирлари томонидан эътиборга олинса яхши бўлар эди. Шунда ажаб эмаски, Машраб сиймоси умумий мезонларга мос тушадиган оғир вазминли нуроний чол қиёфасида эмас, балки қиссаларда таърифланган ҳақиқий қиёфада акс этишга муяссар бўлинса.

Руҳият ва бадиият масаласи

Раҳимбобо Машраб руҳий дунёси унинг қиёфаси сингари ниҳоятда сержило ва диққатга моликдир. Машраб тасаввуф таълимоти йўналишларидан бири-қаландария тариқатининг йирик вакили бўлганлиги ҳақида юқорида сўз юритдик. Унинг бутун ҳаёти, ижоди ва маънавий дунёси ушбу таълимот таъсирида шаклланган, десак хато қилмаймиз. Унинг руҳий олами, бадииятдаги инъикоси ҳақида сўз юритар эканмиз, уни тасаввуф таълимоти билан боғлиқ равишда ўрганишга ҳаракат қиламиз. Машраб туғилишидан то қатлигача бўлган ҳаёти давомида мутасаввуф валий сифатида талқин этилган. Табиийки, Машраб руҳияти унинг ёшига қараб ўсиб ва бойиб борган. Биз Машраб дунёси ва унинг қиссалардаги инъикоси масаласига оид сўз юритар эканмиз, уларни шоир ҳаёт йўлини кўрсатувчи сюжетлар асосида талқин қилиб боришни маъқул топдик. Бунда биз “Девонаи Машраб” қиссасининг 1992 йили

нашр этилган (нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Рафъиддин, Мухаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли) “Қиссаи Машраб” нусхаси¹ ва шахсий кутубхонамиздаги энг тўлиқ қўлёзма нусха асосида² сўз юритамиз. Асар халқ китоблари анъанасига мувофиқ куйидагича бошланади; “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... *Ноқилони ахбор андоғ нақл қилурларки, шоҳ Машираб вақтеки, анодин таваллуд топиб, вужудга келдилар, валийи модарзод эрдилар. Аммо Наманган шахридандурлар. Худойи таборак ва таоло азал кунда руҳларини ошиқ яратибдур. Шул важҳдин айтгон байтлари ошиқонадур.*

Алқисса, шоҳ Машираб аноларини қоринларида етти ойлик ҳомилада эрдилар, ҳануз ер юзига келганлари йўқ эрди. Бир кун анолари икки тўта ип олиб нафақа учун бозорга бордилар. Кўрдиларки, икки дона узум ерга тушибдур, ани ердин олиб оғзиларига солдилар. Ул ерда бир бакқол узум сотиб туруб эрди. Маширабни анолари ҳануз икки қадам қўйгонлари йўқ эрдики, қоринларидин овоз келди: “Эй ано, Худодин қўркмай, махлуқдин уёлмай, кишини ҳақини нима деб едингиз? Агар шул узум эгасини рози қилмасангиз, қорнингиздин зойиб бўлуб кетарман”, - дедилар. Анолари бу сўзни эшитиб, беҳуш бўлуб йиқилдилар”.³

Қисса туғилмаган Машраб руҳининг ошиқ бўлиши ва унинг ҳаромдан ҳазар қилиши воқеаси билан бошланаяпти. Тор маънодаги ошиқлик нуқтаи назаридан олиб қаралса, бирон-бир хулосага келиш қийин. Чунки дунёвий ошиқ-маъшукликнинг даври тахминан 18 ёшлардан кейин бўлиши ва бу ҳолат одатда ёш бир оиланинг пайдо бўлишига олиб келиши керак.

Ислом теологиясида дунёнинг асоси ишқ бўлганлиги, муҳаббат туфайли олам яралганлиги асосий мазмунини ташкил қилади. Ишқ илоҳий неъматдир. Бу неъмат ҳар қандай одамга ҳам насиб этавермайди. Ишқ қудрати олдида ҳатто ақл ҳам ожиздир. Мутасаввуфлар агар инсон яратувчи ва борлик

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 176-б.

² Девонаи Машраб. Шахсий кутубхона. Б-234

³ Ўша асар. 47-с.

ҳақида мантиққа асосланиб фикр юритса, унда атрофини ўраб турган очундан нарини билишга, руҳият дунёси, олами ғайбни кўнгулдан сезишга имкони бўлмайди, деб билишган. Шу сабабли Жалолиддин Румий “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» деганлар. Ишқ руҳни тарбияловчи, йўналтирувчи кучдир. Ошиқ доимо ўз яратувчиси томон интилиши, бунда эса ҳар қандай моддий-нафсий талаб-истаклардан воз кечиши керак. Аёллардан чиққан биринчи сўфий Робийа Адавийа (713/4–801) ишқни: Ҳар бир ошиқ ўзининг маъшуқаси билан висолга етди, мен эса Сен билан бир ўзим. Аё, Тангрим, агар мен Дўзах ўтидан кўрқиб Сенга хизмат қилаётган бўлсам, мени унда куйдиргил, агар жаннат таъмасида бўлсам, мени ундан чиқариб, ҳайда. Агар мен Сен учун Сенга хизмат қилаётган бўлсам, унда ўзингнинг мангу гўзаллигингни мендан яширма... Тангрига бўлган ишқ мени шунчалик эгаллаб олдики, менда Ундан бошқани севиш учун ҳеч нарса қолмади!.. Менинг борлигим тугади ва ўзимдан ўзим ажралиб чиқдим. Мен Тангри билан бирлашдим ва бутунлай ўзимни унга топширдим, дея янада чуқурроқ талқин қилган.

Имтиҳон вазифасини ўтовчи бу ўткинчи дунё манфаатларига алданиб, ҳақ ва халқдан йироқлашиш, нафс истакларига мағлуб бўлиб ноқонуний йўллар билан бойиш, семириш, маишат қилиш, бунинг учун ёлғон гапириш, ўғрилиқ, ҳаромхўрлик қилиш каби нафсоний истаклардан тийилиш лозим экан. Қиссада айтилишича, Машраб она қорнида эканлигида унинг руҳи ошиқ бўлиб яратилган. Қиссачининг ушбу сюжетни келтиришдан мақсади Машрабнинг катта бир авлиё эканлигини кўрсатишдир. Бу ерда асосий урғу туғилмаган боланинг жисмига эмас, балки руҳият поклигига, имон софлигига қаратилган. Яратувчи Машрабни мурғаклигиданок ўзига ошиқ қилиб яратган экан, демак унинг руҳи туғилмасдан ҳар қандай моддий истаклардан воз кечган. Ошиқнинг дарди – висолга эришиш. Илоҳий ишқ уни зарпечакдек ўраб олган. Узум билан бўлган воқеа эса ушбу сюжет билан мантиқий боғланади, яъни илоҳий ишқ билан пок бўлган инсон ҳар қандай ҳаромдан тийилибгина қолмай, керак бўлса нобуд бўлишга ҳам, ғойиб бўлишга ҳам

тайёр. Машраб бировнинг ҳаққи қиёмат қарз эканлиги учун ўзини ҳамда онасини гуноҳдан сақлаб қолади. Бу эса Машрабнинг ҳалоллик ва покликка эгалиги – эътиқод-имони нечоғлик мустақкамлигини исботловчи ҳужжатдир. Беихтиёр халқимизнинг оналар қорнида болаларнинг йиғлаши мумкинлигига ишониши ва йиғлаган болага Машраб деб исм қуйиши бежиз эмаслиги ёдга тушади.

Воқеа давомида Машраб тўққиз ойлик бўлганда таваллуд топади ва *“...бу гўдакни етти кунлик бўлганда бешикка солдилар. Отларини Раҳимбобо қўйдилар. Етти ёшига етганда хатна қилдилар”*.¹ Агар бу ерда Машрабнинг етти ойлик бўлганда она қорнида туриб гапиришини эсласак, унда етти рақами кетма-кет уч марта такрорланганлигини кўришимиз мумкин. Шарқда етти сони рамзий маъно ифодаловчи хосиятли рақам сифатида талқин қилинган. 7 рақами комил рақам, чунки у тўлиқ тоқ бўлган 3 рақамидан ва тўлиқ жуфт бўлган 4 рақамидан ҳосил бўлган. Абу Исҳоқ деган файласуф ўзининг “Ҳафт боб” асарида 7 рақами билан боғлиқ қуйидаги ҳодисаларни санаб ўтади: 7 осмон, 7 сайёра, 7 қават ер, 7 денгиз, 7 иқлим, 7 шамол, ҳаф-танинг 7 куни, тананинг 7 аъзоси (2 қўл, 2 оёқ, 2 тизза ва юз), ички аъзолар (мия, юрак, жигар, ўт халта, талоқ, ўпкалар, буйраклар), 7 қабул қилувчи куч, 7 овқат ҳазм қилувчи куч, ҳомила ривожининг 7 босқичи, одамнинг 7 ёши.²

Аслида тоқ бўлган биринчи рақам 1, жуфт бўлган рақам 2. Бир энг кичик натурал сон, ундан санокни бошлашади. Кўплаб халқлар маданиятларида бир рақамини алифбонинг биринчи ҳарфи, ёки эни, ёки бўйига чизиқ акс эттирар эди. Қадимги Хитойда бир рақами эркак аввалининг рамзи бўлган ва омадли рақам деб билинган. “Ўзгаришлар” китобида бир рақами осмоннинг рамзий беш рақами сирасига киради. Дао таълимоти буйича, Дао бир рақамини пайдо қилган, бир икки рақамни ҳосил қилган, икки рақам уч рақамини вужудга

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 8-б.

² Пять философских трактатов на тему "Афак и Анфус".-М.: Наука, 1970. – с.-59

келтирган, уч рақами эса ҳамма нарсанинг манбаи ҳисобланган. Буддизмда бир – Драхманинг рақами. Бир рақами доимо ҳамма нарсанинг аввали ва биринчи сабаби сифатида монотеистик динларда муҳим ўрин тутган. Яҳудийликда бир – Яхвенинг рақами, дастлабки ҳаракат ва яратиш рамзидир. Насронийликда – Илоҳий Ота тимсоли.

Ислом таълимотида бир сони «ваҳдат»нинг белгисидир, яъни ягоналик фақатгина Тангрига тегишли, ундан ўзга илоҳ йўқдир. Демак, 1 сони одам-олам, макону замон билан боғлиқ асосий масалани, яъни яратувчининг сифатини очиб бериш учун хизмат қилар экан.

Арабча икки рақами иккита бир рақами бирикувидан ҳосил бўлади. У биринчи жуфт рақами ва биринчи бўлинадиган сон. Барча жуфт рақамлари сингари икки рақами аёл сон. Ниманидир тенг иккига бўлиш – ҳаққонийлик ва одиллик рамзидир. Бу рақам доимо дуализм, жуфтлик, иттифоқ, моддий ва маънавий дунёлар зиддиятини, тескари қутблар курашининг тимсоли бўлган. Қадимги ҳинд фалсафасида бу рақам инсонни йўқликдан сақлаган, осмон ва ернинг бир вақтда яралганлиги рамзи деб билинган. Хитойда икки – омадли рақам. Бироқ, ўтмишда бир сони каби икки ҳам рақам саналмаган. Ханларнинг фикрича, барча яхши нарсалар ўз жуфтига эга. Эркак – аёл жуфтликни ҳосил қилади. Икки – аёл аввалининг ва Ернинг рамзи.

Грек мифологиясида Гермафродит икки жинсли маҳлук бўлган. Қадимги Римда, Юпитер култининг пайдо бўлишига қадар, само маъбуди икки юзли Янус саналган. У эрталаб қуёшни қўйиб юбориш учун осмон эшикларини очган, кечда эса ёпган. Келтирилшича, Януснинг бир юзи ўтмишга, иккинчиси келажакка боқиб турган. Икки рақами дуалистик динлар асоси. Яккахудоликка асосланган динлардан фарқли улароқ уларда икки асосий маъбуд бўлади. Жумладан, зардуштийликда эзгулик маъбуди Ахурамазда ёвузлик тимсоли Аҳриманга қарши кураш олиб боради. Кўпгина маданиятларда нариги дунёнинг икки - жаннат ва дўзах талқинлари мавжуд.

Икки рақами санокда биринчи жуфт рақамидир.

Бизнингча, бу сон яралган оламнинг асосий белгисини билдирувчи рақам. Моддий оламда барча нарса ва ҳодисалар жуфт яралган. Оламнинг ва одамнинг таркибини ҳосил қилган барча нарсалар шу ўлчамлар асосида ўлчанади. Хитой, япон ва корейс халқларининг қадимги фалсафий тушунчаларига кўра

бутун олам икки қарама-қарши – **инь-ян**  (陰陽, 阴阳; *yīn yáng*;) ёки ўзбекча айтганда “оқ” ва “қора” кучлар ўртасидаги курашга асосланади. Бунини ҳаётдаги *ёруғлик* ва *зулмат*, *кун* ва *тун*, *қуёш* ва *ой*, *осмон* ва *ер*, *иссиқ* ва *совуқ*, *тоқ* ва *жуфт*, *эр* ва *аёл* каби тушунчалар ўртасидаги муносабатда кўришимиз мумкин.

Рақамлар ҳақида сўз борганда бир сони Машраб руҳияти учун ниҳоятда улуғ сон бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ислом дини таълимоти бўйича исломгача маълум маънода яратувчининг ягоналигига путур етган. Мусулмонликнинг асосий шартин ҳам, яъни Яратгanning ягоналигини тан олиш шу заминда пайдо бўлган десак, хато қилмаймиз. Бу нарса бадийий ҳолда “Девонаи Машраб” қиссасида акс этган: *“Андин сўнг (Машрабни) мактабга бердилар. Устозлари айдилар: “Эй ўғлум, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, “Алиф” денг”. Шоҳ Машраб “Алиф” дедилар. Устозлари “Бе” денг”-дедилар. Шоҳ Машраб устозларидан сўрдиларки: “Алиф”ни маъноси нима ва “Бе”нинг маъноси нимадур, “.* Устозлари аччиғланиб дедиларки: *“Эй баччаи нодон, сан ким? Бу маънини сўрамоқ ким?” Шоҳ Машраб айтдилар: “Эй домла, “Алиф”ни маъносини сиз айтмасангиз, ман айтарман”. Устозлари айдилар: “Эй ўғлум, “Алиф”ни маъниси нимадур?” Шоҳ Машраб айдилар: “Домла, “Алиф”ни маъниси бирдур. Ул сабабдин “Бе” демасман. Мундин ўтмак хатодур”.¹ Бизда мавжуд қиссанинг қўлёзма нусхасида Машраб “алиф”ни янада аниқроқ ифода этади: “Эй домуллом, “Алиф”ни маъниси бирдур, яъни Худой таоло бирдур”.²*

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 8-б.

² Девонаи Машраб. Шахсий кутубхона.4-б.

Бу хил сюжет “Қиссаи Саид Насимий”¹ асарида ҳам мавжуд. Унда айтилишича ёш Насаб (Насимий) мактабга ўқишга боради. Шунда мактабдор ва Насаб ўртасида қуйидагича айтишув бўлиб ўтади:

Тилга жорий қилди ул “Алиф”ни,
Ўкутмоқ учун ул дамда Насабни.
Насаб “Алиф” деди, анга баробар,
Деса муллоси “бе” деди саросар.
Яна такрор айтиб қилди адо,
Насаб на дерини қилди зиёдо.
Ки ҳаргиз “Бе” демас, урди юзига,
Тўлиб хонабодек бошу кўзига.
Деди муллога ўлтирсанг ўзумни,
Демасман ул сўзинг эшит сўзимни...

Ровий бу асарда Насимий ва домла ўртасида келиб чиққан тортишувда Насимийнинг “хуруфий”чи бўлганлигини таъкидламоқда. Лекин Раҳимбобо “хуруфийлик” таълимоти вакили бўлмаган ҳолда “Алиф” ҳарфидан сўнг “Бе” ҳарфини айтишдан бош тортади. Назаримизда бунда икки шоир ички дунёси, руҳиятининг нақадар муштараклигига қиссачи томонидан шаъма қилинаяпти.

Уламолари фикрича, “Алиф – Оллоҳ, Лом -Жаброил, Мим - Мухаммад аллайҳисалом” маъноларини англатади. Машраб эса “ Эй – алиф, илми қадиминг олоъи Мухаммад”. – деб, келтириб ўтади.² Машраб ва Насимийга нисбат берилган юқоридаги ҳикояда ҳам “Алиф” ҳарфига шундай маъно берилган. “Бе” ҳарфини айтмасликдан мақсад албатта, илм олмаслик деб тушунмаслик керак. Бу ерда “Бе” ҳарфи шартли равишда айтилмаяпти, чунки бу ҳарф абжад ҳисобида икки маъносини беради. Машраб ижодида араб ҳарфлари таърифига бағишланган мисралар кам эмас. “Машрабда “хуруфи ҳижо”да ёзилган шеърларнинг сони тўрттадир. Булар ғазал, мустазод, мухаммас ва маснавий йўлларида ёзилган.

¹ Раҳматли устозим, адабиётшунос олим Қобилжон Тоҳировнинг шахсий кутубхонасидаги нусхадан фойдаланилди, «Қиссаи Саид Насимий»дан деб келтириладиган парчаларнинг барчаси шу нусхадан олинди.

² Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 330-б.

Ғазалда ҳуруфи ҳижоларнинг тартиби қуйидагича:

Эй – алифдек қоматингдин ибтидо қилдим букун,
Бе – балойи доғи дардинг дилга жо қилдим букун.
Те – тиловат қилгай эрдим ояти рухсоринги,
Се – савоби хатми Қуръон интиҳо қилдим букун”.¹

Шунингдек, «Сад ҳазорон илм ўқуб мен бир “Алиф”га лолман» деган ва ваҳдат мушоҳадасига берилган Машраб учун эса икки рақами ҳеч ҳам манзур эмас.

Биз юқорида Машраб қиёфаси ҳақида сўз юритганимизда бир кўриниш устида тўхталгандик, унда Раҳимбобо онаси олиб берган кийимларни кийиш ўрнига яланғоч бечораларга бераётганлиги ҳикоя қилинади. Шунда оналари айтадиларки; *“Эй нури дийдам, болам, сизга неча орзулар бирла либос қилиб берсам на учун киймайсиз?”*. Шоҳ Машраб айдилар: *“Эй ано, сиздин таваллуд бўлгонда либосим бор эрдиму?”* Анолари айдилар: *“Йўқ”*. Шоҳ Машраб айдилар: *“Яна барахна кетарман”* -дедилар.² Бу ерда маълум маънода муболаға бордек туюлади. Аслида эса ёш Раҳимбобонинг бу хил юришида маълум маънолар бор. Биринчидан, асарда Машраб лақабига мос тарзда девонавор қилиб тасвирланаяпти, унинг кийим киймай юриши оддий одам тасаввурига тўғри келмайди. Иккинчидан эса, Машрабнинг бу фоний дунё манфаатларидан воз кечганлиги, ҳақдан ўзгани ўйламаслиги ва охират ғамида бўлганлиги бўртиб кўрсатилаяпти. Маълумки, чақалоқ дунёга келганда ҳеч қандай либоссиз бўлади, унга кийимларни шу дунёда кийгизишади. Шунингдек, инсон бу оламдан ўтгандан сўнг қиёмат куни яланғоч ҳолатда туради. Учинчидан, Машраб қаландарийа тариқатининг вакили. Бу тариқат вакиллари чиройли, бежирим кийимларни инкор этишган, улар номигагина баданини яшириб туриш учун қўпол жунли матодан тикилган кийим кийишган. Бу ҳолат ҳам юқоридаги сюжетда маълум маънода ўз аксини топган. Раҳимбобонинг кийимни инкор этиши ва уни Бозор Охунга

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 24-б.

² Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 12 - б.

айтган “Ошиқни атоси ва аноси бўлмас”¹ сўзлари ўртасида умумийлик бор. Иккаласининг ҳам негизи битта, дилда фақатгина Ҳақ ёди ва ишқи ўрин олган, яъни “Ҳақдин ўзгаси ғалатдур Машрабо” деган кишига бошқа туйғулар аҳамиятсиздек. Ушбу талқиндан Машраб ота-онани тан олмаган деган фикр келиб чиқмаслиги керак, албатта. Асарда Машрабнинг яратувчига бўлган интилиши кучли муболаға билан тасвирланаяпти холос. Аслида Машраб ота-онасини жуда ҳурмат қилган. Онасини ёд қилиб « Волидам - Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан», деб улуғлаб ажойиб ғазаллар битган.

Шуниси қизиқки, қиссада Машрабнинг руҳий олами, моддий манфаатларга бўлган бефарқлиги кўпроқ унинг ёш бола даврида кўрсатилади. Ёш Машраб катта сўфийлардек, кароматчи кишидек фикр юритади. У борар йўлининг манзилини ва бу йўлдаги “хатарлар”ни олдиндан билади. Бир куни Машраб шогирди Пирмастга ёғоч отига арпа бериш лозимлигини айтади. Пирмаст арпани чиқариб беради. *“Шоҳ Машраб отларига солиб айдилар: “Эй жонивор, хўб егилки, манзил узоқ уқболар баланд, йўллар хатарнок, ҳамроҳлар кетти, эмди навбат бизларга етди, ҳориб, шарманда қилмагайсен, егил”.*² Ушбу ҳикоядан Машрабнинг тариқатга кириш учун босаётган дастлабки қадами назарда тутилаяпти. Шу ўринда Алишер Навоийнинг “Қаро кўзим” ғазалидан байт келтирамиз:

Юзинг висолига етсун десанг кўнгилларни,
Сочингни боштин оёқ чин ила шикан килғил.

Яъни, ёрнинг висолига ошиқларнинг етишиши учун маъшуқадан боштин оёққача бўлган сочини гажак-гажак қилиб, ташлаб қўйиш сўралаяпти. Чунки кўнгиллар сочга осилиб ёр юзига чиқишлари керак. Бу ерда юз – Ҳақ дийдори, кўнгиллар – ошиқлар ёки сўфийлар, соч тариқат (йўл). Буларни умумлаштирсак, қуйидаги маъно келиб

¹ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. –16-б.

² Ўша асар. 18-б.

чиқади: агар сенинг дийдорингга интилувчи кўнгилларнинг етиб боришини хоҳласанг, узун бўлган йўлни бурама-бурама (спираль) шаклига келтириб қўйгин. Узун йўлнинг эгрисимонлиги Машраб айтган “манзилнинг узоқлиги, уқбо (укубат) лар баландлиги, йўллар хатарнок”лигидир. Манзилга олиб борувчи йўлнинг машаққатли бўлиши шарт. Чунки йўлнинг бошида “ғайратли” кишилар кўплаб бўлиши мумкин. Лекин бироз йўл босилса азоб-укубатлар бошланади, шунда ким чин ошиқу, ким иродасиз бевафо эканлиги маълум бўлади, қолади. Кейингилар машаққатларга чидаёлмай йўлда қолиб кетадилар. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонида қушларнинг Семурғга қараб интилишлари мисолида мажозий йўл билан кўрсатиб берилган. Асарда айтилишича, йўлга тушган “юз минг” қушнинг жуда оз қисмигина мақсадига етишади. Машрабнинг ҳам мақсади машаққатли йўлни босиб ўтиш ва “фоний”ликдан “боқий”ликка эришишдир. Машраб юқоридаги гапида “ҳамроҳлар кетди, энди навбат бизларга етди” дейди. “Ҳамроҳлар” деб Машраб улуғ мутасаввуфларни, жумладан, Аҳмад Яссавий ва Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож ва Имодиддин Насимий кабиларни назарда тутаяпти. Улар тариқатни босиб ҳақиқатга етишдилар, Машрабнинг айтишича, эндиги навбат унинг ўзига келган экан.

Юқорида Машрабнинг ёшлиги мисолида унинг энди шаклланаётган дунёқараши устида сўз юритдик. Қиссада тасвирланишича, Машраб туғма авлиё (валийи модарзод) бўлган. Унинг ўзига хос хулқи, билими, катта кишиларни шошириб қўувчи зукколиги, айниқса, ёрқин тасвирлаб берилган. Бу хил сифатлар Машрабни тенгдошлари орасида ажратиб турган. Лекин киши қанчалик иқтидорли бўлмасин, унга албатта руҳий устоз зарур. Чунки Машрабнинг ўзи айтганидек, унинг олдида хатарли йўл турибди. Бу йўлда агар ишончли йўлбошчи бўлмаса манзилга боролмай адашиши турган гап. Шунинг учун Машрабга унинг руҳиятини тарбиялаб, энг олий мақомга етказиш учун бир пири комилга эҳтиёж сезилаяпти.

Келтирганимиздек, тасаввуфнинг тўрт таркибий қисми ёки босқичи (шариат, маърифат, тариқат, ҳақиқат)ни босиб ўтган сўфий комил мутасаввуф даражасига етган. Исломшунос олим Л. Сюкияйнецнинг фикрича, шариатнинг таркибий қисмлари ҳуқуқ-фикҳ, одобу ҳуқ шартлари, шунингдек диний ҳукмлардир.¹ Шариат ҳукмларига тўлалигича амал қилингандан кейин иккинчи-тариқат (йўл) босқичига ўтиш мумкин, деб билинган. Тариқат камолотга олиб борувчи турли ахлокий-руҳий усулларни ифодалайдиган йўлдир. Бу йўл руҳ учун ўзига хос йўналтирувчи вазифани ўтаган. Ушбу йўлда маълум манзиллар бор ва бу манзиллар мақом дебюритилган. Мазкур манзиллар ҳақида турли адабиётларда таърифлар берилган.²

Қиссада баён қилинишича, Машраб илмини ошириш мақсадида Қашқарга Офоқ хўжа даргоҳига боради. Наманганда ёшу катта билан мунозарага бориб доим устун чиққан Раҳимбобо йирик шайх Офоқ хўжа билан дастлабки учрашувдаёқ ҳушини йўқотиб, пароканда ҳолатга тушади: *“...Бу сўз ҳазратимга (Офоқ хўжага – Э. М.) хуш келиб, назари илтифотлари бирла қараб, қўлларини очиб, Маширабни ҳақиқа дуои хайр қилиб кифтига қоқдилар. Эrsa, бисмил бўлгон мургдек беҳуд бўлуб, йиқилдилар. Шул вақт подшоҳим Маширабни бошини тиззаларига олиб, ботинидан хабар олдилар. Эrsa, Маширабни дилини чароғига ёғ қуюб, филтасини тайёр қилиб, равшан қилгони бир пири комил топмай юрган экан. Ҳазратим айдиларки: “Эй сўфилар, сизлар гувоҳ бўлунглар, бу девонани отини Машираб қўйдум, Оллоҳу акбар”*.³

Ушбу сюжетда асосий урғу, эътибор устоз ва шогирд

¹ Сюкияйнец Л. Мусульманское право: Вопросы теории и этики. – М.: Наука, 1986. – с.- 31

² Қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. с-35.; Алишер Навоий. Асарлар, 13 том. – Т.: 1966. 84-б.; Трименген Дж. Суфийские ордена в исламе. – М.: Наука, 1989. с.17-20; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият.– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. 23-31б.; Зокиров М. Тасаввуф таълимоти ҳақида //Шарқ юлдузи.-1990.-№7. ва бошқ.

³ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 33-б.

орасидаги руҳий таъсирга ва Машраб илмининг қай даражада эканлигини кўрсатишга қаратилган. Асарда қиссачиларнинг анъаналарига биноан диний арбоб бўлган Офок хўжа идеал сиймо, комил пир сифатида талқин қилинади. Раҳимбобо бу ғояга ва ўз эътиқодига содиқ қолгани ҳолда катта устоз олдида ўзини ниҳоятда ғариб сезади, пирнинг илму салобати унинг ҳушидан кетишига сабаб бўлади. Офок хўжа Машрабнинг ички дунёсидан, яъни руҳнинг ҳолати ва орифликдаги камолотидан хабар олиб, уни шариатга доир дастлабки билимларни олган, деган хулосага келади. Яъни, кўнгилда ишқ оловини алангалатиш учун мавжуд бўлган “чирок”- заминни кўради.

Раҳимбобо пир даргоҳида етти йил қолиб кетади: *“Машраб уч йил ўтун тошидилар, яна уч йил меишда сув тошидилар, яна бир йил остонада ёттилар, бу етти йилда бир пустин кийдилар, ёзда чармини кийдилар, қиш бўлса юнгини кияр эрдилар”*.¹

Машрабнинг бу хил риёзат чекишида ҳам ҳикмат бор. Илк сўфийлар орасида энг ҳалол луқма ҳақида жуда кўп вақт тортишувлар бўлган. Узоқ баҳслардан кейин мансабдорлардан олинадиган ҳар қандай хайру садақа қатъий ҳаром деб белгиланган, чунки бундай амалдорларнинг бойликлари ҳалол меҳнат билан топилмаган, деган ягона хулоса чиқарилган. Е. Э. Бертельснинг кўрсатишича, бир зоҳид ўзининг товуғини қўшнисининг томига чиқиб дон чўқигани учун ҳаром деб билган.² Шунинг учун шайху зоҳидларнинг аксарияти ё дашту биёбонлардан ўтин териб ёки сув ташиб ҳалол ризқ билан кун кечирганлар. Айрим зоҳидлар нафақат ҳадя этилган, балки меҳнат билан топилган луқмани ҳам ҳаром санашган ва бунда ўзларича худога таваккул қилишган. Уларнинг фикрича, кишининг насибаси тақдирда белгилаб қўйилган, шунинг учун банда ўз насибасини кўпайтиролмайди ёки

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 33-б.

² Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965. - 16 с.

камайтиролмайдди ҳам. Демак, луқмани топишга ҳаракат, меҳнат қилиш шарт эмас, балки худога таваккул қилиш ва ундан буюрилган насибани кутиш керак, деган ниҳоятда зарарли тушунчаларга ҳам эга бўлишган. Табиийки, бу хил нуқтаи назар ижтимоий ҳаётга, тараққиётга жиддий салбий таъсир кўрсатиши, аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шунда кўпчилик уламоларнинг фикри билан меҳнат орқали яшаш учун етарлича даромад топиш мумкин, деган хулосага келинган. Энг ҳалол ризқ чўлдан ўтин териш ёки сув ташиш билан топилган насиба, деб тан олинган. Бундай хулосага келганларнинг мақсади аниқ. Чунки чўлдаги тиканак худди дарё ва ариқлардаги сув каби эгасиз, жойида уларнинг ҳеч қандай қиммати йўқ, фақатгина керакли жойга олиб борилсагина улар маълум қийматга эга бўлади. Бундай сув ёки тиканакнинг қийматини жисмоний меҳнат белгилайди.

Машраб пир даргоҳида ҳалол ишлар билан шуғулланган ва зарур билимларни олган. Қиссада сўнгги еттинчи йил Машрабнинг пир остонасида ётганлиги айтилади. Машраб Офоқ хўжа маконида ёзда чармини, қишда эса юнгини ўнг қилиб бир пустин кийди. Офоқ хўжанинг Машрабга ушбу пустинни ёзу қишин кийдириши уни “фақир”ликка ва “сабр”лиликка ўргатишда ўзига хос восита бўлганлигига қиссачи урғу бермоқда. Машраб Офоқ хўжадан сабоқ олиб юрган вақтда эшоннинг канизларидан бири уни севиб қолади. Бу севги гуноҳ саналиб Машраб жазоланади.

Машраб Офоқ хўжа саройидан кетгач, Ёркентга йўл олади. Ёркент аҳли ва шаҳар ҳокими Машрабни кўрмоқ учун унинг олдига пешвоз чиқишади. Шунда *“Тамом одамларга беҳудлик рўй берди. Ёркент Охунларининг шогирдлари айдилар: “Тақсир охунум, мундоғ банги қаландарни олдига пешвоз чиқиб бўлурму?” ...Охун айдилар: “Эй ёронлар хато қилдинглар, бориб зиёрат қилинглар... Авлиёликни бир нишони шулдир”*¹. Бу хил тасвирда Машрабнинг дунёдан ва ғурурдан кечганлик ҳолати муболағали тарзда тасвирланмоқда. Қиссачининг ушбу

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 38 - б.

сюжетни келтиришдан мақсади Машраб фаолиятига маломатиянинг кучли таъсир кўрсатганлигини таъкидлашдир.

Қиссада Машраб ниҳоятда сўзамол, топқир қилиб тасвирланган, лекин гоҳида муболаға ҳаддан ташқари бўртиб кетади. Ўтмишдан маълумки, валийлик даражасига эришган айрим сўфийлар каромат кўрсатиш хусусиятига эга бўлишган. Жумладан, Машраб ҳам ана шундай кишилардан бири бўлган. Унинг кароматига бир мисол: *“Машраб фарёд қилдиларки: “Эй Сармаст, чилимни келтур”,... Сармаст чоғлаб берди. Машраб бир қуллоб, икки қуллоб нафас тортиб дуд чиқардиларки, олам ҳама тийраву торик бўлди. Гўёки булут дарёдин сув ичиб кўтарилганидек тутунлар пайдо бўлди... Шоҳ Машраб сархонани олиб, оҳиста ерга қоқдилар. Эrsa бир дона банг ҳам куйган йўқ .»*¹

Машраб Ёркентдан Хўтанга ўтади, маҳаллий уламолар билан учрашиб, уларни бир неча масалада енгади ва Хўтан саҳросига равона бўлади. *“Кўрдиларки, бир деҳқон шоҳ Машрабни газалларини андин-мундин қармаб ўқуб юрубдур. Машраб келиб тургонидан хабари йўқ. Машраб ҳам бориб ани ҳайдаб қўйгон ерини вайрон қилаберди. Деҳқон кўриб айди: “Эй масхара жинни, мани еримни на учун бузарсан”. Шоҳ Машраб айдилар :”Ҳеч масхара жинни сендек бўлурмуки, манинг иморатимни бузиб турубсан”. Деҳқон айди: “Иморатинг қайсидур?” Шоҳ Машраб айдилар: “Ўқуб турган газалинг манинг иморатимдур, бузуб ўқийдурсан, охир сўзим сандекларга қолиб хор бўлгунча куйгани беҳроқдур”, - деб ўтга солмоқларини боиси бу эрди”.*² Ҳикоядан англашиладики, Машрабнинг шеърлари ёзиб борилган ва мазкур шеърый битиклар шоир билан бирга бўлган. Бироқ бу шеърлар алоҳида девон сифатида сақланиб қолмаган, балки Машраб ҳақидаги сюжетлар билан аралашиб, эл битиклари шаклидаги қиссани юзага келтирган.

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 40 - б.

² Ўша асар. 46 - б.

Машраб, хўжа Нуриддин ва лаъин

Қиссаларда Машраб руҳияти, унинг дунёқараши нафақат инсонлар билан муносабатда, балки ўзга жинс вакили - шайтон билан бўлган баҳсда айниқса, ёрқин очиб берилади. Мазкур воқеада келтирилишича, тошкентлик олим ва бузруквор эшон Нуриддин жон берарда шайтон имон қасдида у билан баҳсу жадал қилиб шайхни енгади. Ушбу ҳолат Офок хўжага маълум бўлади. Машраб пирининг даъвати билан Тошкентга отланади ва эшонни шайтони лаъиннинг чангалидан озод қилади.

Барча оммавийлашган “Девонаи Машраб” нусхаларида бу воқеа юқоридаги тарзда қисқа баён қилинади. Бизда мавжуд қўлёзмада¹ ушбу ҳикоя тафсилоти анча кенгайтирилиб берилган. Машраб руҳияти ва бадииятини ёритувчи ҳар бир янги маълумот ўз нуқтаи назари билан аҳамиятга моликдир. Қуйида ушбу ҳикояни келтирамиз:

“Тошкент вилоятида хўжа Нуриддин деган бир қутби замон бор эрди. Ҳазрат Офок хўжамга ҳам пир эрдилар. Етти маротаба ҳаж қилгон, илми ҳол ва илми қол тадбир қилгон эрдилар ва уч юз қирқ соҳиби камол муридлари бор эрди. Етти маротаба ўзларини тарож қилиб камолат қилиб эрдилар. Аммо эшон айдиларки: “Парвардигори олам менга илми ҳол ва илми қол ато қилди. Эшитиб эрдимки, шайтон олим эркон, онинг бирла баҳс қилсам” деб шул ваҳмни кўнгилларига солдилар. Аммо ҳазрат Парвардигори оламини қудратини томоша қилингларики, хўжа Нуриддин касал бўлдилар, тобора касаллари зўр бўлди. Бир кун шайтон мардуд ал-лаъна эшикдан кириб келди. “Ас-салому алайкум эй хўжа Нуриддин. Парвардигори олам сизга илми ҳол ва илми қол ато қилди, кўнглингизда шайтонни топиб рўбарў бўлуб, анга савол ва баҳс қилурман деб экансиз” деб етмиш баҳс қилди. Хўжа Нуриддин жавоб беролмадилар. Охирул амр шайтон лаъин голиб келиб, шайхни васваса

¹ Девонаи Машраб. Шахсий кутубхона. Б-234

қилиб қасди имон қилди. Аммо Ҳазрат Саййид Офоқ хўжам тўрт юз қирқ тўрт мурид соҳиб камоллари бирлан хонақоҳга бориб ўлтуриб эрдилар. Маълум бўлдики хўжа Нуриддин шайтони лаъиннинг чангалига гирифтор бўлиб дунёдин бе имон кетиб борадур. Мароқабдин бошларини қўтариб муридларига қараб айдиларки: “Эй биродарлар, билинглар, огоҳ ва доно бўлингларким, Тошкент вилоятида хўжа Нуриддин деган бир биродаримиз бор эрди, шайтони лаъинни қўлига гирифтор бўлуб, дунёдин бе имон кетиб борадур. Бир мардонни ҳиммат бормукин, бориб бизни биродаримизни шайтонни чангалидан жудо қилиб олса” дедилар. То уч мартаба, айдилар ҳеч кимдин овоз чиқмади”. Учинчи даъватдан сўнг Машраб йўлга отланди. Йўлда Хизр алайҳиссалом учради, у Машрабнинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга шайтон устидан ғалаба қозонишда мадад тилаб дуо қилади. Машраб Хизр алайҳиссаломга бир неча шеърларидан ўқиб беради. Воқеа шундай давом этади: “Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул муножотни ўқигондан кейин “ху” деб Тошкент вилоятига қараб равон бўлдилар. Саҳар вақтида Тошкентни дарвозасини устига келдилар. Дарвозабон қулфлаб ётибдур. Тақ-туқ урдилар, уч мартаба овоз бердилар ҳеч ким овоз бермади... (газал)... (газал)... Эшон шоҳ Машраб йўл юруб кўп ранж тортиб эрдилар уйқу ғалаба қилди, ётиб қолдилар. Тонг отди уйғонмади, вақти фарз бўлди уйғонмадилар, офтоб чиқди уйғонмадилар. Эшон хўжа Нуриддин ўшал вақт кўз очиб айдиларки “Эй муридлар, Занги бобонинг қадамгоҳларига бизнинг биродаримиз бордур, бир киши борму олиб келсалар”... Ўшал вақтда икки муридлари ўринларидан туриб дасти алиф лом қилиб “бизлар олиб келтурамиз” деб йўлга равона бўлдилар. Бонагоҳ дарвозага яқин еттилар, кўрдиларки дарвозани остига бир киши ётибдур”. Девона шоҳ Машраб буларга ўзини андак билдурайин, булар хабардор бўлсин деб сўфийларга қараб анда мастонавор бул газални ўқудилар...(газал), (газал), (газал). Алқисса, ҳазрат эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддин ётгон ҳужраларига “ху”

деб кирдилар. Аммо хўжа Нуриддиннинг ҳоллари табоҳ бўлиб эрди. Эшон шоҳ Машраб салом бердилар, жавоби саломга мадорлари бўлмади, балки ишорат қилмоққа ҳам мажоллари йўқ эрди. Анда эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддинни бул аҳвол бирла кўриб хабардор қилмоқ учун Нуриддинга қараб бул газални ўқудилар. (газал)...(газал)...(газал) деб ҳазрати эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддинни шайтонни шаъридан халос қилдилар. Аммо хўжа Нуриддин кўзларини очиб “Алҳамду рабби оламин, шайтони лаъинни шаръидин қутулдим” деб Худой таборак ва таолога ҳамду сано қилдилар. Андин кейин кўнгилларига кечурдиларки, “Агар Худой таоло менга таъи умр берса қолган умрни яхшилар билан ўткорсам, ёр-биродарларни ҳоки пойини кўзларимга тўтиё қилиб борсам” деб орзу қилдилар. Шоҳ Машраб Нуриддинни кўнглини дунёдин совутиб, ўлимни бўйнига қўймоқ учун тамоми пайғамбарларни ўлим асиру ҳок қилгонлигини баён қилиб, анда бул марсияни мастонавор ўқидилар (газал).

Алқисса, ҳазрати эшон шоҳ Машраб бул марсияни ўқуб, ўлимни хўжа Нуриддинни бўйнига қуюб айдиларки: “Бурун шунча пайғамбарларни, шунча авлиёларни бу ўлим асиру ҳок қилгондур “ деб. Хўжа Нуриддин ўлимга бўйин сўндилар. Ва лекин гўр ичида саволи Мункар ва Накирдин ва қиёматдин кўрқдилар. Кўнгилларига андеша қилдилар. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддинни кўнгилдаги қилгон андешани билиб анда мастонавор бул газални ўқидилар (газал), деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул газални ўқугондин кейин хўжа Нуриддиндин ҳеч овоз чиқмади. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб таважжу қилиб шайтон ал-лаъна бирла (яна) жиҳод қилиб шайтонга золиб келдилар. Иблис лаъин тоқат қилолмай авлиёни шарофатидин қочиб кетди. Анда ҳазрат эшон кейин “Ло илоҳа иллоллоҳу муҳаммадан расулуллоҳ”деб жон таслим қилиб, нури имон сиҳат саломат дарвозаи марқобадин элтдилар. Аммо ҳазрат эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддинни Тошкент вилоятини умаро ва фузало ва акобирлари бирла жаноза

ўқуб тобутга солиб гўристонга равон бўлдилар. То гўристонга боргунча хўжа Нуриддинни фаришталар етмиш бир ерда савол қилдилар. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб саволларига жавоб бердилар. Вакил нуқсондан ўтқориб ҳазрат хўжа Нуриддинни дафн қилдилар. Анда икки малак келиб сўрдиларки: “Ман раббука ва ман динука ва ман набиюка? “Шайх Нуриддин ҳайрон бўлуб жавоб беролмадилар. Анда девона шоҳ Машраб луқма бердиларки: “Эй шайх, айтгилки раббим Оллоҳ, диним ислом ва мени пайғамбарим ҳазрат мустафо салоллоҳу алайҳи вассалам”. Эшон хўжа Нуриддин девона шоҳ Машрабни луқмаси бирла жавоб бердилар. Андин кейин эшон шоҳ Машраб хўжа Нуриддин қабрларига уч кун тиловати Куръони шариф қилиб, уч кундан сўнгра Тошкент вилоятидан чиқиб Қашқар вилоятига, пирларининг хизматларига равона бўлдилар”.

Ушбу сюжетда Офок хўжанинг каромати билан тошкентлик бузруквор шайх Нуриддиннинг шайтон чангалига тушганлиги маълум бўлиши ва уни лаъиннинг дастидан қутқариш учун Машрабнинг қилган жиҳоди ҳақида сўз юритилган. Шуниси қизиққки, эшон Нуриддин етти марта ҳаж қилганию, етти марта нарсаларини тарож этганлиги, илмда комилликка эришганлигига қарамай, шайтон билан бўлган баҳсда енгилади. Лекин устоз таълимида юрган ёш Машрабдан лаъин қочади. Хўш, нега шайх дин аҳкомларини тўлиқ бажарувчи диндор ва олим бўлиб шайтондан енгилди? Ахир ислом расм-русумларини бажаришда шайхнинг мавқеи Машрабникидан баланд-ку?

Диний ривоятларга қараганда шайтон инсон яралгунча фаришталарга дарс берган экан. Тангри одамни яратгандан кейин барча фаришталарни инсонга сажда қилишга амр қилибди. Лекин ўтдан яралганлигини сабаб қилиб, илмига тоат-ибодатларига ишониб ўзини инсондан устун қўйган шайтон инсонга сажда қилишдан бош тортибди. “Жавоҳир ул-ҳикоёт” да айтилишича, “...зоҳиран Одам алайҳиссалом ила шайтон икки қўлдек подшоҳу оламни наздига тавба қилдилар, лекин гуноҳ қилмасдин бурун шайтони лаъин “Наҳни (Наҳну

– Э. М.) нусаббиху би ҳамдика” (Биз сенга (Оллоҳга) ҳамд айтиш билан сени поклаймиз”) либоси ила ясалгон эрди-ки, Худой таолога кўп тоату ибодатлар қилгондур. Ман эмди шул қадар тоату ибодатларимнинг қаторига бир марта саркашлик қилсам тоату ибодатларимнинг ҳурматидин Оллоҳу таоло саркашлик қилгонимни авф қилур, деб қилган тоату ибодатига бино қилгон эрди. Вақтеки, Худой таоло анинг либос фахрини олиб эрди, яъни Худой таоло қилгон ибодатларини қабул қилмай, ҳамасини рад қилиб эрди... Аммо шайтони лаъин тоатига бино қилиб, саркашлик қилган сабабидин тоатини риё қилиб тавбани қабул қилмай гарданига тавқи лаънат солди”.

Мумтоз адабиётда шайтон ёвуз руҳлар бошлиғи, дунёдаги барча ёмонликларнинг дояси, одамларни гуноҳга етакловчи тимсол сифатида талқин этилади. Ривоятларга қараганда кўплаб авлиёлар, шунингдек, оддий инсонлар шайтон билан баҳс ва кураш олиб боришган. Агар инсон комил имонли, эътиқодли бўлса, у доим шайтонга қарши собит турган ва уни енгган, бордию одам ғурур ва мақтанчоқлик юзасидан у билан баҳс қилса унга енгилиши ҳам мумкин бўлган. Сайф уз-зафар Навбахорийнинг “Дур ул-мажолис” асарида келтирилишича, бир йигит шайтон билан учрашиб уни енгмоқчи бўлади. Буни билган шайтон йигитнинг олдига келади ва ўртада баҳс бўлади: “Йигит деди: “Сенга бир саволим бор, шуни сўрасам деб доимо сени эслаб юрардим”. Шайтон: “Майли сўра” деди. Йигит: “Эй малъун, нима учун одамга сажда қилмадинг?” деб сўради. Шайтон деди: “Эй йигит сен ўзинг ҳукм қил, мен қандай қилиб Одамга сажда қилай, у тупроқдан яралган, мен эса оловдан”. Йигит шайтоннинг юзига тупириб: “Эй малъун, нима учун одамга хотин бўлиб, қўйнига кириб, яқинлик қилдирасан (поллюция ҳодисаси назарда тутилаяпти-М.Э.) Ваҳоланки, Одамга сажда қилишдан ор қилган эдинг, бундай номаъқул ишдан эса ор қилмайсан”, деди. Шайтон унга “Эй йигит, мақсадим имонингни олиш эди, мени шармандаю шармисор қилдинг то сен ўлмагунингча олдингга келмайман”

деди.¹

Муҳаммад Сиддиқ Руштийнинг маълумотиға қараганда, бир куни ҳазрати Ғавсул Аъзам биёбонда сайр қилиб юрганида, осмондан бир нур ва у нурда бир сурат пайдо бўлибди. Шунда ундан овоз келибдики: “Эй, Абдуқодир, мен сенинг парвардигорингдурман, батаҳқиқ ҳалол қилдим мен сенга жамъи ҳаромларни”. Ул Ҳазрат “Аузибиллоҳи мин аш-шайтонир ражим”ни забони муборақларига жорий қилиб эрдилар у нур қоронғуликка мубаддал бўлди. Ва ул сурат тутун мисоли юқори ўрлаб айтадурки, “Эй Абдуқодир, мендин илмингнинг сабаби бирла ва Худоингнинг ҳикмати бирла нажот топдинг, бу тариқалик воқеа бирла етмиш кишини батаҳқиқ гумроҳ қилиб эрдим” деди”².

Энди юқоридаги шайх Нуриддин ҳақидаги ҳикояга қайтсак. Эшоннинг шайтон чангалига тушиши ва Машрабнинг шайтонни енгиши масаласи зоҳидлик ва сўфийлик нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этади. Шайх Нуриддин диний қоидаларни жуда яхши билган, илмда бошқа зоҳидларга қараганда анча илгарилаб кетган. Бир марта амалга оширса ҳам бўладиган ҳажни етти мартаба бажарган, етти марта мол-мулкини етим - есирларга тарқатган. Машраб бу даврда на ҳаж қилган, на молини кишиларга торож қилган эди. Бундай олганда шайх диний ҳукмларни ва қоидаларни бажариши билан Машрабдан мартабаси ва мавқеи сўзсиз устундир. Шайх Нуриддин Машрабнинг пирига ҳам устоз даражасидаги бузруквор бўлиши эса шайх ва Машраб ўртасидаги фарқни янада кенгайтиради. Унда ҳикоядаги мантиқ бузилган эмасмикан, деган фикр ўқувчида пайдо бўлиши мумкин. Ҳа, мантиқ бузилган, чунки ақл нуқтаи назаридан катта бир шайхни оддий бир мурид шайтон васвасасидан қутқара олмайди. Демак, бу ерда бошқа бир гап бор.

¹ *Навбаҳорий, Сайф уз-Зафар*. Дурр ул-мажолис (Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Бобобеков, М. Ҳасаний). – Т.: Мерос, 1992. - 139 б.

² *Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ*. Ғавсул Аъзам. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Икромиддин Остонакул ўғли). – Т: Халқ мероси нашр., 1993. – 35-б.

Шайх Нуриддин аслида чин маънодаги пири комил эмас, балки диний илмларни, ҳукмларни бажаришда илгарилаб кетган бир тақводор зоҳид. У балки Машраб каби юзлаб муридларга тақводорлик бўйича устозлик қилиши мумкин. Лекин мутлақ яратувчининг зоти ва сифатларини билишда, уни севиш ва идрок қилишда шайх Машраб олдида ниҳоятда ожиз ва нотавондир. Шайх етти ҳажига ва суратдаги тақводорлигига «орқа» қилиб, такаббуруна ҳаракатда шайтон билан баҳс қилмоқчи бўлган, лекин енгилган. Шайх Нуриддиннинг гуноҳларини билган Машраб шундай дейди:

Етти марта ҳаж этиб, молингни сан торож этиб,
Дастгири охират бўлган саховатинг қани?
Бас такаббур айладинг, қолдинг лаъин вобастаси,
Фатҳу нусрат топгани қилган муножотинг қани?...¹

Демак, инсон ҳеч қачон илми ва тоат-ибодати билан такаббурлик қилмаслиги лозим, чунки бундай ҳаракат қилинган барча эзгу ишларни йўққа чиқариб юбориши мумкин экан. Машраб эса ошиқ-девона, унга мағрурлик ҳам, такаббурлик ва риё ҳам бегона, чунки у нафсдан, хирсдан, уларнинг манфаатларидан тўласинча воз кечиб имонини пок сақлай олган. Машраб ўзининг илоҳий муҳаббати, пок руҳияти билан шайтони лаъинни қувиб солган ва шайх Нуриддиннинг имонини сақлаб қолган.

Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма...

Сайид авлодиман, деб тутмағил роҳи шақоватни,
Кўзинг борида ахтаргилки бир аҳли ҳидоятни...
Такаббур-феъли шайтондур, бу йўлни тутма, эй жоҳил,
Эшакни ёлидек соқол оқарди, сан хануз ғофил,
Ёронлар кеттилар, мағрури сурат бўлма, эй ғофил,
Бу йўлда тўша ахтаргил, анда кўп даркордур ҳосил,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.²
Мани кўрса қочадур шайхулислом Ахраман янглиғ,
Нечун, бўйнимға зулфи тори чирмашган туморим бор...³

¹ Девонаи Машраб. Шахсий кутубхона. 98-б.

² Ўша асар. 164 – 165-б.

³ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 211-б.

...Муллалар илмига мағрур, омилар исёнга ғарқ,
Кас на билсун, Рўзи маҳшар кимни тоши кам келур?..¹

– деган Машраб хулқининг энг устувор томони расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан мурасасизлигидир. Агар бирор киши тилида бир эзгу нарса деса-ю, кўнглида унинг аксини ўйласа, ёки ўзи айтган нарсага ўзи амал қилмаса, у адашган кимсадир. Бордию бундай одам диний арбоб ёки ўзини эшон, сайид дейдиган хилидан бўлса, унда у тубан ва ғофил кишидир. Чунки у фаолияти билан нафақат ўзига, балки атрофдаги ишонувчан кишиларга ҳам ёмон таъсир қилиши, насабини пеш қилиб содда инсонларни лаққиллатиши, алдаши, “назр” учун деб камбағалларнинг бор-будини шилиши, номусини топташи мумкин. Машраб энг аввало шундай сохта “арбоб”ларга, уларнинг фаолиятига қарши исён кўтариб, кескин кураш олиб борган. Қиссаларда Машрабнинг бундай фаолияти кўп маъноли кесатикли сўзлар билан ҳажв қилиш, тўқиб чиқарилган қоидаларни расмиятчи муллоларнинг ўзларига қарши ишлатиш, шармандасини чиқариб, ҳақиқий башарасини фош қилиш каби усуллар орқали намоён бўлади. Қуйида Машраб ва расмиятчи муллолар ўртасида бўлиб ўтган шундай баҳс ва тўқнашувларнинг айримларини келтирамиз:

Машраб Бухорога келгач шогирди Пирмастни хароботхонага юбориб ўзи сўфининг ижозати билан масжидда тунайди. У ерда солинган жойнамозни кўради, сўнгра эшагини меҳробга боғлаб қўяди. Эрта билан келган сўфи бу ҳолатдан ғазабланади ва Машрабни гуноҳ қилганликда айбламоқчи бўлади. *“Машраб айдиларки: “Сизлар олти пулга олган кавишларингизни мабодо ўғри олиб кетмасун деб орқада қўймай, олдингизга қўюб, намоз ўқийдурсизлар, ман бу эшакни ўн беш тангага олиб эрдим, мани эшагимни ўғри олмайдурму, эшагим меҳробга чиққан бўлса ҳайвонлигига борибдур”, - дедилар”*. Шунда имом кириб келади, одамлар тўплангач ибодат қилишга тушади. Имом сурайи фотиҳани ўқиётган

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 230-б.

вактида Машраб “жўҳ-жўҳ” деб кичкиради. Намоздан сўнг имом Машрабни Худодан кўркмасликда айбламоқчи бўлганда Машраб: *“Ман Худодин кўркўб гунчак бўлуб ётибдурман, сандек намоз ўқугунча, намоз ичида сани гаразинг бузуқ, бузоқ онасини эмдиму деб хаёлга келтурдинг”*. Мунозарадан сўнг Машраб мавлононинг олдига бормоқ учун ўринларидан туради. Муллолар *“Шоҳ Машрабни ётгон ерига боқсалар на бавл, на зойит, ҳеч бир олудаликдин асар йўқ.”*¹

Ушбу ҳикояда Машраб ва бидъатчи мулло, зоҳидлар билан доимий бўладиган баҳснинг бир кўриниши тасвирланган. Машраб устамонлик ва зукколик билан муллоларнинг чин эътиқоддан узоқлашиб бидъатга берилганлигини ўзларининг қилиқлари орқали исботлаб беради. Машраб муллоларни танқид қилиш билан бирга, уларнинг оқибатини ҳам ўйлаб тўғри йўлга ундаяпти. Агар киши намозда калишини олдига қўйиб ибодатни бажарса, бунда унинг хаёли калишда бўлади, саждада эса оёқ кийимга сажда қилаётгандек туюлади. Машраб эшакни меҳробга боғлаб икки мақсадни кўзда тутган. Биринчидан, Машраб зоҳирда муллоларнинг мантиғи асосида фикр юритиб, эшакнинг ҳам пулга келганлигини, шунинг учун кўзга яқинроқ бўлиши лозимлигини айтиб, муллоларни мулзам қилаётган бўлса, иккинчидан, Машраб имом фаолиятини эшакнинг қилиғига ўхшатаётгандек. Чунки Машрабнинг фикрича, имом ҳар томонлама кишиларга ибрат ва намуна бўлиши керак, айниқса, ибодат ва у билан боғлиқ масалаларда. Лекин эътибор қилинса, Машраб масжидга киргандаёқ кўзи йиғиштирилмаган жойнамозларга тушади. Бунда Машраб имомдан ҳақли равишда ранжийди, унинг амалсиз ваъзини эшакнинг ҳанграшига қиёслайди.

Муллони мулзам қилганлиги учун Машрабни мавлоно Шариф ҳузурларига элтмоқчи бўлишади, шунда уларнинг кўзлари бавлга тушади. “Дурр ул-мажолис”да айтилишича, бир подшо ўзини жинниликка солиб Муҳаммад расуллулоҳ билан тортишмоқни ният қилади. Пайғамбарнинг масжидда эканлигини билиб, унинг олдига боради ва оғзига нима келса

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 133-134 - б.

гапираверади. Бундан ранжиган саҳобалар уни жазоламоқчи бўлишганда пайғамбар улардан девонанинг кўнглини оғритмасликни сўрайди. “Мўминлар шу сўзни эшитиб, жим қолдилар. Подшо эса этагини кўтариб, масжидни нажосат билан булғади. Саҳобалар: “Эй саййиди олам, бу девона Худой таолонинг уйини ифлос қилди!” дейишади. Расул алайҳиссалом “Масжид бироз тупроқ билан пок бўлади, аммо кишининг кўнглига озор берманглар, уни Худойи таоло ва Муҳаммад асло ёқтирмас!” дедилар.¹

Демак, зоҳирдаги бузғунчилик кишининг асл ниятини белгиламайди ва бу иш учун киши кўнглини ранжитиш манзур эмас. Нафақат масжид, балки бутун дунё қибласи бўлган Каъбанинг ҳам қадри инсон кўнгличалик бўлолмайди. Чунки Каъба одамларнинг оддий сажда қиладиган жойи, кўнгилда эса яратганнинг жилваси зоҳир бўлади. Машраб “бузғунчилик” билан, яъни каромат воситасида бидъатчи зоҳидларга ўзига хос равишда танбеҳ беради. Бу ҳолат маълум маънода мавлоно Шариф билан бўлган учрашувда ҳам намоён бўлади. Унда айтилишича Машраб мавлоно Шариф ҳузурида бироз таълим олади. *“Шоҳ Машираб мавлоно Шарифда “Мушкотини Шариф” ибтидо қилдилар. Ҳар кунда “Мушкот” дин бир варақ ўқуб, хужрага кириб, микроз бирла ул варақни қирқиб, пора-пора қилиб, чилимга солиб, тортар эрдилар. Дудуни ютуб юборар эрдилар. Бу воқеани кўриб, мавлонога арз қилдилар. Мавлоно айдилар: “Эй Машираб, ўқиган дарсингизни такрор қилмай, нега чилимга солиб тортасиз”. Машираб айдилар: “Баъзиси кўнглумга ўлтирмади, хат ва қозоғ мусофир бўлмасун деб ҳамасини кўнглумга тортиб олдим”,- дедилар ва айдиларки: “Манга рухсат берсангиз Қуръонни назм қилсам”. Мавлоно айдилар: “Қуръонни то бул вақт ҳеч ким назм қилган йўқдир, агар бу ишни қилсангиз Қуръон хор бўлса керак, наинки бу иш сиздин ҳосил бўладур “. Шоҳ Машираб айдилар: “Ман сизни аҳли фаҳм десам, бир зоҳиди хушк экансиз”.*²

¹ Навбаҳорий, Сайф уз-Зафар. Дурр ул-мажолис. –Т., 1992. – 94-б.

² Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 137-б.

Хўш, мавлоно Шариф ва Машраб ўртасидаги баҳсда қандай маъно ётади? “Нафахот ул унс”да келтирубдурларки, уламодин биров айтадурки, ҳазрати шайх Абдуқодир (Ғавсул Аъзам) анҳу ҳузурларига етдим, хануз жавон эрдим. Менинг бирла философия китобидин бир китобе ҳамроҳ эди. Ҳазрати шайх... амр қилдиларки ... *“Эй фалони, ёмон ҳамроҳдир сенга, бу китобингни қўйгил ва ани йўқ қилгил”* ... Аммо бу китобни ювмоқни зое билмадим, чароки бир неча илм бу китобдан баҳра олиб эрдим ва менинг бу китобга муҳаббатим бор эрди. Бас, ҳазрати шайх айдилар: *“Бу китобни менга бергил”*. Ва мен ул китобни олиб кўрдимки, ҳама варақлари оқ қоғоздир. Бир ҳарф битуклук эрмас. Ҳазрати шайхқа бердим варақларини уйрулуб арттилар. *“Бу китоб фазойили Куръондир”* деб менга бердилар. Кўрадурманки китоб фазойили Куръон хатти хуш била битилган”.¹

Ҳикоялардан англашиладики, қандай китоб бўлмасин, агар кишига манзур бўлиб, кўнглига ёқса-ю, лекин аслида киши ҳаёлини чалғитса, ундай китобдан воз кечиш лозимдир. Биз мавлоно Шарифнинг “Мушкоти Шариф” китоби билан таниш эмасмиз, лекин китоб ва мавлоно ҳақидаги фикрни икки сабабдан англаб олса бўлади. Биринчи сабаб – мавлоно китобининг маънисини Машраб кўнглига ўтирмаганлигида. Фикримизча, китоб ҳадислар тўпламидир. Машраб назарида бу битиклар чин ҳадислар эмас, шунинг учун улар “Машрабни кўнглига ўтирмаган”.

Ислом дунёсида турли ҳадисларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақидаги баҳс мавжуд бўлган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Муҳаммад аллайҳиссалом вафот этганидан биров вақт ўтгач, унинг суннатларини тўпловчи муҳаддислар пайдо бўлишади. Улар ҳадис тўплаш учун кенгайиб кетган халифаликнинг турли бурчакларига саёҳат қилишадиган ва айрим ҳолларда бир масалани ҳар хил талқин қилувчи битикларни ҳам чин ҳадислар қатори тўплайдиган бўлишади. Лекин ҳар қандай ҳадис унинг ҳақиқийлиги тан олингандагина кучга эга бўлиши мумкин эди. Шунда ҳадиснинг

¹ Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ. Ғавсул Аъзам. – Т., 1993. – 64-б.

хақиқийлигини белгилаш учун иснод қабул қилинади. Иснодда маълум бир ҳадис, эшитувчига етиб келгунча нечта кишининг оғзидан оғзига ўтган бўлса, ўшаларнинг аниқ исми берилиши лозим эди. Бироз вақт ўтгач бу хил мезон ҳам тан олинмай қолади, чунки ёлғон ҳадис тўқиган ёлғон иснодни ҳам тўқиши мумкин эди. Бу хил ёлғон ҳадис тўқувчилар ҳақида Е. Э. Бертельс ўзининг “Суфизм и сўфийская литература” (Тасаввуф ва сўфий адабиёти) номли китобида айрим маълумотларни келтиради. Унда айтилишича Абдулкарим ибн Абдуллаважъ деган кимса ўлими олдида тўрт минг ёлғон ҳадис тўқиганлигига иқдор бўлган.¹ Бундай кимсаларнинг ўз фойдасига ёки ҳукмрон доиралар манфаатига хизмат қиладиган ёлғон ҳадислар тўқиши, оддий фуқаронинг норозилигига сабаб бўлади ва оқибатда янги мазмундаги муҳаддислар пайдо бўлади. Халқ ҳурматини қозонган ушбу ҳадис тўқувчилар чин ҳадисларни нафақат иснод орқали маълум қилиш, балки уларга муҳаддисларнинг ўзларини ҳам риоя этишини талаб қилишади. Фақатгина шу хил йўл билан ҳақиқий ҳадис тан олинадиган бўлади. Муҳаммад аллайҳиссалом бир ҳадисида “Мендан деб ҳадис эшитсаларингиз, кўнгилларинг буни сезса, дилларинг юмшаса ва у сўз сизларга яқин туюлса, у ҳадис менинг сўзим бўлади. Агар мендан деб ҳадис эшитсангиз, кўнгилларингизга ўтирмаса, табиатларингиз ёқтирмаса ва у сўз сизларга узоқ туюлса, мен у сўздан узоқман”² деган эканлар. Машраб ҳам шу нуқтаи назардан йўл тутган бўлиши мумкин.

Иккинчи сабаб мавлононинг “Қуръонни то бул вақт ҳеч ким назм қилган йўқдур” деган сўзи. Бухоролик муллоларнинг улуғи мавлоно Шариф шогирдларига фақатгина “Мушкоти Шариф”ни ўқитар экану, ундан улуғ китобни ҳеч кимга “назм” қилдирмас экан. Табиийки, бу хил йўл тутган диний арбоб Машраб айтганидек “аҳли фаҳм” эмас, балки “зоҳиди хушк” бўлади, холос. Шу сабабли Машраб мавлоно Шарифни танқид қилиб, унинг даргоҳидан кетади.

¹ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М., 1965. – с.-15

² Навбаҳорий, Сайф уз-Зафар. Дурр ул-мажолис. –Т., 1992. – 57-б.

Машраб ва махбуба

“Девонаи Машраб”нинг барча маълум нусхаларида Машрабнинг фалсафий дунёқараши унинг муҳаббати ва хотин-қизларга муносабати акс этган ҳикояларда кенг ёритиб берилган. Қуйида шулар ҳақида сўз юритамиз:

Бир куни Машраб Бозор Охунга *“Бир маъшуқам бор эрди, манга ваъда қилиб эрдик, эримни алдаб саҳрога юборурман, келгил икковимиз айшу ишрат қилурмиз, деб эрди, сиздин жавоб олғони келдим, борайму, бормайму?”* Эшон табассум қилиб айдиларки: *“Боргилки, “Ал ваъдату дайнун” яъни ваъда қарз дерлар, ваъда қилгандин кейин вафо қилмоқ лозимдур”* дейди.¹ Юқоридаги савол-жавоб оддий ўқувчида Машраб ва Бозор Охун ҳақида нотўғри фикрни ҳосил қилиши мумкин. Аслида бу ерда ётган маъно кенгрокдир. Машраб атрофдаги кишилар орасидаги фисқу фужурни, нафс иллатини кўтармоқчи, инсонларнинг гуноҳини ўзига олмоқчи, айнаи вақтда уларни азоблардан қутқармоқчи. Яъни “Аё, дўзах мани куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз” – деганидек. Бозор Охун буни билгани ҳолда ўзини билмаганликка олади. Чунки, Машраб ушбу оғир ишнинг уддасидан бир ўзи чиқиши керак. Лекин унинг сири ошкор бўлади. Пойлоқчилар унинг ёри билан учрашувга бормаганлиги, балки кўча куйда кўшиқ айтиб вақтни ўтказганлигини Бозор Охунга айтишади. У эса: *“Сизлар беадаблик қилибсизлар, Машираб бу вилоятни фисқу фужурини кўторур эрди. Эмди Маширабни кўрмоқ йўқтур”* – дейди. Яъни Машраб сирни махфий тутолмагач бу даргоҳдан кетиши, билимини янада ошириш учун янги пир топиш керак. Машраб шу мақсадда Қашқарга, ўз даврининг машхур шайхи Офок хўжа даргоҳига боради. У ерда етти йил таълим олади. *“Маширабни кўнгулларига дард қилиб, ўзларига айдиларки: “Эй Машираб, бу даргоҳга келгонингга етти йил бўлди, тиринг бир йўл Машираб деди, яна бир йўл Машираб десалар, ишинг тамом бўлур эрди, кел эмди бир гуноҳ қилгил. Худой таъоло беғуноҳни сўрамас экан, шоядки гуноҳ қилсам гуноҳкорни сўрсалар керак.*

¹ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 19-б.

Шоядки, шул туфайлидин пирим айтсалар элтинглар бу Машрабни осинглар десалар, ўлсам армоним йўқ эрди".¹ Ушбу ҳолатни Абдумалик Ёқуб "Мақбули ҳидоят бўлайин, деб гуноҳ эттим" номли мақоласида² қуйидагича талқин қилади: "Ошиқ Маъшуқи ишқида ёнар экан, унга икки оламнинг ҳеч бир мукофоти керак эмас, У ҳатто гуноҳ қилишдан ҳам қайтмайди. Сабаби "Худо гуноҳкорни жазолайди" дейди шариат аҳли. Бироқ ошиқ Маъшуқи жазосидан завқланади. Жазога лойиқми, демак у эътиборга тушибди. Ошиққа худди мана шу нуқта керак: у бир лаҳза бўлса ҳам ДИЙДОРга мушарраф бўлсин. Машраб яна пири қўлида ўлишни ШАРАФ деб билади. Чунки у вужудан ўлган, фақат руҳ борлигига эга". Ушбу Бертелсона шарҳда тадқиқотчи юқоридаги воқеани янгича талқин асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилган, лекин масаланинг ўзаги "Машраб кўнгилларига дард қилиши" нинг сабабини аниқ кўрсатмаган, Ваҳоланки, гап шундан бошланиши керак эди. Машраб пирнинг иккинчи марта Машраб демаганидан, яъни уни унутиб қўйганидан шундай аҳволга келади. Хўш, нега пир ва шогирд ўртасида бундай муносабат пайдо бўлди? Бунинг сабабини биз ишимизнинг Машраб ва Офоқ хўжа муносабатларига бағишланган бўлимида келтириб ўтганмиз.

Машраб йиғлаб, чарх уриб само қилаётган вақтда кўзи Офоқ хўжанинг канизларидан бирига тушади. *"Ул канизак равоқдин бошини чиқариб, нозу карашма билан дедик: "Эй Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур. Букун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг қиёматда мани қўлим санинг этагингда бўлғай"*.

Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир нозанин моҳталъат жилва қилиб турубдур. Ани кўруб беҳуд бўлдилар. Яна ҳушларига келиб айдиларки: "Эй бор Худоё мунингдек офатижон бандаларинг бор экан", - деб яна беҳуд бўлуб йиқилдилар".³ Ушбу сюжетда Машрабнинг эътиқод-имони мумтоз

¹ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. –34-б.

² Ёқуб А. Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 . 19 январь №8.

³ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 35-б.

адабиётида анъанавий усулга айланган гўзал маҳбубанинг ўз ошиғига очик дил изҳор қилиши усулидан фойдаланилган. Бу хил усул ўтмиш очун битикларида, жумладан, “Юсуф ва Зулайхо” сюжетида, “Минг бир кеча” асарини ташкил қилувчи айрим ҳикояларда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Ислон дини ва мумтоз адабиётда инсоннинг нафсга мағлуб бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлашда ҳам ҳароратли гўзал аёл образларидан кенг фойдаланилган. Ҳадисларда “чиройли аёл шайтоннинг тузоғи” қабилидаги ҳикматлар борки, бу тузоқ ёки синовдан ўтолмаганлар орасида пайғамбар ҳазрати Довуд алайҳиссалом ҳам бор.

Қиз Машрабни чақирганда у зикри самоъ қилаётган эди ва ҳол даражасига етган эди. Хаёли Тангрида бўлган Раҳимбобонинг кўзи қизга тушади, Яратувчининг зуҳурини гўзал қиз жамолида кўради ва ҳайратга келиб йиқилади, бунда Машраб қизга нафс талаби билан эмас, балки пок кўнгил ва пок назар билан қарайди. *“Бу воқеа ҳазрати подшоҳимга аён бўлди. Қизил либос кийиб шамишири бараҳна бирла рўбарў бўлдилар. Шоҳ Машраб ҳазратни кўриб бу ғазални ўқудилар: (ғазалнинг Офоқ хўжа томонидан урғу берилган байтини келтирамиз)*

Бир ҳу чекибон Лайлини Мажнун қилаёздим,
Девоналиғим шона урур зулфи санамга...

Эшони Офоқ хўжам айдилар: “Эй сўфийлар, Машрабни тутингларки, андан Мансури Ҳалложнинг бўйи келадур”.¹ Дарҳақиқат, Машраб Мансур Ҳалложга улуғ бир муҳаббат билан муносабатда бўлди, унга атаб бир қанча шеърлар битди:

Шаҳиди ишқ бўлган ошиқи бечора аҳволин,
Ўшал дам Мансури мастон осилган дордин сўрғил...²
Ўн икки пардадинким ман у Мансур руҳини кўрдум,
Анал – Ҳаққ! Айтаман миръоти Зотуллоҳ бўлуб келдим...³

¹ Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 36-б.

² Ўша асар.121-б.

³ Ўша асар.149-б.

Мансур Ҳаллож


Тўлиқ исми: Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож, (араб.: منصور حلاج) – (ҳаёт йўли: 858 й. – 26 март 921 й.)

“Тасаввуф тарихида Мансур Ҳаллож каби сиймолар жазба йўналишида машҳур бўлган буюк шахслар ҳисобланадилар. Мовароуннаҳрда яшаб ўтган мажзубларнинг энг машҳури Машрабдир (XVII аср).”¹

Мансур Ҳаллож 858 йилда Шерознинг арабийлашган Турқишлоғида пахта титувчи (“ҳаллож”) оиласида туғилган. Ёшлигидан араб тили сарфи нахви ва диний билимларни ўрганди. Ўн икки ёшидаёқ қироати билан ўқувчилар орасида тенгсиз топилиб, ҳофиз унвонига эга бўлди. Ўн олти ёшида дастлабки таълимни тугатади, бироқ унга қаноат қилмай ўзига пири комил ахтаради. Амакисининг маслаҳати билан етук муршид саналган, Қуръонга шарҳ ёзиб машҳурликка эришган Саҳл Тустарийга шогирд тушади. Бироқ йигирма ёшида номаълум сабабларга кўра уни тарк этиб, Басра шаҳрига йўл олади. У ерда машҳур сўфий Жунайд Бағдодийнинг шогирди Усмон Амр ал-Маккийга мурид бўлади, устоз шогирдлик муносабатлари 18 ой давом этади. Ҳаллождаги бепоён руҳий кенглик, эркинлик уни сабоқдошлари орасида ҳар томонлама устун даражага етказди.

Жунайд Бағдодийнинг яна бир шогирди ва ал-Маккийнинг кадрдон дўсти Абу Яъқуб ал-Ақтаъ Ҳаллождаги қобилиятни сезади, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Ҳалложга Қизи Умма Хусайнга уйланишни таклиф қилади. Ҳаллож ва Умманинг тўйи ал-Маккийнинг иштирокисиз амалга ошадики, бу ҳолат ал-Маккий ва ал-Ақтаъ ўртасида кескин зиддиятни ва кейинчалик мурасасиз душманликни келтириб чиқарди. Умма Хусайн зимдан ал-Маккийнинг ҳам назарига тушганлиги сабаб рашк ва ғазаб устоз шогирд муносабатларига жиддий дарз солади.

¹ Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари/Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 7- б.



**Мансур Ҳаллож
қиёфаси ва катлининг
бадий талқинлари**



Жунайд Бағдодийнинг ўзи Ҳалложга мактублар шаклида сабоқ ва маслаҳатлар юбориб туради. 883-891 йиллар мобайнида Ахвот, Форс, Хуротон, Марказий Осиё ва Ҳиндистонни кезиб кўплаб фалсафий - маънавий мактабларни зиёрат қилади. 892 йили бир йиллик ҳаж зиёратини амалга ошириб юртига қайтади. Турфа диний, маънавий, фалсафий билимларнинг эгаси сифатида олиму фузалоларга ўзининг гоҳида расмий тушунчаларга зид келадиган фикрларини баён қилади, бу ҳол ал-Маккий, қолаверса, қайнотаси ал-Ақта қабилар томонидан кескин танқид остига олинади. Ҳаллож бир муддат сўфийлик ғояларидан чекиниб, 899 йили мамлакатнинг шимолий-шарқий чегараларига, сўнг жануб томонга йўл олиб, зардуштийлик ва манихейчилик таълимотларининг устозлари билан учрашиб “ғайри” билимларни ўзлаштиради ва 902 йили Ахвотга қайтади. Уста нотик Ҳалложнинг коинот, табиат, борлик ҳақидаги чиқишлари кўплаб тингловчиларнинг кўнглини ром этади. Ҳалложга ихлос қўйганлар уни «Ҳаллож ул-Асрор» деб атаёт бошлайдилар. Лекин унинг расмий тушунчаларга тўғри келмайдиган маърузаларидан хавотирга тушган диний арбоблар уни тилёғламачи фирибгарга чиқаришади.

Бир йил ўтгач, Ҳаллож иккинчи марта ҳаж зиёратига

отланади. Бу сафар у тўрт юз муридга муршид бўлиб, сафар қилади. Бу сафар билан боғлиқ кўплаб ривоятлар афсоналар яратилганки, уларда Ҳаллож буюк соҳиби каромат авлиё қиёфасида гавдаланади. Ҳалложнинг рақиблари уни жинлар билан алоқада бўлиб амалда каромат эмас, балки сеҳр кўрсатаётган жодугар деб атай бошлайдилар. Ҳаллож Тустарни буткул тарк этиб, Бағдодда муқим бўлади, у ерда Шиблий каби сўфийлар билан танишади.

912 йил Ҳаллож учинчи ва охирги марта Макка зиёратини амалга оширади. Бу сафар у Маккага рангли ва ялтироқ чопон (манихейчилар кийими) кийиб, буддавийлар белбоғи ва насронийлар зуннорини тақиб борди. Бундан мақсад эътиқод суратда эмас, балки комил сийратда эканлигини таъкидлашдир. Бағдодга қайтиб келган Ҳаллож ўз уйида Каъбанинг кичрайтирилган нусхасини қуради. Ривоятларда келтирилишича, 913 йили Ҳалложнинг тақдирида энг муҳим воқеа рўй беради. Ҳаллож Бағдоддаги Мансурия жомеъ масжидида ваъз айтаётиб илҳом ва жазава ҳолатига тушади, ҳаёлида дунёвий пардалар кўтарилиб, Ҳақ билан юзма – юз қолади. Ҳақ Ошиғи «Анал Ҳақ» деб ҳайқиради.

Мансур Ҳаллож худолик даъвосини қилган ва бошқа диний ҳукмларни тан олмаган деб топилиб, тўққиз йиллик қамокдан тутқунликда бўлади ва ўша ерда ўзининг ягона асари «Китаб ут-тавосин»¹ни ижод қилади. Ҳаллож 922 йили 26 мартда даҳшатли тарзда қатл этилган. Ҳалложнинг қатл этилиши билан боғлиқ ривоятлар нақллар мавжуд. Уларнинг бирини келтириб ўтамыз:

Ҳаллож қатл жойига етиб келганда унинг ёнига иблис келади ва Мансурга савол беради: “Сен “Мен” (Анал) дединг, ва мен ҳам “Мен” дедим. Нима учун сен абадий раҳматга эришдинг, менга эса – мангу лаънат?”

Ҳаллож жавоб берибди: “Сен “Мен” дединг ва ўзингга боқтинг, мен эса ўзимни “Мен”дан ажратиб олдим. Мен

¹ Қаранг: Китаб ат-Тавасин. Сад Знания / ал-Хусайн ибн Мансур ал-Халладж; Пер. с араб. Виктора Нечипуренко, Ирины Полонской; предисл. В. Нечипуренко. — Ростов н/Д: Ростовское бюро пропаганды художественной литературы Союза писателей РФ, 2007. -180 с.

раҳматга эришдим, сен эса лаънатга (Гуфт шайтон як афтод тавқи лаънаташ (Маишраб) – Э. М.). Ўзлик ҳақида ўйлаш худбинлик, “Мен” дан ажралиш ишларнинг энг аълоси”.

Туданинг ичидан Ҳалложга тошлар ёғила бошлади. Фақатгина Шиблий у тарафга гул отганда, Ҳаллож биринчи марта оғриқдан ингради.

Кимдир ундан сўради: “Сен тошларнинг зарбидан оғриқнинг белгиларини кўрсатмадинг, гул эса сени яралади. Нимадан?”

У жавоб берди: “ Огоҳ бўлмаганларни кечириш мумкин. Бироқ Шиблийнинг отаётганини кўришга чидаш қийин, зеро у бундай қилиш мумкин эмаслигини билади”.

Сўнгра жаллодлар унинг қўлларини кесишди. Ҳаллож кулди ва деди: “боғлиқ одамнинг қўлларини кесишдан осони йўқ, бироқ шундай қаҳрамон топилармикан, инсонни Ҳақдан ажратадиган сифатларнинг қўлларини кесса”.

Сўнгра жаллодлар унинг оёқларини чопишди. Ҳаллож кулиб давом этади: “бу оёқларим билан ерни кездим. Бироқ, менда икки очунни кезиш учун буюк куч бор. Қўлларингдан келса, уни кесиб мендан ажратинглар!”...

Сўнгра жаллодлар Ҳалложнинг кўзларини ўйиб олишди. Йигилганлар дод-вой солишди. Айримлар йиғлашди, бошқалар лаънатлар айтишди.

Сўнгра унинг бурни ва қулоқларини кесишди. тилка-пора қилинган вужуд тўнка устида қолдирилиб кетилди. Эртасига танасини бошдан жудо қилишди. Бош танани табассум билан тарк қилди. Бунга ҳам қаноат қилмаган жаллодлар вужудни ёқиб, кулини дарёга сочишди...

Ҳаллож чиқарган охирги хулоса шундай эди:

“Мен кўпгина динлар ҳақида ўй сўрдим ва шундай қарорга келдим: уларнинг барчаси бир илдизга эга бўлган тананинг кўплаб шохлари экан. Бир одамдан фалон эътиқодга амал қилишини талаб қилма, бу ҳолатда у ўзининг муқим илдизидан ажралади. Ваҳоланки, томирнинг ўзи инсонни излайди ва унга барча нарсанинг буюклигини ва моҳиятини кўрсатади, шундагина инсон уларни ихтиёрий ҳис қилади.”

Ҳаллож фаолияти турли мутафаккирларнинг ҳар хил

муносабатига сабаб бўлган. Жумладан, илк устозлари Тустарий ва ал-Маккий унинг жазавага бўлган мойиллигини маъқул кўришмаган, Абу Райҳой Беруний, Ибн Сурайж, Ибн Ота каби алломалар Ҳалложга унчалик хайрихоҳлик билдирмаганлар. Муҳйиддин ал-Арабий эса уни куфрликда айблаган. Ҳужжатул ислом унвонига эга бўлган имом Абу Холидал Ғаззолий Ҳаллож шатҳ ҳолатини тўғри тушунмаган деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, томчи ҳеч қачон денгиз бўлолмаганидек, Ҳаллож ҳам ўзини илоҳийлаштиришга ҳаққи йўқ эди. Лекин сўфийларнинг улуғ авлиёлари жазава хайрихоҳлари Абу Йазид Бистомий, аш-Шиблий, шунингдек, Жунайд Бағдодий, Аҳмад Яссавий кабилар уни қўллаб-қувватлашган.

Қашқарлик тазкиранавис Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ўзининг икки мисрасида Ҳаллож концепциясининг моҳиятини аниқ англатди:

Ишқ ароким Мансур «Анал ҳақ» деди,
Ошиқ ўзи, ҳар на деди – Ҳақ деди.

Раҳимбобо Машраб Ҳалложнинг фожеали қисматини тан олди, унга атаб бир қанча мисралар битди. Машрабнинг бутун ҳаёти давомида, ҳаттоки жазавани маъқул кўрмаган устози билан муносабатида ҳам Ҳалложнинг таъсири, нафаси келиб турди ва бу нарса қиссаларда ҳам ўз аксини топди. “Девонаи Машраб”да Офоқ хўжа “Машрабдан Мансур Ҳаллож иси келаяпти” деганининг учта маъноси бор, биринчидан, Машраб Ҳалложнинг тариқатини тутгани; иккинчидан, канизакка бўлган муносабатда зоҳирда Мансурнинг ҳаётига шаъма қилса, ботинда инсонда яратганнинг зуҳурини кўриши; учинчидан, “Мансурвор сиёсат дорига” тортилиши. Чиндан ҳам бошқа ўхшаш нуқталарни кўйиб туриб, юқорида тўхталган сюжетга, яъни Машраб, канизак қиз ва Офоқ хўжа муносабатларига қайтсак, Мансур Ҳаллож, аёли Умма ва устози ал-Маккий ўртасидаги муносабатга жуда ўхшаш эканлигини кўришимиз мумкин.

Қиссада келтирилишича, Офоқ хўжа Машрабни жисмоний жазолайди: *“Сўфийлар Шоҳ Машрабни босдилар. Ҳазрати*

Офоқ хўжам киссаларидан муҳрларини олиб, ўтга ташлаб, қизитиб, Машрабни гарданига бостилар. Валийulloҳ каромат билан топтиларки, одамзоднинг шаҳватини жойи банди гардан тамуридадур. Ўшал тамурни топиб муҳр бостилар. Хазратимни илтифотларига шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар”. Қиссадаги мана шу ҳолат Машраб ҳақида яратилган шўролар даври адабиётида уйланмай ўтганлигининг сабабларидан бири сифатида талқин қилинган.

Машраб ва қалмоқ қизи

Машраб ва гўзал қиз образи, улар ўртасидаги муносабат талқини шу билан тугамайди. Машрабнинг мижози, ички дунёси, айниқса, инсоний фазилатлари унинг Офоқ исмли тарсо қизи билан боғлиқ бўлган сюжетларда яққол намоён бўлади. Машраб Ийла (Или) да қалмоқлар ҳокими Кунтожининг Офоқ исмли қизига дуч келиб, уни ёқтириб қолади. Қизнинг ҳам оташнок, ажаб қаландарга меҳри тушади, натижада Машраб қалмоқ қизи истаги билан уч йил *“ёмғир сувини ичиб ва гиёҳларни илдизини еб, тева боқтилар. Шоҳ Машрабни гаразлари бу қизни ишқи эмас эди, балки муддао бу эрдик, мундоғ нозанин дўзах ўтида куймагай, деб афсус ва надомат бирла айдиларки: “Шояд бу қиз мусулмон бўлуб, дохили биҳишти анбар сиришт бўлса”.*¹

Қиз ўзи ва Машраб ўртасидаги муносабатни шайх Санъон ва тарсо қизига қиёслайди. Офоқ Машрабнинг динига бўлган эътиқодини синаб кўрмоқ ниятида уч йил тева боқиб, риёзат чекишга буюради. Машраб бу хил синовга бардош бериб мақсадга етади. Энди шайх Санъон ва тарсо (христиан) қизи сюжетининг ушбу ҳикояга алоқаси борми, деган саволга жавоб берамиз. Достоннинг асосий қаҳрамони шайх Санъон (ибн Саққо) –XI – XII асрда яшаган тарихий шахсдир. У тарсо қизига ошиқ бўлган ва бунинг натижасида кўп азоб-укубат тортган. Ушбу оташин

¹ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 50-б.

севги ҳақидаги қисса Фаридиддин Аттор томонидан “Мантикут тайр” достонида ҳикоя қилинган. Мазкур ҳикоя ўзбек тилида Алишер Навоийнинг “Лисон ун тайр” достонида ҳам келтирилган. Ундаги шайх Санъон Каъбада яшаб, тоат-ибодат билан машғул бўлганларга раҳнамолик қилади. Унга мурид бўлганларнинг сони тўрт юзтача эди. Мана шундай табаррук зот тушида бир тарсо қизини яхши кўриб қолади. Лекин қиз унинг висолига етишиш учун мусулмонликда катта гуноҳ саналувчи тўрт шарт айтади. Булар: май ичиш, тарсоларнинг зуннорини боғлаш, маст бўлиб “Қуръон”ни куйдириш, бутпарастлик йўлини тутиш, шунингдек яна икки жаримаси бир йил давомида чўчкабоқарлик ва ўтхонада гулаҳлик қилиш. Юқоридаги тўртта катта шартни Навоий “такбири фано” деб атайти. Бу тўрт “такбири фано” “Девонаи Машраб” да ҳам учрайди. Машраб тарсо қизини ўз динига киришга даъват этганда қиз: *“Эй девона, Худойинг рост, дининг барҳақ экан, аммо мани динимга киргил, андин сўнг ишқ лофини ургил”* дейди. Шунда Машраб *“бир маслаҳат бордир”*, деб Саъдий Шерозийнинг машҳур шеърини ўқийди:

*“Май бихўр, мусҳаф бисузу оташ андар Каъба зан,
Сокини бутхона бошу, мардум озори макун,
Ба Каъба чи мерави дили якеро дарёб,
Беҳтар зи ҳазор Каъба бошад як дил”,¹ -*

Шеърнинг мазмуни: -

«Май ич, “Мусҳаф”ни куйдир, Каъбага ўт кўй,
Бутхонада бутпарастлик қилу, одамларга озор берма.
Каъбага нима қиласан бориб, ундан кўра бирон дилни овлагин,
Бир дилнинг олдида минг Каъба нима деган нарса».

Демак, улуғ саналган гуноҳлар ҳам инсоннинг кўнглига озор беришчалик зарар етказолмаган, энг муҳими инсонни ранжитмаслик, унинг пок кўнглини топиб иш қилиш. Оламда барча нарса ўткинчи, фақат Тангри мангу ва мутлақдур. Инсон ҳам ишққа гирифтор бўлса ва ўзлигидан воз кечиб фоний

¹ Қиссаи Машраб. –Т., 1992. – 52-б.

бўлса, боқийликка эришиши мумкин экан. Яъни Навоий айтганидек:

Фонийи мутлакдурур гар худ бако,
Истасанг қилмок, керак ўзни фано.¹

Шайх Санъон маҳбубасига бўлган чин севги натижасида ўзлигидан кечиб фонийликка эришган бўлса, Машраб тарсо қизиди акс этган илоҳий тажаллий шайдосидир ва бу гўзаллик эгасининг имондан хабарсиз бўлганлиги учун жазоланишини ҳеч истамайди. Машрабнинг мақсади қизни “доҳили биҳишти анбар сиришт” қилса, шу мақсадда у қизнинг шартини қабул қилиб, уч йил “риёзат чекади”.

Лекин вақт ўтиши билан Машрабнинг қизга бўлган ишқи янада алангаланаяди, энди Машраб нафақат уни «кофирликдан қутқаришни», балки борган сари қизда Яратувчининг тажаллийсини кўпроқ ҳис этиши ва кучли руҳий ҳолатларни бошдан ўтказиши қуйидаги ҳикояда тасвирланади: *“Кунтожи буюрдики: ”ул қаландарни мунда олиб келинглар”, - деб. Икки киши айдилар, Машраб келмадилар. Кунтожи сўрдики: “Қаландар нима дейдур?” Алар айдиларки “Тангри” деб йиғлаб юрубдур. Ўзгасини англомадук”, дедилар. Вазир айди: “Андоғ эрса ошиқни келтирмоққа маъшуқ керак. Қизингизни юборинг бориб олиб келсун”.*² Офок чиройли либосда бориб Машрабни саройга бошлаб келади. Машраб Тангри, деб йиғлаб юрганлиги ва хаёли фақат унда бўлганлиги сабабли Кунтожининг чақириқларига кулоқ солмаган ва унинг олдида бормаган. Хўш, унда нега Машраб Офок (Абоқ)нинг талаби билан Кунтожининг олдида келади? Бу ерда тасаввуфнинг энг катта масаласи – Яратганнинг табиатда ва жамиятдаги зухуроти ҳақида гап кетаяпти. Биз бу масалани Мансур Ҳаллож таълимоти ҳақида гапирганимизда ёритиб ўтгандик. Яъни, гўё Яратувчи ўз қудратини намойиш этиш

¹ *Алишер Навоий. Лисонут-тайр (Таҳрир ҳайъати - А. Қаюмов ва бошқ., тузувчи: М. Раҳмонов). – Т.: Адабиёт ва санъат нашр. 1991. – 222-б.*

² Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 50-б.

учун ўз ҳуснини оламдаги гўзал нарсаларда намоён қилган. Мислсиз донолигини мутафаккирларда, тенгсиз ҳуснини гўзал инсонларда зухур эттирган. Шу сабабли Тангрининг висолини истаган Машраб қизда илоҳий жилони кўради, унга эргашиб саройга келади.

Раҳимбобо Машраб муштипар ва мушфиқ онаси ва сингилларига, Қашқардаги маҳбубасига ва қалмоқ қизи Абоқга алоҳида бир ҳурмат, ҳалимлик ва меҳр билан муносабатда бўлди. Ҳар қандай амиру ҳоқонлар олдида айтар сўзидан тонмайдиган, қаҳридан ўт ёғиладиган, Ҳақдан ўзгадан кўркмайдиган Раҳимбобо Машраб аёллар қаршисида мулойим, уларнинг барча талабларини қабул қиладиган ва ўрни билан тўғри йўлга чорлайдиган сиймо сифатида намоён бўлади. Бунда у аёлларга мезон сифатида шеърларида кўп марта келтирган сўфий аёл Робийа Адавийани билган. Жумладан, у бир шеърида унга бўлган ҳурматини шундай ифодалайди:

Каъба кўрдунгму Худо кўрдунгму рост айтгин манга,
Робийадек наъра тортиб ҳашт Жаннатдин гапур...

Робийа Адавийа (араб.: رابعة العدوية) (713/4 – 801 й.й.) биринчи сўфий аёл сифатида тарихдан жой олган. Камбағал араб оиласида дунёга келган. Айрим манбаларда келтирилишича, номаълум сабаб-ларга кўра ёшлигида қулликка сотиб юборилган. Кейинчалик ўзининг тақводорлиги эвазига озодликка эришган. Шундан сўнг Робийа бир неча йил саҳрода, сўнгра Басрада зоҳидликда кун кечиради. Унинг устози сифатида Ҳасан Басрий келтирилади. Робийанинг Шақиқа ал – Балхий, Сўфёна ас-Саурий каби шогирдлари бўлган.

Робийа Адавийа биринчи бўлиб инсоннинг маънавий дунёсида Яратганга сингиб кетар даражасида бўлган беғараз муҳаббат асосий ўрин тутиши керак деган ғояни илгари сурган. Робийанинг ғоялари кейинги давр сўфийлари дунёқарашида муҳим ўрин тутган ва Бистомий, Ҳаллож, Ибн Арабий ғояларига асос вазифасини ўтаган. Айрим сўфийлар Робийани валий деб билишган. Уни турли кароматлар соҳиби

ва ғайритабиий иқтидор эгаси сифатида кўришган, сўфий жамоалар ичида у маърифий ғоялар ташувчи кўплаб ривоятларга мавзу бўлган.

Робийа доимий равишда устози Ҳасан ал-Басрийнинг сўфиёна мазмундаги маърузаларига қатнашган. Шундай маърузаларнинг бирига Робийа вақтида келмайди. Басрий анжуманини бошламай туради. Тингловчилар устоздан кимни кутиб турганлигини сўрашади. Басрий дейди: «Менинг сўзларим қанчалик ҳикмат ташимасин, уларнинг барчаси Робийанинг юрагидан оқиб келади.»

Кўплаб мухтарам кишилар, жумладан, Басра амири Муҳаммад бин Сулаймон Робийанинг кўлини сўрашган. Бироқ уларнинг таклифини тинглаш учун ҳам Робийа жавоби ниҳоятда мураккаб бўлган тўрт саволни ўртага қўйган. Уларнинг жавобларини Ҳасан Басрийдан бўлак ҳеч ким тополмаган. Басрийнинг таклифига эса Робийа ўзини буткул тарк этиб, фақатгина Унда мавжудлигини билдиради. Умуман олганда эса, сўфий манбаларда Робийа ва Ҳасан ҳақида кўплаб нақллар мавжуд. Келтирилишича, Робийанинг қабри “Жебел аз-Зейтун” (Элион) тоғидан жой олган. XVII асрда эса у ерда ҳашаматли мачит қурилган.

Ҳувайдонинг «Қиссаи Иброҳим Адҳам» асарида Робийа Адавийа ҳақида қизиқ лавҳа келтирилади:

Олиб ароби шахни йўлга кирди,
Тевага миндуруб Маккага борди,
Кўрар султонки, Макка ўрнида йўқ,
-Магар бўлғой, -деди, -йўлни адаштук.
-Ва ё, - деди, - кўзумни парда тутти.
Сабаб недур, бу ердин қайда кетти?
Ўшал дам хотифедин келди овоз,
Деди: Иброҳим, эмди ёнмағил боз.
Вале билгил, бизнинг бир дўстимиз бор...
Яна келдики, хотифдин нидойи,
Отидур Робийа, бил, Басра жойи.¹

¹ Қиссаи Иброҳим Адҳам. –Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 90-91 б.

Садоқат тимсоли

“Девонаи Машраб” қиссасининг турли жойларида келтирилган, ўзаро алоқада бўлган учта кичик эпизод Машрабнинг ўз таълимотига бўлган садоқатини ифодалашда айниқса, қўл келади. Машраб Қашқарга бора туриб йўлда чўпонга учрайди ва ундан пири ҳақида билиш ёки билмаслигини сўрайди. Қўйчи билмаслигини айтгач, “Машраб айдилар: *“Йўқ эса ушбу итингни бергил, ман санга пирингни баён қилай”*. Қўйчи ночор бўлуб итини беради. Андин сўнг шоҳ Машраб асҳоби қаҳфнинг исмларини бир-бир баён қиладиларки: *Ямлихо, Максалино, Каишфутат, Озарфат Юнус, Ювонис Юнис, Табюнис, Каишофат Юнис, исми Калбуҳим қитмир”* дедилар. Андин сўнг итни олиб айдилар: *Эй жонивори безабон, эмди манга бўлгил!”*¹

Бошқа бир ҳикояда Машраб Офок хўжа назарида гуноҳ қилиб даргоҳидан қувилгач, ўз айбини пиридан сўраб, унга бўлган садоқати бекиёс эканлигини кўрсатиш учун ўзини ит каби паст тутиб устози олдида қуйидагидек ҳолда намоён бўлади: *“Ҳазратим чиқиб кўрдиларки, Машрабни қўли орқасига боғланган, арғамчини бир учи гарданига яна бир учи итни гарданига боғланган, ушбу ҳолда кўруб табассум қилдилар”*.²

Қиссанинг сўнгги ҳикояларидан бирида Маҳмудхон Машрабнинг олдида ош қўяди. Машраб ошни ўзи емай, итининг олдида қўяди, лекин ити ҳам емайди. Шунда Маҳмудхон *“Тақсир, менинг ошимни нечук емайсиз?”* деб сўраганда, Машраб *“Санинг ошингни итим емайдур, ман начук ейдурман”*³ деб жавоб беради.

Маҳмудхон золим ҳоким гуруҳ вакили, Машраб эътиқодига ҳилоф равишда унинг таомини қабул қилолмайди. Агар бу таом оддий бир меҳнаткаш томонидан таклиф қилинганда-чи?

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 25-б.

² Ўша асар.63-б.

³ Ўша асар.159-б.

Бир ривоятда айтилишича, Ибн Ҳафиф деган шерозлик муршид бир бўзчи қўшниси тарафидан меҳмонга таклиф қилиниб, гўшт билан сийланади. Гўшт Ибн Ҳафифга хидлангандек туюлганлиги учун у таомга ҳатто қўлини ҳам текизмабди. Бу ҳолат мезбонни жуда ноқулай аҳволга солиб қўйибди. Бироз вақтдан кейин Ибн Ҳафиф Маккага ҳаж зиёратига йўл олади. Саҳродаги ноқулай об-ҳаво таъсиридан унинг карвони йўлдан адашибди. Бир неча кунги очликдан тинкаси қуриган сайёҳлар мажбурлик тақозосидан бир итни ўлдиришни лозим топишибди. Гўшт тақсимооти вақтида Ибн Ҳафифга итнинг калласи насиб бўлибди. Шунда у бечора қўшнисига нисбатан қилган ғайриисломий муносабати натижасида шундай куйга тушганлигини англаб етади (ривоятнинг кейинги вариантыда ит боши тилга кириб, Ибн Ҳафифга қўшнисига қилган адолатсизлигини эслатади). Муршид ортига қайтиб бориб қўшнисидан узр сўрайди ва шундан кейингина у ҳаж сафарини кўнгилдагидек амалга оширади.

Келтирилган ушбу ривоятдан ҳам очик-равшан бўлаяптики, амир-амалдорларнинг миннатли ошидан, оддий кишиларнинг сидқидилдан тутилган таоми ҳар жиҳатдан устун экан. Уларнинг ихлос билан тутилган инъоми кичик ёки арзимасдек туюлса-да, уни улуғ неъматдек қабул қилиш сўфийлар учун фарздек. Менсимаслик кишининг дилига ғубор туширади, одамларнинг ихлосини сўндиради. Машраб ҳеч қачон Ибн Ҳафиф қўшнисига қилган манманликни қилмаслиги аниқ.

Хўш, ривоятларда келтирилган оддий бир итга бунчалик эътибор, бунчалик ҳурматнинг сабаби нима? Машрабнинг ўзини итдан ҳам паст тутишида қандай ҳикмат бор?

Маълумки, қадим-қадимдан халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиётда ит образи билан боғлиқ ҳикоя ва афсоналар яратилиб келинган. Итга хос бўлган вафодорлик, садоқат ва беозорлик кишилар эътибори ва ҳурматини қозонган. Ҳатто қадимги муқаддас китобларда итларнинг фазилатлари ҳақида, уларга қандай муносабатда бўлишга доир маълумотлар бор. Жумладан, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да

итни урган кишининг ҳаёти оғир кечиши, унинг боши ҳар хил кўнгилсизликлардан аримаслиги уқтирилиб ўтилади.

Итларда мужассам бўлган барча ижобий хусусиятлар олим ва файласуфлар томонидан турли талқинларга сабаб бўлган. Ўзига хос мактабларни вужудга келтирган.

Юнонистонда мавжуд бўлган “Кинизм” мактабининг асосчиларидан бири Диоген (мил.олд.412-323 й.й.) итларга шунчалик меҳр қўйган эканки, ҳатто ўз турмуш тарзида, яшаш шароитида шу жониворга тақлид қилаверганидан халқ томонидан яхши маънода “ит” номини олган экан. Диоген вафот этгач эса мухлислари унинг мақбараси устига итнинг ҳайкалини ўрнатишган.

Итни улуғлаб, унга шуҳрат келтирган қадимги ривоятлардан бири Римда яшаган Квент Троен Деций (милод. 200 – 251й.й.) номи билан боғлиқ. Унда айтилишича, Эфес шаҳрида яшовчи олти йигит золим Децийнинг таъқибидан қочиб, тоғда чўпонга дуч келишади. Улар чўпонга маъқул тушгач, чўпон ити билан йигитларга эргашади. Ҳаммалари ғорга яшириниб, 300 йил ухлашади. Уйғонишгандан сўнг Ямлихо деган йигит бозорга бориб нон сотиб олади. Бозорда “Децийнинг тангалари”ни олиб юрган йигитни ва унинг дўстлари саргузаштларини эшитган одамлар уларни авлиёлар даражасига кўтарадилар. Ушбу ривоят ҳақида Абу Райхон Беруний ўзининг “Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар” асарида гапириб, Сурияда “Тиштрия ойининг бешинчи куни Эфес шаҳри яқинидаги ғорда ухлаган авлиёлар хотирланади” - деб маълумот беради. Ушбу ривоят кейинги даврларда турли шакл ва мазмунда ўзгаришларга юз тутди. “Кахф” сурасини эслатувчи бу ривоят бадий адабиётда вафо ва садоқат тимсолига айланди.

Ит инсон учун қанчалик хизмат қилмасин, у ҳеч қачон миннат қилмайди, мағрурланмайди. Бу образ сўфийлар учун рамз бўлиб хизмат қилган. Ривоятларда айтилишича бир куни Хожа Баҳовуддин Нақшбанд кўзларига тозаликдан йироқ бўлган бир кўтир ит кўринади. Шайх уни ўзидан юқори билиб, кўзига ёш олганича нола чекиб шундай дебди: “Бу ит вафо қилувчилар тоифасидандир, мен эса ундай бўлмаганлигим

учун ўзимни у билан тенг деб айта олмайман. У Худовандига вафодан ўзга нарсани билмайди, мен эса фақат унга жабр киламан, холос”. Ит туриб кетгач, тупрокда унинг излари қолади ва бунда шайх изга қараб “Мен ортиқманми ёки бу из?” деб ўзига савол беради. Сўнгра “бу из вафо аҳлининг изидир, мен эса вафосизлик сари этак судрайман” деб ғарибларча ер ўпиб, ит изларига кўзларини сурта бошлайди.¹ “Тарихи Рашидий” асарида ҳам қизиқ ривоят келтирилади: “Талабгор ва мухтож бандалар шундай бўлиши керакки, улуғ авлиёларнинг эшигидаги итларни ҳам иззат – ҳурматдан четда қолдирмасинлар, чунки авлиёлар пешвоси, муршидлар етакчиси Ҳазрат Хожа Баҳоул ҳақ ваддин (Оллоҳ унинг сирларини муқаддас қилгай)нинг муножотларида шундай дейилган: “Мени бир неча йилгача ҳайвонларнинг хизмати ва парваришига буюрди, ҳатто бир итга илтижо қилиб, ҳожатмандлигимни изҳор қилдим. У итдан мен ҳақимда қилган бир мунгли нолани англадим-да, кўлимни кўтариб, “Омин!” дедим. У ит кўл – оёқларини ҳавога кўтариб, нола қиларди, унинг мен учун Тангри даргоҳига қараб нола қилаётганини билдим”. Назм

Агар мен ит оёғин ўпсам, эй носих, манъ этма,
Ки ман бир кун уни Дўст манзилида кўрганим бордир.”.²

Итнинг вафодорлиги мумтоз адиблар асарларида ҳам куйланиб келинган. Жумладан, қиссадаги Машраб ҳам ит тимсолида вафодор дўст сиймосини кўра олган, шу ит каби садоқат билан ўз Яратувчисига хизмат қилишни орзу қилган. Машраб итнинг яна бир хусусиятини ўзи учун ибрат деб билади. Ит эгасига умр бўйи хизмат қилса ҳам ҳеч қачон буни миннат қилмайди. Мағрурлик унга ёт. Сўфийлар кимки қилган хизмати (тоат-ибодати) учун ғурурланса, бу мағрурлик уни бир куни ҳалок қилади, дейишади.

¹ Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр.– Т., 1989. – 132-б.

² Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 567-б.

Сўнгги манзил

Барча “Девонаи Машраб” китобларининг сўнгги ҳикоясида Машрабнинг Балх шаҳрига бориши ва у ерда ҳоким Маҳмуд Қатағон томонидан дорга осиб ўлдирилиши ҳақида маълумот берилади. Машраб Балх шаҳрига келгач, *“Бир неча муллолар рўбарў келдилар. Муллолар кўрдиларки, бир қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари фатила-фатила гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уруб келадур. Дарҳол ўша муллолар орасидин бир мулло чиқиб келиб шоҳ Машрабга салом қилди. Айди: “Эй қаландар отингиз нимадур?” Шоҳ Машраб айдиларки: “Мани отим Худой”. Муллолар бу сўзни эшитиб айдиларки: “Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Даъвойи Худолик қилди. Муни ўлдирмак керак”. Шоҳ Машраб шул қочқонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар... Маҳмудхон айди: “Эй қаландар, булар нима дейдурлар”. Шоҳ Машраб айдилар: “Эй Маҳмудхон, эшакка тескари минганим рост турур, аммо отимни атом ва аном Худойберган қўйган эканлар. Булар отимни сўрадилар. Ман “Худой” деб ҳануз “берган” уни айтмай туриб, булар ит бўлуб мани қувладилар. Ман мушук бўлиб мунда қочиб келдим”*.¹

Ушбу ҳикояда сўз санъатининг жозибаси орқали ҳам енгил ҳазил, ҳам Мансур Ҳаллож айтган “Анал Ҳақ” ибораси берадиган фалсафий маъно ҳам ўз аксини топаяпти. Халқ китобларининг ўзига хос хусусиятлари катта бир фалсафий маънони ифодаладиган фикрни оддий халқ тилида сўз ўйини орқали ифода этишда кўринади. Худди шу ҳолат нафакат “Девонаи Машраб” қиссасида, балки “Қиссаи Сайд Насимий” асарида ҳам акс этади. Унда айтилишича, Мансур опаси Аналнинг кечалари уйда бўлмай номаълум жойларга кетиб қолишидан безовталаниб кеч тушгач, унинг орқасидан кузатиб бир ғорга кириб боради. У ерда чилтанлар² Анални қарши олишади ва Мансурни ҳам ёнларига чорлашади. Шунда

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 157-б.

² Афсонавий қирқ қаландар.

чилтанлар шароби ҳақ қуйилган косани давра ўзра айлангириб ичишади. Навбат Мансурга келганда опаси Анал “Мансур бир косани кўтара олмайди” деб косадагини ўзи ичади. Озгина ортиб қолганини укасига беради. Мансур косадагини ичгач, ўнгу-сўлига қарамай телбалардек оғзидан кўпик сачратиб ташқарига чиқиб “Анал Ҳақ!” деб дод солиб юради. Атрофдаги муллолар, қози-ю мухтасиблар Мансурдан бу сўзни айтмасликни талаб қиладилар. Натижа бўлмагач, хонга арз этадилар. Мансурнинг айтгани куфр деб топилиб, қатл қилинади.

Машрабнинг “Мани отим Худой” дегани қиссада Худойберганнинг ярми айтилиб, қолгани айтилмай қолганлиги мутойиба тарзида келтирилмоқда. Кейинги ривоятда ҳам Мансурнинг “Анал Ҳақ!” ҳайкириғида сўз ўйини қўлланилган. Бу ибора юзаки томондан “Мансурнинг Анал исмли опаси ҳақ эканлиги, яъни кечалари ҳеч қандай фахш ишлари билан шуғулланмас экан” деган мазмунда келтирилади. Юқорида айтганимиздек, ушбу сўз ўйинларида Мансур Ҳаллож концепцияси асосини ташкил этган “Анал Ҳақ” иборасининг мазмуни ётибди.

Машрабнинг сўзга устамонлиги Маҳмудхонга ёққач, зўр ихлос билан унга хизматга киришади. Айтадики: *“Машраб деган бир авлиё чиқгон эмишлар. Маккага ўтубдурлар, - деб. Мани ниятим шул эрдик, ул қаландарни кўрсам, таҳоратларига сув берсам”...Шоҳ Машраб айдиларки: “Эй Маҳмудхон, ғалат айтурсан, мани сарнавиштимда ажалим санинг қўлингда битилган. Мани шаҳид қилурсан”... Маҳмуд таажжуб қилиб яна айдик: “Эй тақсир, ҳаддим бўлурму, сизнинг бир тола мўйингизни ҳам қилсам”*¹.

Ривоят қилинишича, бир куни Иброҳим Адҳамни ўғрилиқда айблашиб Ҳорун ар-Рашиднинг олдида олиб келишибди. Иброҳимнинг ақлли сўзлари подшоҳнинг унга нисбатан ихлосини пайдо қилиб халво ва полуда олиб келишни буюрибди. Лекин Иброҳим Адҳам бу ширинликларни емабди. *“Халифа давом этиб деди: “Нега*

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 158-б.

емайсан?” Султон Иброҳим: “Бу полуда эмас, балки олудадир (аралашган)” деди. Халифа: “Олуда деганинг нима?” деб сўради. Султон Иброҳим: “Агар унда бир қатра ҳаром бўлса бу олуда бўлади, борди-ю ҳалол бўлса ҳам мен дунё лаззатини ўзимга ҳаром қилганман”¹ деди. Сўфийларнинг ҳоким гуруҳларга бўлган бундай муносабати ҳақида юқорида ҳам тўхталиб ўтган эдик. Демак, ўтмишдаги барча чин сўфийлар назарида ҳокимлар ва атрофдагиларидан келган ҳар қандай неъматни ёки луқмани ҳаром деб билишган ва истеъмол қилишдан тийилишган, чунки ҳоким гуруҳларнинг бойлиги ҳалол йўл билан эмас, зўрлик билан қўлга киритилган. Машраб ҳам шу нуқтаи назардан Балх ҳокими тутган ошни емайди. Ҳалол бўлмаган меҳнат билан топилган таомни ейишдан воз кечиб вужудини пок сақлайди.

Қиссанинг сўнгида Машраб ва Маҳмуд ўртасида зиддият келиб чиқади. Маҳмудхон Машрабга зўр илтифотлар кўрсатади. Шунда Машраб ниҳоятда қалтис иш қилади, хоннинг ошини емагани устига тахтини бўлғайди. Маҳмуд Машрабдан бунинг сабабини сўраганида у: “Хўп қилдим. Ман сани тахтингга ўлтурсам нима бўлубдур. Сан юртга ўлтурдинг”, - дейди. Дарғазаб бўлган Маҳмуд шоирни қатл этишга буюради. Шуниси қизиқки, “Қиссаи Сайид Насимий” китобида ҳам Насимийни айбдор, деб топилиб қатл этилиши кўп жиҳатдан Машрабнинг қиссадаги тақдирига ўхшаб кетади. Бунда қиссанавислар Насимий ва Машрабнинг руҳий дунёси муштараклигини, уларнинг авлиёлар зотидан эканлигини кўрсатишга интилишган. Қуйида Насимий қатли ҳақида сюжетни қисқартириб келтиришни лозим топдик. Унда айтилишича, Насимий Бағдод шаҳрига кириб борганда унинг қаршисидан мулло-ю, қозилар чиқиб қолишади. Бир муллонинг исми Нишоқ эди, Насимий шунга урғу бериб гапиради. Мулло фикр қилиб, бу “бизни ҳақорат қилаяпти” деб беш юз мулло-ю муфтидан иборат навкар йиғади. Улар

¹ Навбаҳорий, Сайф уз-Зафар. Дурр ул-мажолис. –Т., 1992. – 106-б.

“бунинг Нишоқ дегани - тиши оқу ичи қора дегани” деган хулосага келишади. Шунда Насимий: “Ассалому алайкум эй ичи қора тиши (ташқарилари – Э.М.) оқлар, жума кун калда кал, мулло мусулмонда кал”. Бундан дарғазаб бўлган муллолар шоҳни тезлаб Насимийни дорга осишади:

“Насимий етти кеча кун осилиб,
Сўздин қолмади бўғзи қисилиб.
Бунга кор қилмади дори халойиқ,
Анинг чун сақлади олмоғи холик
Ки баъдаз етти кун қози-ю муфти,
Ёнинда мухтасиб муллосин кўпти.
Келибон жумла хона қилдилар арз
“Мунинг қатли эрур шоҳим сиза фарз,
Чу дора осмок, ила ўлмади бу,
Магар бу ўрганибдур сеҳру жоду.
Тилин кесиб, кўзин ўймоқ керакдур,
Ётуриб ер уза сўймоқ, керакдур”.
Тутиб халқасидин они босинглар,
Терисин сўйиб сомон тикинглар.
Босиб ҳар ерга урдилар пичокни,
Тилидин кўймади бу зикри ҳакни.
Пичок кор этмади ҳеч ерига,
Ки ҳарчанд зўр этар ўтмас терига”.

Жаллодларнинг мажоли қолмай чарчаганидан кейин, Насимий деди:

“Тавоним бирла босканман нажосат,
Пичок кесмак ила бўлмиш касофат”.
Даҳонидин тутиб сўйди терисин,
Тамом аъзосидин кўймай бирисин”.

Насимийга эътиқод қўйган Машраб унга атаб бир қанча мисрлар битди. Жумладан:

Ўн учга етти вақтим ҳоли суратда Насимийман,
Теримни сўйдилар машғули бул савдо бўлиб келдим.¹

¹Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 149-б.

Сайид Имоиддин Насимий

Насимий тахаллуси; исми: Саид Имоиддин¹ (озарб.: İmadəddin Nəsimi, форс.: *عمادالدین نسیمی*) (тахм. 1370 – 1417). Озарбайжон шоири, араб ва форс тилларида ҳам шеър ёзган.² Насимий ижодига хуруфийлик катта таъсир кўрсатган.³ Тақлид аҳли унинг мазхабида қусур бор деб тухмат қилиб шаҳид қилдилар.⁴ Насимий XIV – XV асрларда Эронда вужудга келган ғулот шиа мазхабидаги хуруфийлик оқими таъсирида бўлган. Бу оқим тарафдорлари араб ҳарфлари сирли мазмунга эга, деган таълимотни илгари суришган. Насимий Озарбайжон девончилигининг отаси ҳисобланади (ўн беш минг шеърый мисра атрофида), бундан ташқари у форс тилида девон тартиб берган (беш минг мисра атрофида); қатор шеърларини араб тилида ижод қилган. Насимий озарбайжон шеърятининг дастлабки намуналарини яратиб, адабий тилнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди.



**Насимийнинг
Бокудаги ҳайкали**

Насимий Шемаха шаҳрида хунарманд оиласида улғайди; математика, астрономия, мантиқ ва дин асосларини ўрганди. Шарқнинг таниқли мутасаввуфлари бадий асарларини қунт билан ўқиди, туркий, араб ва форс шеъряти ва фалсафасига

¹ Айрим ўзбек тилидаги тадқиқотларда Насимийнинг исми янглиш тарзда Имомиддин деб ёзилган.

² Ислом - справочник. – Т.: Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси. 1989. 217-б.

³ Мумтаз С. Сејид Имадэддин Нәсими Азарбајчан әдәбијјаты, Бақы, 1926.; яна: Араслы Н. Фәдакар шаир (Нәсими), Бақы, 1942; яна: Гулузадә М., Нәсими. Азәрбајчан әдәбијјаты тарихи, 3 чилдә, ч. 1, Бақы, 1960. 278-б. ; яна: Gölpınarlı, Nesimi, Usuli, Ruhi, Istanbul, 1953; яна: Имадэддин Нәсими [Матн] (һәјат вә јарадычылығы / Н. Араслы.) - Бақы : Азәр. Дөвләт Нәшријјаты, 1972. - 73 с.

⁴ Алишер Навоий. Асарлар, 13 том. – Т.: 1966. 182-б.

кизиқди. Фаолиятининг дастлабки даврларида Сайид Имодиддин устози Фазлуллоҳ Наимий сингари тасаввуф ихлосманди бўлди. Бадиий сўз устаси бўлиб етишишида пирининг “Искандарнома”, “Муҳаббатнома” дostonларидан, “Ашъори Наимий” девонидан илҳомланди. Файласуфона ғояларни “Жовидони кабир” (Улуғ мангулик – М. Э.), “Навмнома” (Тушлар таъбири-Э. М.) асарларидан ўрганди. Имодиддин устози Наимийга тақлидан Насимий тахаллусини қабул қилиб, ҳуруфий тарикатининг вакилига айланди.

Имодиддин Насимий “Анал Ҳақ!” деб айта олган Мансур Ҳаллож фаолиятига эътиқод қўйди ва шеърларида бу иборани бир неча марта ишлатди. Шунингдек, Насимий шеъриятида Жалолиддин Румий, Ибн Сино, Фаридиддин Аттор каби улуғларнинг номлари чуқур ҳурмат билан тилга олинади.

Соҳибқирон Амир Темур 1385 йили Табриз ва Озарбайжонни эгаллагач, ҳудуд Мироншоҳ ҳукмронлигига ўтади. Ҳуруфийлар унинг идоравий бошқарувига қарши кўплаб норозиликлар билан чиқишади. Бунинг оқибатида уларнинг бошлиғи – Фазлуллоҳ Наимий дорга осилишга ҳукм қилинади, мурдаси отнинг думига боғланиб Наҳчевон яқинидаги Олинча шаҳри кўчаларида минглаб одамлар кўз ўнгида судралади.

Наимий тутқинликда бўлганда “Васиятнома” битади. Унга кўра қизи Имодиддин билан оила қуриши ва иккаласи биргаликда Боқуни тарк этишлари лозимлиги васият қилинади. Шу васиятга биноан Насимий устози Фазлуллоҳ Наимийнинг қизига уйланади ва ватанини тарк этиб, Кичик Осиёга йўл олади.

У Бағдод, Ироқ, Туркиянинг Анадолу, Бурса шаҳарларида яшаб ижодий фаолият билан шуғулланиди, ҳуруфийлик ғояларини тарғиб қилгани учун бир неча марта қамоққа ташланди. Насимий зулҳайдарбеклар сулоласи вакили Алибек билан, унинг акаси Носириддин ва Усмон Қорақуюнли билан умумий тил топишиб, уларга ҳуруфий таълимотни ўргатади ва улар ҳомийлигида фаолият олиб боради. Насимий бир неча йил оиласи билан Ҳалаб шаҳрида яшади. Бироқ унинг фаолияти мухтасиблар ва Миср султони Муайяд томонидан

сезилмасдан қолмади. 1417 йили Ҳалабда Насимий қўлга олинади. Араб тилидаги «Қунуз уз – заҳаб» (“Künüz üz-zəhəb”) асарида Насимий билан бўлган тергов ва суд иши юзасидан шундай маълумот берилади: “ Диндан қайтган Али Насимий Ёшбек даврида қатл этилган...У бир қанча ақлсизларни ҳақ йўлдан оздирган, улар эса шаккоклик ва динсизлик ила унга кўр – кўрона итоат қилишди. Бу масала шаҳар қози ва уламолари олдида аллаким Ибн ал – Шанган Алханад томонидан кўтарилди. Жараён қозиси Насимийга қараб шундай дебди: “Агар сен айтганингни исботласанг, мен сени қатл эттирмайман”.

Насимий “Қалимаи шаҳодат”ни ўқиб – Қуръон билан қасам ичади ва у ҳақида айтилган гапларни инкор қилади. Шу замон қозихонага шайх Шиҳабуддин ибн Ҳилол ташриф буюради ва мажлиснинг турини эгаллаб, Насимийнинг динсиз эканлигини, унинг ҳеч қандай иқрорлари ижобат бўлмасдан қатл этилиши шартлигини таъкидлайди. Ибн Ҳилол сўрабди: “Нима сабабдан уни қатл этмаяпсизлар?” Ал-Маливий жавоб берибди: “Сен ўзинг дастхатинг билан ҳукмни ёзиб берасанми?” У : “Ҳа”, деб жавоб берибди ва ҳукмни эълон қилибди. Бироқ бор бўлганлар унинг ҳукмини тан олишмабди. Ал-Маливий унга дебди: “ Қози ва уламолар сен билан ҳамфикр эмаслар. Мен қандай қилиб сенинг сўзларинг асосида уни қатл этаман?” Ёшбек ҳам: “Мен уни қатл қилмайман. Султон менга уни мазкур иш билан таништириш ҳукмини берди. У бир хулосага келгунча кутамиз» деб мажлисга якун ясабди. Насимий зиндонда қолади. Унинг фаолияти ҳақидаги иш султон Муайядга етказилгач, ундан даҳшатли ҳукм келади. Унга кўра, Насимийнинг териси шилиниб етти кун Ҳалабнинг кўзга кўринадиган жойига осиб қўйилиши, оёқ қўли кесилиб, унинг сулукдошлари Алибек ибн Зулҳайдар, акаси Носириддин ва Усмон Қорақуюнлига юборилиши буюрилган. Шундай қилишди ҳам. Бу одам кофир ва диндан қайтган эди. Тангрининг ўзи сақласин, бироқ унинг нозик мазмунли шеърлари бор”.

Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида келтирилишича, Паҳлавон Муҳаммад кунларнинг бирида Навойдан туркий шоирлар ичида қайси бирини мақбул кўришини сўрабди. Навоий «Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур» - деб жавоб берибди. Паҳлавон Муҳаммад яна

сўрабди: “Нечук Насимий демадинг?” Навоий жавоб берибдилар: “Хотирға келмади ва бартақдир келмоқ, Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубтур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди”.

Алишер Навоийнинг талқинича жон бераётган Имодиддин Насимий истехзо билан қуйидаги мазмунда шеър айтган:

Эй Насимий, чун муяссар бўлди икболи висол,
Қўй терингни сўйса сўйсин бу палид қассоблар.

Машраб Насимий қисмати ҳақида шундай дейди:

“Куфр айтти!” деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб оламга гўё қилди ишқ.



Насимий қатли.
(Бадий филмдан лавҳа)

“Девонаи Машраб” қиссасида Машраб ҳам қиссадаги Насимий каби жаллодларга “раҳми келиб” дорга ўзи осилади: *“Шоҳ, Машрабни ўзлари бир жуфтак уруб дорга осилдилар. Тигларини жаллодларга бердилар, ўзлари бу*

газални ўқуб адо қилдилар (газал). Алқисса, шоҳ Машраб бу газални ўқуб бўлгонларидин сўнг: “Жаллодлар, келинлар, мани чопинглар”, - деб амр қилдилар”.¹

Дор Насимийни ҳам, Машрабни ҳам уларнинг осилганига қарамай ўлдирмайди. Бунда уларнинг оддий кишилар эмас, балки валий эканлигига шаъма қилинмоқда. Насимий ва Машраб ўз ўлимлари тилсимларини билишади. Агар Насимийнинг товонидан сўйилса, Машрабнинг бўғзига пирининг пичоғи билан урилсагина жон берадилар. Бу сирни улар жаллодларга айтиб ҳам уларнинг мушкулини осон қилади, ҳам гуноҳдан сақлаб қоладилар.

Бадиий асар қаҳрамонининг, жумладан, Машраб образининг қиёфасини ва руҳий оламини тасаввуф нуқтаи назаридан талқин этиш осон эмас. Кўпгина мушоҳадалардан кейин “Девонаи Машраб” қиссасидаги Машраб сиймосини ровийнинг нигоҳи билан кўришга, қисса ёзувчисининг Машраб ҳақида берган маълумотлари замиридаги маъноларни очишга ҳаракат қилдик.

Машраб ҳақидаги навбатдаги монографиямиз “Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар” деб номланиб, у мазкур илмий тадқиқотнинг мантиқий давоми саналади. Унда Машрабнинг Самарқанддаги ҳаёти, Туркия ва Арабистонга қилган ҳаж сафари, Ёркент хонлигидаги адабий муҳит ва унда Машрабнинг тутган ўрни, Машраб ва Офоқ хўжа муносабатлари, шоир асарларининг ғоявий-бадиий жиҳатлари хусусида сўз юритилади. Тадқиқотимиз хотимаси яхлит тарзда ўша китобда келтирилади.

Китобда келтирилган сураатлар шахсий архив ва интернет таълим сайтларидан олинди.

¹ Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 163-б.

Фойдаланилган адабиётлар

Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 326 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - 48 бет.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 бет.
4. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. –148 бет.

Илмий адабиётлар

5. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1967. -384 б.
6. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980.-344 б.
7. Абдуллаев И. Машраб ва “Мабдаи нур” //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 12 апрель № 15.
8. Абдулла Ж. “Мабдаи нур” кимнинг асари? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.25 февраль № 9.
9. Абдулла Ж. “Бир баҳоре топ хазони бўлмасун”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.27 май № 22.
10. Абдусаттор Ж. “Матн ва ...бутун саволга яримта жавоб”. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010.22 август .
11. Абдусаттор Ж. “Мабдаи нур” ва калаванинг икки учи” . //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010.3, 17 сентябр .
12. Абдусаттор Ж. Муқаддима – асарнинг бош сўзи//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.25 февраль № 9.
13. Абдусаттор Ж.Олтмиш олти байт ёғдуси. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 5 август № 32.
14. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. Илмий танқидий мақолалар тўплами.– Т.: Адабиёт ва санъат нашр. 1979. - 160 б.
15. Абдуғафуров А. Зиёси барчага баробар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.1991.17 май №20.
16. Абдуғафуров А. Тошларни ёрди кўксимни оҳи... //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 22 май № 21.
17. Айний С. Намунаи адабиёти тожик.- М.: 1926. - 626 с.
18. Акимов О. Ф. Сўфийские братства: сложный узел проблем // Тримингэм Дж. С. Сўфийские ордены в исламе. – М., 1989, с. 3-7
19. Арасли. Ҳ. Имоиддин Насимий. – Т.: Фан, 1973.- 67 б.

20. Баҳодиров О. Машраб сабоқлари.//Туркистон.19 февраль, 1991 йил.
21. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. — М.: Восточная литература, 1962. Т. 2. — С. 508
22. Бухорий, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис IV. — Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. - 560 б.
23. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. — Т.: Фан, 1974. - 150 б.
24. Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Муҳаққиқи бузурги ду адабиёт. -Душанбе: Ирфон, 1978. — 60 с.
25. Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрори Валий (хужжатли эссе). -Самарқанд: Зарафшон, 1993.- 152 б.
26. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. — Т.: Ўзбекистон, 1993. -191 б.
27. Валихўжаев Б. Хўжа Аҳрор тарихи. — Т.: Ёзувчи, 1994.
28. Валихўжаев Б. Сўфия ва тасаввуф. // Зарафшон, 1997 йил, 9 август.
29. Веселовский Н. И. История Востока. Лекции читанные проф. Н.И. Веселовским. С разрешения Н.И.Веселовского скрепил А. Собриевский. Курс 1-3. [Спб.], лит. А. Гробовой, [1887-1889]; Веселовский Н. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. — Восточные заметки. Сборник статей и исследований профессоров и преподавателей Имп. С.-Петербургского университета. СПб., 1895.
30. Гулузада М. Нәсими, Азәрбајҗан әдәбијјаты тарихи.(Озарбайжон тилида). 3 чилдә, ч. 1, Бакы: Аз. Р Илмлер академияси нашр., 1960.- 590 с.
31. Деван, Гумнам. ХХР, Шинжон: Миллатлар нашр., 2004. - 109 б.
32. Дили дардли халқнинг шоири (Олимлар ва адибларнинг давра суҳбати)//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 17 май, №20.
33. Еремеев Д. Ислам образ жизни и стиль мышления. -М.:Политиздат, 1990. - 288 с.
34. Ёқуб А. Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 . 19 январь №8.
35. Жамолов С, Халилбеков А. Зид маълумотлар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 11 январь № 2.
36. Залилий девани. (Нашрга тайёрловчи: Эмин Турсун) — Пекин нашрияти. — 1985.
37. Зокирий М. Машраб.— Тошкент: Бадиий адабиёт нашр.,1966.- 120 б.
38. Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1984.- 140 б.
39. Зокиров М. Шубҳалар ўринлими? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1982. 29 январь.
40. Зокиров М. Машраб олдидаги гуноҳим //Туркистон. 1990. 24 январь.
41. Зокиров М. Мен ҳам инсон наслидан //Тошкент оқшоми. 1990. 12 февраль.
42. Зокиров М. Тасаввуф таълимоти ҳақида //Шарқ юлдузи.-1990.-№7.
43. Зоҳидов А. Мансур Ҳаллож //Фан ва турмуш.- 1991.- №3.
44. Зуннун III. Машраб ҳақидаги янги афсоналар. //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1969. -№5.
45. Имадәддин Нәсими. [Матн] (ҳәјат вә јарадычылығы / Н. Араслы.) - Бакы

: Азәрбајҹан Дөвләт Нәшријјаты, 1972. - 73 с.

46. Ислом - справочник. – Т.:Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси. 1989. - 366 б.

47. *Комилов Н.* Камоли нури раҳматман //Сирли олам.- 1992.№ 9-10.

48. *Комилов Н.* Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 206 б.

49. *Комилов Н.* Тасаввуф. –Т.: ТошДШИ нашриёти, 2006. 72-б.

50. *Лыкошин Н.* Дивана-и-Машраб. Жизнеописание популярного представителя мистицизма в Туркестанском крае //Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Т.; Тип. Туркистан. т-во печати. дела. 1910. -№1-12; 1911.-№3-8. *Қайта нашри:* Лыкошин, Нил Сергеевич. Дивана-и-Машраб: жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестанском крае. С тюрк. пер. и снабдил примеч. Н.С.Лыкошин. Самарканд: Самарканд, обл. стат. ком., 1915.

51. Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиографик кўлланма. (Тузувчи У. Тешабоева) -Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.-36 б. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://new.ziyounet.uz/ru/library/>.

52. *Мамадов К.* Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987.

53. *Мулла Исмадулла бинни Мулла Негмитулла Можизи.* «Таварих мусиқюн».– Пекин 北京, 1982. –58-59 б. (уйғур тилида).

54. *Муҳаммат Эмин Абдушукур.* Уйғур халиқ классик музикиси «Ўн икки муқом » ҳақида. Урумчи 乌鲁木齐, 1981. 43-46 б.

55. *Мусурманов Э. Р.* Классикларни тушунмоқ учун. Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Т., 1991.– 47-48 б.

56. *Мусурманов Э. Р.* Машраб шеърляти хусусида баъзи мулоҳазалар. Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 1992. – 13-15 б.

57. *Мусурманов Э. Р.* «Девонаи Машраб» қиссаси ҳақида айрим мулоҳазалар. Филологик изланишлар. – Самарқанд. – 56-58 б.

58. *Мусурманов Э. Р.* Анъананинг боқийлиги. Навоий замондошларимиз хотирасида. – Самарқанд, 1994. – 99-101 б.

59. *Мусурманов Э. Р.* Машраб шеърляти хусусида баъзи мулоҳазалар. «Девонаи Машраб» қиссасида Машраб образи. Адабиёт, тарих, замон – Самарқанд: Зарафшон, 1994. – 41-43 б.

60. *Мусурманов Э. Р.* Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 14 январь. №3

61. *Мусурманов Э. Р.* Офоқ хўжа ким эди?// Зиёкор. Илмий, услубий, ижтимоий, адабий-бадий журнал. 10 (182) 2012. 31-40 б.

62. *Мусурманов Э. Р.* Эртак ва ҳақиқат қоришган адабиёт.//Шарқ Юлдузи.Адабий-бадий,имий,ижтимоий-сиёсий журнал.5.2014.129-134 б.

63. *Остоноқулов И.* Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари (Монография). – Т. - 2007. 184 б.

64. *Позднеев, Петр.* Дервиши в мусульманском мире. Исследование Петра Позднева. Оренбург: тип. Б. Бреслина, 188 с.
65. *Пригарина Н. И.* Суфизм в контексте мусульманской культуры. М.-Наука, 1989. 337 с.
66. Пять философских трактатов на тему “Афак и Анфус”. - М.-Наука, 1970.-511 с.
67. *Равшанов П.* ва бошқ. Хофиз Рўзибой Машраб. П.Равшанов, О.Равшанов, М.Хусенов. - Т.: Шарқ, 1997. - 144 б.
68. *Равшанов Ф.* Холис ва унинг адабий мероси.Т.,1996.«Тафаккур», 1995, № 1.
69. *Рафъидинов С., Раҳимова З.* Муҳаммад алайҳиссалом мўъжизалари. – Т.: Мовароуннахр, 1993. – 88 б.
70. *Ризаев З.* Машраб ҳақида янги маълумотлар //Ўзбек тили ва адабиёти. - 1963. -№1.
71. *Ризаев З.* О Машрабе и его последователях //Общественные науки в Узбекистане. - 1966.- №12.
72. *Ризаев З.* Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI-XVII вв.— Т.:Фан,1971.-220 с.
73. *Сирожиддинов Ш.* Сўфи Оллоёр илоҳияти 1 қисм. Имом ал - Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти. – Т.: 2001.-80 б.
74. *Сирожиддинов Ш.* Илм ва тахайюл сарҳадлари (илмий-маънавий мерос). - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.-132 б.
75. *Сирожиддинов Ш.* Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили. Тошкент: Akademnashr, 2011. - 326 б.
76. *Сирожиддинов Ш.* Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари/ Монография. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.- 200 б.
77. *Содиқов Б.* Бир “девон” баҳонасида /Камалак, Адабий- танқидий йиллик тўплам.- Т.: Ёш гвардия, 1988. - 320 б.
78. *Султонмурод Олим.* Мавлонолар мавлоноси: (Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-4 июнь.
79. *Султонов И., Аҳмедов И.* Асл Машраб //Қизил Ўзбекистон. 1937. 17 март.
80. *Сюкияйнец Л.* Мусульманское право: Вопросы теории и этики. - М.:Наука, 1986.-254 с.
81. *Тоҳиров Қ.* Октябрдан аввалги ўзбек-туркман адабий алоқалар проблемасига доир.— Тошкент: Фан, 1988. - 188 б.
82. *Тримингэм Дж. С.* «Сўфийские ордены в исламе». Москва, 1989 г. 2-е издание, Москва, 2002 г. (научное издание). - 328 с.
83. *Турсун Қурбон.* Залилий ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний таҳлили. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. 7 - б. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://new.ziyounet.uz/ru/library/libid/000000/tn/typeid/tv/30/offset/330> .
84. *Тўйчиева Н.* Маломатийлик ҳаракатининг қаландарийлик тариқати билан ўзаро муносабати. (Электрон манба) // Кириш режими: <http://www.ziyounet.uz/ru/library/libid/20200/book/34377>

85. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 256 б.
86. Фитрат А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.Қайта нашри://Туркистон. 1991. 29 июнь.
87. Холматов Ш. Ўзбек халқ оғзаки ижоди.-С.: СамДУ,1979. - 100 б.
88. Шодиев Э. Машрабнинг девони борми? /Ўзбек филологиясининг актуал масалалари. Илмий асарлар тўплами. – Т.: ТошДУ - 1977. №532.
89. Шодиев Э. Машраб ҳақида янги маълумотлар //Адабий мерос. - 1978. - №10.
90. Шодиев Э. Машраб девонининг янги нашрлари //Шарқ юлдузи.- 1982. - №4.
91. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, III том.– Т.: Фан, 1978.
92. Қайюмов А. Кўкон адабий муҳити (XVIII - XIX асрлар). – Т.: Ўзфандашр., 1961. - 361 б.
93. Қаҳҳорова К. Матн азоблари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 12 апрель №15.
94. Фафур,Иброҳим. Қудсий калом //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 22 май №21.
95. Фафур Ғулом. Икки Машраб. Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль. Қайта нашри: Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том.– Т.: Фан, 1989.- 496 б.
96. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос (Адабий танқидий мақолалар тўплами). – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1985. - 208 б.
97. Ҳамроева Д. Ю. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.,2004. – 23 б.
98. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят.–Т.:Адабиёт ва санъат нашр.,1991.- 184 б.
99. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – 140 б.
100. Ҳаққул И. Шекспир машъали. Вильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик, биринчи жилд (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) – Тошкент: «Фан» нашриёти, 2007. – 5-37-б.
101. Ҳаққул И. Буюк қалб муҳаббати. Вильям Шекспир. Сонетлар. (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) Сўз боши. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти . Тошкент,: «VEKTOR-PRESS», 2009. – 5 – 21 - б.
102. Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. – Т.: Шарқ, 2001.143-б.
103. 1985. عسقه ر هوسه ين. و يغور کلاسیک آدهبیاتی تیز سی. بیجیک نه شیري
104. 1996. شه ر ه . ویفؤ ر آدهبیاتی قا مؤسی. شنجآک و نویرسیتییتی نه شیري. 5 – جیلد.
105. ویفؤ ر آدهبیاتی تا ریخی. نه شیرکه ته بیرلاؤجی. ازاد سولتان. بیجیک. نه شیري 3 – جیلد. 2006
106. Ясинжан Садиқ Чугулан. Малика Аманнисахон. – Урумчи, 2003. 36-42 б. (уйғур тилида.)

Илмий-оммабон, бадий адабиётлар

107. *Алишер Навоий*. Асарлар, 15 томлик, 13 т. – Т.: Бадий адаб. нашр., 1966. -244 б.
108. *Алишер Навоий*. Ҳайратул-аброр (Таҳрир ҳайъати - А. Қайумов ва бошқ. Сўзбоши муаллифи А. Ҳайитметов).– Т.: Адабиёт ва санъат нашр.,1989. - 352 б.
109. *Алишер Навоий*. Лисонут-тайр (Таҳрир ҳайъати- А. Қайумов ва бошқ.,тузувчи:М. Раҳмонов).– Т.: Адабиёт ва санъат нашр. 1991.-464 б.
110. *Березиков, Е.* Святой дервиш Машраб (Переложение народных сказаний). – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 36 с.
111. *Бобораҳим Машраб*. Меҳрибоним қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар...(Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи: Ж. Юсупов),– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1990.-416 б.
112. *Бобораҳим Машраб*. (Наманганлик адиблар ва илмий жамоатчилигининг Машраб тўғрисида яратган асарлар тўплами) – Т.: Ўқ-чи,1991. - 96 б.
113. *Богистоний, Исҳоқ*. Тазкираи қаландарон (Нашрга тайёрловчи: М. Зокиров) //Шарқ юлдузи.-1990. - № 8.
114. *Бухорий, Садриддин Салим*. Дилда ёр.–Т.:Адабиёт ва санъат нашр., 1993. - 80 б.
115. Гумнам ғазаллири // Булақ (уйғур классик ва оғзеки адабияти тўплами). Урумчи, 1981.№3 (уйғур тилида).
116. Жавоҳир -ул ҳикоёт. (Сўзбоши Саидбек Ҳасанники). – Т.: Ёзувчи, 1993. - 208 б.
117. Мабадаи нур. (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ) Тошкент: Фан, 1994. - 314 б.
118. *Машраб*. Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов). – Т.: Бадий адабиёт нашр., 1958. - 93 б.
119. *Машраб*. Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов).- Т.: Бадий адабиёт нашр., 1960. - 85 б.
120. Дивана – и – Машраб. (Перевод с тюркского Н. С. Лыкошина.) // Звезда Востока. 1992. №9, 10. с. 6-59
121. Машраб шеърятидан (Тузувчи: А.Абдуғафуров).- Тошкент: Ўзбекистон нашр., 1979.-127 б.
122. *Машраб*. Девон (Нашрга тайёрловчилар: В.Раҳмонов, К.Исроилов).– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1980. -352 б.
123. *Машраб*. Девон. (Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Юсупов)”.Янги аср авлоди”. Т. 2006.- 608 б.
124. *Мусурманов Э. Р.* Нечта Машраб бўлган? Зарафшон. // 2010. 1 апрел, № 40
125. *Мусурманов Э. Р. Кулонов Ж.* Башарият шоирининг таржимони. // Зарафшон. 2012. 15 сентябр, № 113

126. *Мусурманов Э. Р.* Маҳдуми Аъзам авлоди ёхуд Хитой императори Цяньлун армонига айланган Ипархон ҳақида //Зарафшон. 2013. 15 январь, № 164
127. *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова). – Т.: Шарқ, 2010. – 719 б.
128. *Навбаҳорий, Сайф уз-Зафар.* Дурр ул-мажолис (Нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Бобобеков, М.Ҳасаний). – Т.: Мерос, 1992. - 160 б.
129. *Осим, Миркарим.* Карвон йўлларида. Сайланма: тарихий қиссалар.- Т.:Адабиёт ва санъат нашр., 1987. - 528 б.
130. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Настольная и дорожная книга для русских людей. Под ред. В.П.Семенова-Тянь-Шанского и под общим руководством П. П. Семенова и В. И . Ламанского. 1899-1915. 11 томов; Т.-11 Туркестанский край: Сыр-Дарьинская обл., Аму-Дарьинский отдел, Зарявшанская и Ферганская обл. с Памиром. 1913.
131. *Рушдий, Муҳаммад Сиддиқ Ғавсул Аъзам* (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Икромиддин Остонакул ўғли).–Т.: Халқ мероси нашр.,1993. - 96 б.
132. *Шоҳ Машраб қиссаси* (Нашрга тайёрловчи: М.Ҳасаний).– Т.: Шарқ 1991.-56 б.
133. *Қиссаи Иброҳим Адҳам. Хувайдо, Достони Иброҳим Адҳам* (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Қ.Тоҳиров).-Самарқанд: Зарафшон, 1993. - 108 б.
134. *Қиссаи Машраб* (Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли).– Т.: Ёзувчи, 1992.-176 б.
135. *Қуръони карим.* (Таржима ва изохлар муаллифи: Алоуддин Мансур).- Т.: Чўлпон, 1992. - 544 б.
136. *Ғафуров, Иброҳим.* Гала // Ўзбекистон адабиёти ва санъати,1990. 23 ноябрь.
137. *Ғафуров, Иброҳим.* Алиф // Халқ сўзи, 1990. 16 июль.
138. *Ҳамид Фулом.* Машраб //Шарқ юлдузи. -1981. - № 1-3.

Қўлёзма манбалар

139. *Малеҳо Самарқандий.* Музаққир ул-асҳоб. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, инв. № 58-1.
140. *Мирзо Олим Мушириф.* Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин - Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, инв. № 1314.
141. *Мир Халаддин Котиб Ёркендий.* Ҳидоятнома. Рос. ФА Шарқшунослик Институти. инв. № 2565 Саҳ сони: 560. Саҳ:12а, 42б, 70б, 76б, 98б, 109а, 110а.
142. *Муҳаммад Азиз Марғилоний.* Тарихи Азизий. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, инв. № 11108.
143. *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.* Тарихи Рашидий. ЎзР ФА ШИ, инв. № 1430., яна: Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (Дўғлот). Тарихи Рашидий. Рос. ФА Шарқшунослик институти Саҳ сони: 395, Саҳ. 317 б.

144. *Муҳаммад Ҳакимхон тура*. Мунтахабут таварих. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, инв. №1560.
145. *Муҳаммад Содик Қашқарий*. Тазкираи Хўжагон. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ, инв. № 701.
146. *Рушдий Муҳаммад Сиддиқ*. Тазкират ул-авлиёи туркий. Қўлёзма. Тошкент Давлат Педагогика Университети кутубхонаси фонди. инв № 646.
147. Тарихи Қашқар. Қўлёзма. Рос. ФА Шарқшунослик институти. Саҳ сони: 576. Саҳ: 69а, 75б, 77б.
148. *Фазлий Намангоний*. Тазкиратуш шуаро. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ, инв. №2371.

“Девонаи Машраб” асари қўлёзмалари

149. «Девонаи Машраб», шахсий кутубхона, қўлёзма асар, настаълиқ хатида, 234 саҳифа, ёзилган йили ва хаттоти аниқ эмас.
150. «Девонаи Машраб», Шарқшунослик институти китоб хазинаси, қўлёзма асар, настаълиқ хатида, инвентарь рақами - 172.
151. «Девонаи Машраб», Қобилжон Тохиров шахсий кутубхонаси, настаълиқ хатида, 217 саҳифа.

СамДУ кутубхонасида сақланаётган нусхалар

“ДЕВОНАИ МАШРАБ” асарининг нусхалари:

а) Қўлёзма нусхалар:

152. Инвентарь рақами - 1009109, настаълиқ хатида, 176 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
153. Инвентарь рақами - 823632, настаълиқ хатида, 285 саҳифа, бошидаги ва охиридаги айрим варақлар тушиб қолган.
154. Инвентарь рақами - 1188738, настаълиқ хатида, 148 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
155. Инвентарь рақами - 40345, настаълиқ хатида, котиби ва кўчирилган йили номаълум.
156. Инвентарь рақами - 1000044, настаълиқ хатида, кўчирилган йили ва котиби номаълум.
157. Инвентарь рақами - 125970, настаълиқ хатида, 370 саҳифа, кўчирилган йили ва котиби номаълум.
158. Инвентарь рақами - 824142, настаълиқ хатида, 456 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
159. Инвентарь рақами - 1188405, настаълиқ хатида, 230 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
160. Инвентарь рақами - 1097093, настаълиқ хатида, 278 саҳифа, котиби ва кўчирилган йили номаълум.

б) Тошбосма нусхалар:

160. “Девонаи Машраб”, 120 саҳифа, 1334 ҳижрий, 1914 мелодий йили

Тошкентда чоп этилган, ношир – мулло Розикбой.

161. “Девонаи Машраб”, 158 саҳифа, 1319 ҳижрий, 1901 мелодий йили Тошкентда чоп этилган.

162. “Девонаи Машраб”, 154 саҳифа, нашр жойи кўрсатилмаган.

163. “Девонаи Машраб”, 176 саҳифа, 1328 ҳижрий, 1906 мелодий йили Тошкентда чоп этилган.

164. “Девонаи Машраб”, 209 саҳифа, нашр жойи кўрсатилмаган.

«МАБДАИ НУР» нинг нусхалари:

а) Қўлёзма нусхалар:

165. Инвентарь рақами - 1160084, настаълиқ хатида, 296 саҳифа, 1238 ҳижрий, 1822 мелодий йили кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган.

166. Инвентарь рақами - 824197, настаълиқ хатида, 296 саҳифа, 1238 ҳижрий, 1822 мелодий йили кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган.

167. Инвентарь рақами - 1097820, настаълиқ хатида, 678 саҳифа, кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган. XIX асрда кўчирилган, охиридан 9 варақдаги шеърларни ўқиб бўлмайди.

168. Инвентарь рақами - 389707, настаълиқ хатида, 466 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, бошидан ва охиридан саҳифалар тушиб қолган.

б) Тошбосма нусхалар:

169. “Мабдаи нур”, 462 саҳифа, 1325 ҳижрий, 1905 мелодий йили Тошкентда чоп этилган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.

170. “Мабдаи нур”, 462 саҳифа, 1328 ҳижрий, 1910 мелодий йили Самарқандда чоп этилган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.

171. “Мабдаи нур”, 448 саҳифа, 1331 ҳижрий, 1912 мелодий йили Когонда чоп этилган.

172. “Мабдаи нур”, 398 саҳифа, 1324 ҳижрий, 1906 мелодий йили чоп этилган, бошидан 64 саҳифа тушиб қолган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.

Электрон манбалар

173. [http://ferlibrary.uz/uzbekistan - 20 let nezavisimosti](http://ferlibrary.uz/uzbekistan_-_20_let_nezavisimosti)

174. <http://www.ziyonet.uz/>

175. <http://referat.arxiv.uz/files/>

176. <http://yandex.ru/yandsearch>

177. <http://mt.uz/ru/press-service/news/395-news.html>

178. <http://referat.arxiv.uz/files/1707>

179. <http://1.kitobxon.uz/index.php>

180. <http://ru.wikipedia.org/wiki>

МУНДАРИЖА

Шухрат Сирожиддинов. Сўз боши.....	3
Кириш.....	5

Биринчи боб. Раҳимбобо Машраб фаолиятининг ўрганилиш тарихи ва муаммолари

Манба сифатидаги тазкиралар.....	10
Ёркент адабий муҳити.....	14
Илмий рисола ва мақолалар.....	26
Ҳозирги давр адабиётида шоир тимсоли.....	43
Машраб таҳаллусли шоирлар.....	48
Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ.....	51
Машрабнинг туғилган жойи масаласига доир.....	59
«Девонаи Машраб» асари ҳақида.....	63

Иккинчи боб. Шоир бадиияти ва руҳияти талқини

Тасаввуф таълимоти ва Машраб.....	71
Маломатийлар.....	85
Қаландарлар.....	88
Қиссаларда Машраб қиёфаси.....	95
Рухият ва бадиият масаласи.....	98
Машраб, хўжа Нуриддин ва лаъин.....	112
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.....	118
Машраб ва маҳбуба.....	124
Мансур Ҳаллож.....	127
Машраб ва қалмоқ қизи.....	132
Садоқат тимсоли.....	136
Сўнгги манзил.....	141
Сайид Имодиддин Насимий.....	145
Фойдаланилган адабиётлар.....	150

Э.Р.Мусурманов

**РАҲИМБОБО МАШРАБ
ФАОЛИЯТИ ВА РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ**

м о н о г р а ф и я

Муҳаррир	Г. Раҳимова
Мусахҳих	Х. Раҳимова
Техник муҳаррир	Б. Эгамбердиев

ISBN 978-9943-976-51-1

E-mail: musurmanov.erkina@mail.ru

2008 йил 19 июнь 68-буйруқ.

2015 йил 20 июнда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84/1.8. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ 10,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 10,0. Адади 100 нусха. 311-буюртма.

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**